

81.633.1

Ж24

Ҳ. А. ЖАМОЛҲОНОВ

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

2-қисм



FF0000018669

Тошкент - 2004

Мамолонг К. (LS)

35905
3165

81.633.1

Ж24

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ЖАМОЛХОНОВ Ҳ.А.

1
Ф/Ф



ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

2-қисм

Лексикология ва Фразеология. Лексикография

новт фонт.

Nizomiy nomli
Т Д Р У
kutubxonasi

925216

~~Nizomiy nomli
Ўзбекистон Республикаси
Т Д Р У
kutubxonasi~~

Ушбаев

ТОШКЕНТ - 2004

8037

ALISHBIR NAVOIY NOMIDAGI
ToshDU'LATU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

АННОТАЦИЯ

«Ҳозирги ўзбек адабий тили» уқув қўлланмаси ўзбек тили ва адабиёти йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжаллангандир. У шу йўналиш дастурига мос равишда ёзилди. Қўлланма «Ҳозирги ўзбек адабий тили» курсининг «Лексикология ва фразеология», «Лексикография» бўлимларини ўз ичига олган.

Ҳар бир бўлим баёнида ўзбек тилшунослигининг сўнги ютуқларидан, соҳага оид янги маълумотлардан унумли фойдаланилди.

Қўлланма Низомий номидаги ТДПУ Илмий Кенгашининг 2004 йил 26 февралдаги 8-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.

Тақризчилар: РАСУЛОВ РАВШАНХЎЖА, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети профессори, филология фанлари доктори.
МАҲАМАДАЛИЕВ ХИСЛАТ, Жаҳон тиллари университети доценти, филология фанлари номзоди.

Масъул маҳаррир: доц. Қ.Сапаев

Муҳаррир: Ш. Хидирова

Шартли қисқартмалар

А. Н.- А. Навоий	С.Аҳм.- Саид Аҳмад
А. Раҳм.- А. Раҳмат	С. З.- Саида Зуннунова
А. Қ.- А. Қаҳҳор	С.Н.- Саид Назир
А. Қод.- А.Қодирий	снқ.- саноқ сонлар
ар.- арабча	суғд.- суғдча
В. Саъд.- Восит Саъдулла	сфт.- сифат
ДЛТ.- Девону луготит турк	Т.М.- Тоҳир Малик
Ж.А.- Ж. Абдуллахонов	турк.- туркча
Ж.Ш.- Жуманиёз Шарипов	туркм.- туркманча
З.Ш.- З. Шарофиддинов	Уйғ.- Уйғун
М. Исм.- М. Исмоилий	ф.-т. - форсча-тожикча
М.Ос.- М.Осим	Ш.- Шухрат
М.Ш.- М. Шайхзода	Ш.Р.- Шароф Рашидов
Мирм.- Мирмуҳсин	У.Ҳ.- Уткир Ҳошимов
Муқ.- Муқимий	УТИЛ.- Ўзбек тилининг
мут.- мутулча	изоҳли лугати
О.- Ойбек	Қ.М.- Қуддус Муҳаммадий.
О.Ё.- Одил Ёқубов	қирғ.- қирғизча
О.Қ.- Олим Қўчқорбеков	қоз.- қоғоқча
П.Т.- Парда Турсун	қорақ.- қорақалпоқча
П.Қ.- Пиримқул Қодиров	Г.Г.- Гафур Гулом
р.-б.- русча-байналмилаал	Ҳ.Дех.-Ҳисрав Деҳлавий
Р.Ф.- Раҳмат Файзий	Ҳ.Н.- Ҳаким Назир
Руд.- Рудакий	Ҳ.О.- Ҳамид Олимжон
С. А.- С. Айний	Ҳ.Ш.- Ҳусайн Шамс
С. Ан.- С. Анорбоев	Ҳаб.-Ҳабибий

ЛЕКСИКОЛОГИЯ

Лексикологиянинг объекти, предмети вазифалари

Адабиётлар: 2[56-59], 4[3-6], 11[6-9], 12[49-53], 14[58-59].

1-§. Лексикологиянинг объекти тилнинг лугат бойлигидир. Бу бойлик тилшунослиқда *лексика* деб аталади, у муайян тилдаги барча сўзларни ва шу сўзлар боғланишидан таркиб топган кучма маъноли тургун бирикмаларни (фраземаларни) ўз ичига олади. *Лексика* атамаси баъзан тор маъноларда ҳам қўланади: диалектал лексика, касб-ҳунар лексикаси, илмий лексика, вульгар лексика, Тоҳир Malik асарлари лексикаси каби.

Лексикологиянинг предмети – лугат бойлигининг структуравий ва системавий хусусиятларини, тараққиёт қонуниятларини, тилнинг бошқа сатҳлари (фонетик сатҳ, грамматик сатҳ) билан алоқасини тадқиқ қилиш.

Лексикологиянинг вазифалари; а) муайян тил лугат бойлигидаги эскириш ва янгиланиш жараёнларини, бу жараёнларда лисоний ва нолисоний (лингвистик ва экстралингвистик) омилларнинг иштирокини ўрганиш; б) лугавий бирликларнинг функционал-семантик тавсифини бериш, эскирган, янги ва замонавий қатламларини, тематик гуруҳлари ва микросистемаларини аниқлаш, лисоний ва услубий хусусиятларини ёритиш; в) талабаларни лексикага оид назарий билимлар билан қуроллантириш, уларда лексик-семантик таҳлил кўникмаларини шакллантириш.

2-§. Лексикологиянинг турлари. Лексикология барча тилларнинг лугат бойлиги тараққиётига хос умумназарий масалалар билан бирга, айрим олинган бир тилнинг лугат бойлиги масалалари билан ҳам шуғулланади. Шунга кўра у дастлаб икки турга – умумий лексикология ва хусусий лексикологияга бўлинади.

1. Умумий лексикологияда барча тилларнинг лугат таркиби тараққиётини белгиловчи қонуниятлар кўрилади: тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур муносабатларининг лугат таркибига таъсири, бунинг лугат таркибида маълум ўзгаришларга олиб келиши, лугавий бирликларнинг замонийлик, тарихийлик, экспрессив-стилистик жиҳатдан қатламланиши, маълум тематик ва лексик-семантик гуруҳларга уюшиши каби жараёнлар барча тилларга хосдир.

2. Хусусий лексикологияда муайян бир тилнинг лугат бойлиги ўрганилади: Ўзбек тили лексикологияси, рус тили лексикологияси, немис тили лексикологияси каби.

Хусусий лексикология муайян бир тилнинг лугат бойлигини тадқиқ қилишда умумий лексикология тажрибалари ва худосаларига таянади. У уз навбатида тавсифий (синхрон) ва тарихий (диахрон) лексикология каби турларга бўлинади:

а) тавсифий лексикологияда айрим олинган бир тилнинг, масалан, ўзбек тилининг лексикаси статик ҳолатда – шу тил лексикасининг аввалги (утмишдаги) тараққиёт динамикасига боғланмай урганилади, шунга кўра у *синхрон лексикология* саналади;

б) тарихий лексикологияда айрим олинган бир тилнинг лексикаси динамик ҳолатда – тарихий тараққиёт жараёни билан боғлаб урганилади, шунга кўра у *диахрон лексикология* ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек тили лексикологияси, асосан, тавсифий (синхрон) лексикологиядир, аммо унда тарихий (диахрон) лексикологияга мурожаат этиш ҳоллари ҳам бўлиб туради: ўзбек тили лугат бойлигининг тарихий ва замонавий қатламларини, сўзларнинг ҳозирги ва эскирган маъноларини қиёслаш, тавсифлаш керак бўлганда шундай қилинади.

3-§. Лексикологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси. Лексикология тилшуносликнинг семасиология, ономасиология, этимология ва фразеология каби бўлимлари билан ҳамкорликда иш кўради, бундай ҳамкорликсиз тилнинг лугат бойлигидаги лексик-семантик ҳодисаларни, лугат таркиби тараққиётига оид тил фактларини тўғри ёритиб бўлмайди: *семасиологияда* лугавий бирликларнинг мазмун плани – семантик таркиби ва шу билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилинади; *ономасиологияда* нарса-ҳодисаларни ёки тушунчаларни номлаш принциплари урганилади; *этимологияда* сўзларнинг келиб чиқиши аниқланади; *фразеологияда* тилнинг лугат бойлигидаги кўчма маъноли тургун конструкциялар – фраземалар хусусида баҳс юритилади.

Тилнинг лексик, фонетик ва грамматик сатҳлари ҳам ўзаро боғлиқдир: фонетик бирликлар сўзни борлик тусига киритади, морфемалар ясама сўзларни шакллантиради, сўзларнинг бирикувчанлик имкониятлари, услубий восита сифатидаги хусусиятлари уларнинг лексик ва грамматик маъноларига ҳамда услубий семаларига таянади. Булар лексикологиянинг фонетика, морфемика, сўз ясалиши, грамматика ва услубшунослик (стилистика) билан алоқада бўлишини тақозо қилади.

4-§. Лексикологияда тилнинг лугат бойлиги система сифатида тадқиқ қилинади, чунки бу бойлик сўзлар ва ибораларнинг оддий, механик йиғиндиси эмас, балки ўзаро алоқада бўлган, бирининг бўлиши иккинчисининг бўлишини тақозо қиладиган лугавий бирликлар ва элементлар тизимидир, бу тизимдаги сўз ва

элементлар яхлит бир "организм"нинг "гуқималари" ва "ҳужайралари" муносабатида бўлади: сўзларнинг ифода ва мазмун томонлари орасидаги алоқалар, лексик маъно ва унинг семалари уртасидаги бутун ва қисм муносабатлари, сўз маъноларининг парадигматик ва синтагматик хусусиятлари шундан далолат беради. Бу тизимнинг асосий бирлиги сўз эканлигини ҳисобга олсак, лексикологияда бевосита сўзнинг ўзи билан боғлиқ масалалар ҳам курилади: сўзнинг тил бирлиги сифатидаги моҳияти, сўз структураси (ифода ва мазмун планлари, семантик таркиби), лексик маъно ва услубий семалар, лексик маъно ва этимон, лексик маъно тараққиёти, узул ва окказионал маънолар шулар жумласидандир.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Лексикология нимани урганади?
2. Лексика нима?
3. Лексикологиянинг мақсади ва вазифалари ҳақида маълумот беринг.
4. Лексикологиянинг қандай турлари бор?
5. Лексикология тилшуносликнинг қайси бўлимлари билан алоқада бўлади? Сабаблари?

Таянч тушунчалар

Лексикологиянинг объекти – тилнинг лугат бойлиги, лексик тизими.

Лугавий бирликлар – сўз ва иборалар (лексема ва фраземалар).

Лисоний омиллар (лингвистик факторлар) – тилнинг структуравий ва системавий хусусиятларидан келиб чиқадиган омиллар.

Нолисоний омиллар (экстралингвистик факторлар) – тил тараққиётига (шу жумладан, лексик тизим ривожига) ташқаридан таъсир ўтказувчи омиллар: ижтимоий-сиёсий тузум, психология, урф-одатлар, илмий-техникавий тараққиёт, адабиёт-санъат ва бошқалар.

Умумий лексикология – лексикологиянинг барча (ёки кўпчилик) тиллар лугат бойлиги тараққиётига хос умумий қонуниятларни аниқлаш ва ёритиш билан шугулланувчи тури

Хусусий лексикология – лексикологиянинг муайян бир тил лугат бойлиги ҳақида маълумот берувчи тури.

Тавсифий лексикология – айрим олинган бир тилнинг лугат бойлигини шу тил лексикасининг аввалги тараққиёти билан боғламай урганадиган лексикология.

Тарихий лексикология – айрим олинган бир тилнинг лугат бойлигини тарихий тараққиёт жараёни билан боғлаб урганадиган лексикология.

Семасиология – лексик бирликларнинг семантик таркиби ва у билан боғлиқ масалаларни ўрганувчи соҳа.

Ономасиология – лексик бирликларни номлаш ва тушунча англатиш принциплари ҳамда қонуниятлари ҳақида маълумот берувчи соҳа.

Этимология – тилшуносликнинг сўз ва морфемаларнинг келиб чиқишини ўрганувчи бўлими.

Сўзнинг лексик бирлик сифатидаги МОҲИЯТИ

Адабиётлар: 2[53-66],4[6-8],8[47-54],11[11-15],12[49-55]

5-§. Сўз тилнинг энг муҳим номинатив бирлигидир, чунки у борлиқдаги нарса-буюмларни, предмет сифатида тасаввур қилинадиган мавҳум тушунчаларни, ҳаракат-ҳолатни, ранг-тус, маза-таъм, ҳажм-миқдор, хислат каби белги-хусусиятларни номлайди: *дарахт* (предмет номи), *онг* (мавҳум тушунча номи), *ишламоқ* (ҳаракат номи), *оқ* (ранг-тус номи), *ширин* (маза-таъм номи), *катта* (ҳажм номи), *беш* (миқдор номи) каби. Тилнинг лугат бойлигидаги бундай сўзлар лексик бирликлар саналади.

Тилда номлаш хусусиятига эга бўлмаган, бинобарин, лексик бирлик саналмайдиган сўзлар ҳам бор, улар фақат грамматик ёки модаль маъноларни ифодалайди, шунга кўра грамматик сўзлар ёки морфема-сўзлар ҳисобланади: ёрдамчи сўзлар, модал сўзлар, тақлидий сўзлар, ундовлар, олмошлар шулар жумласидандир. Булар тилшунослиқда ифодаловчи сўзлар (ундовлар, модал сўзлар, юкламалар), кўрсатувчи сўзлар (боғловчилар, кўмакчилар), олмошловчи сўзлар (олмошлар) ва атовчи сўзлар (атоқли отларнинг маълум турлари) каби гуруҳларга ажратилади. (12,50-51).

Лексик мазмунли сўзлар лексикологияда, грамматик мазмунли сўзлар эса грамматикада (сўз туркумлари билан боғлаб) урганилади.

Тилшунослиқда лексик мазмунли сўзларнинг структураси ҳар хил таърифланмоқда: айрим манбаларда лексик мазмунли сўзларнинг ифода плани (товушлардан таркиб тошган моддий томони) *лексема* деб, мазмун плани (ифодаланувчиси) эса *семема* деб таърифланади. Демак, лексема ва семема лексик бирликнинг (сўзнинг) узаро алоқада бўлган икки томони эканлиги айтилади.¹ Бошқа манбаларда эса лексема сўзнинг ифода планигина эмас,

¹ Толстой Н.И. Из опытов типологического исследования славянского словарного состава. – «Вопросы языкознания», 1963, №1.

Новиков Л.А. Семантика русского языка – М.: «Высшая школа», 1982, с.114.

балки унинг ифода ва мазмун планлари бирлигидан иборат яхлит бутунлик эканлиги таъкидланади. Бу бутунлик номинатив функциядаги сўз ёки сўз бирикмаси шаклида бўлади. У ономасиологияда тилнинг лугат таркибидagi бир компонент (*вокабула*) сифатида, семасиологияда эса маълум маънолар таркибидан иборат бирлик (*семантема*) сифатида урганилади.¹

Ўзбек тилшунослигида лексеманинг ифода ва мазмун планлари бирлигидан иборат бир бутун лексик бирлик сифатида қаралиши кенг тарқалган, бунда унинг ифода плани (товуш томони) *номема* (8,54-55) термини билан, мазмун плани эса *семема* (8,55-б.) атамаси билан номланмоқда. Мазкур дарслиқда ҳам шу анъанага амал қилинди.

6-§. Лексемаларнинг лексик бирлик сифатидаги тавсифида куйидаги белги-хусусиятларнинг алоҳида ўрни бор:

1. Ҳар қандай лексема икки томоннинг - ифода ва мазмун планларининг (номема ва семеманинг) бирлигидан таркиб топади:

а) лексеманинг ифода плани унинг фонетик қобигидир (фонемалар, бўгинлар ва сўз ургусидан иборат моддий-материал шакли). Масалан, *қулоқ* лексемасининг ифода планида 5 та фонема (қ, у, л, о, қ), 2 та бўгин (қу-лоқ) ва 1 та сўз ургуси (қулоқ) бор.

Лексеманинг ифода плани бўгин тиллари, унинг фонетик таркиби билан боғланган бўлади: ўзбек тилининг ўз қатламидаги умумтуркий лексемаларнинг кўпчилиги бир ва икки бўгинли туб сўзлардир. Бир бўгинли туб лексемаларнинг фонетик таркиби ундош + унли + ундош (*бош, қуз*), унли + ундош (*ош, ўн*) схемаларида бўлади; бўгин ва сўз бошида икки ундош қаторлашиб келмайди, аммо сўз охирида икки ундошнинг кетма-кет келиши учраб туради: *тўрт, қирқ* каби. Икки бўгинли туб лексемаларнинг биринчи бўгини унли (о-на), унли + ундош (ол-ти), ундош + унли + ундош (кат-та), ундош + унли (бо-ла), иккинчи бўгини эса ундош + унли (о-та), ундош + унли + ундош (ол-тин) схемаларида бўлади. Иккинчи бўгин ҳеч қачон унли билан бошланмайди, аммо унли билан туташ ҳолатлари (очиқ бўгин бўлиши) кўп учрайди (ке-ча, қай-гу, бо-ла, бо-бо каби).

Ўзбек тилининг ўзлашган қатламидаги лексемаларнинг бўгинларида, бинобарин, сўзнинг ифода планида ҳам бир қатор ўзига хосликлар бор. (Бу ҳақда «Ўзбек тили лексикасининг тарихий тараққиёти» баҳсига қаралсин.)

Ясама сўзларда ўзак морфема ва сўз ясовчи морфемалар лексеманинг ифода плани бўлади: *иш-чи* > *ишчи*, *бош-ла(моқ)* > *бошла(моқ)* каби. Фонемалар эса ўзак ва аффиксларнинг ифода плани вазифасида қўлланади: *ишчи-и, ш/ч, и;* *бошламоқ-б, о, ш/л, а/м, о, қ* каби.

¹ Кодухов В.И. Введение в языкознание. - М.: «Просвещение», 1979, с.184-186.

Лексик мазмунли жуфт ва такрорий сўзлар ҳам яхлитланган бир лексема ҳисобланади: катта-кичик (битта лексема), бола-чақа (битта лексема) жангир-жунгир (битта лексема) каби (12,55-б.).

Лексеманинг ифода планидаги турли шакллар унинг ташқи формаси саналади;

б) лексеманинг мазмун плани дейилганда унинг маъноси (ёки маънолари) ва услубий бўёқлари (маъно қирралари) назарда тутилади. Масалан, *қулоқ* лексемасининг мазмун планида қуйидаги лексик маънолар бор: «эшитиш аъзоси» (*одамнинг қулоғи*), «дотор, танбур торларини созлаш учун ўрнатилган мурувватлар» (*доторнинг қулоғи*), «қозоннинг ён томонларидан чиқарилган тутқич-дасталар» (*қозоннинг қулоғи*) каби. *Чехра* лексемасининг мазмун планида эса лексик маъно қўшимча оттенка – услубий бўёқ билан қопланган. Бу бўёқ киши кайфияти, руҳий ҳолати ёки хулқ-атворининг юздаги аксини ифодалайди: *чехра деган кўнглининг ойнасидир*. (Ҳамза).

Лексеманинг мазмун планидаги лексик маъно (ёки маънолар) ва услубий семалар унинг ички формаси саналади.

Лексеманинг ифода ва мазмун планлари диалектиканинг шакл ва мазмун категориялари муносабатига асосланади: шакл мазмуннинг бўлишини тақозо қилади, мазмун эса шаклсиз юзага келмайди, ифодаланмайди ҳам. Қиёс қилинг: *шаҳар*, *ҳашар* лексемаларининг иккаласида бир хил фонемалар қатнашган, аммо бу фонемаларнинг жойлашиш тартиби, демак, лексеманинг шакли ҳар хил. Бу ҳол шу икки лексема маъноларининг тилда фарқланишини таъминлайди. Улардаги фонемалар тартибини ўзгартириш эса шаклнинг йўқолишига олиб келади: *шаҳар* (сўз, лексема) – *ашҳар* (сўз эмас), *ҳашар* (сўз, лексема) – *рашаҳ* (сўз эмас). Демак, товушларнинг ҳар қандай йигиндиси сўз (лексема) бўлавермайди: бундай йигинди тил бирлигининг (лексик бирликнинг) шакли даражасига кўтарилиши учун у албатта мазмун билан боғланган бўлиши керак.

2. Лексемаларга хос муҳим белгилардан яна бири шуки, уларнинг ҳар бири у ёки бу лексик-грамматик гуруҳларга мансуб бўлади: предмет номлари от туркумига, белги-хусусият номлари сифат туркумига, миқдор аңглатувчи сўзлар сон туркумига, ҳаракат-ҳолат мазмунли сўзлар эса феъл туркумига киради. Бундай мансублик лексемаларнинг нутқдаги грамматик шаклларини белгилайди: отлар эғалик, келишик, кўплик ёки бирлик шакларида, сифатлар оддий, орттирма ёки қиёсий даража шакларида, феъллар шахс-сон, замон, майл, бўлишли ёки бўлишсиз, нисбат шакларида қўланади. Бу ҳол тилнинг лексик ва грамматик сатҳлари ўртасидаги алоқадорликдан келиб чиқади.

3. Лексемалар албатта яхлитланган, бир бутун бирлик бўлади, шу хусусияти билан грамматик шакллардан, сўзлар бирикмаси ва гапдан фарқ қилади. Чунончи, *мактаб* лексемаси лексик бирлик

сифатида ўзгармасдир, ammo унинг грамматик шакллари нутқда ўзгариб туради: *мактабнинг, мактабни, мактабга, мактабда, мактабдан* каби. Шунингдек, «бешта олма» бирикмасини «бешта қизил олма» деб қўллаш (бирикма таркибига «қизил» сўзини қўшиш) мумкин, ammo *мактаб* лексемаси таркибига бошқа бугин ёки сўз киритилмайди.

4. Лексемада битта бош (асосий) ургу булади, у шу лексеманинг яхлитлигини, бир бугун бирлик булишини таъминловчи муҳим суперсегмент бирликдир: *қовоқ, ошқовоқ, темёр, темёрбетон* (сўнги сўзнинг иккинчи бугинида иккинчи даражали ургу, охирги бугинда эса бош ургу қўлланган) каби.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкин: ҳар қандай лексема шакл ва маъно бутунлигига эга. Лексеманинг шакли унинг ташқи формаси, мазмун плани эса шу лексеманинг ички формаси бўлади. Шакл маънони борлиқ тусига киритади, шу орқали маънонинг тилда ва инсон онгида яшашини таъминлайди.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Нима учун сўз номинатив бирлик саналади?
2. Лексик сўзлар ва грамматик сўзлар қандай фарқланади?
3. Лексик ва грамматик мазмунли сўзлар тилшуносликнинг қайси бўлимларида ўрганилади?
4. *Лексема, номама, семема* атамаларини тушунтиринг.
5. Лексеманинг ифода ва мазмун планлари ҳақида маълумот беринг.
6. Туб ва ясама сўзларнинг ифода планлари қандай фарқланади?
7. Лексеманинг ташқи ва ички формалари ҳақида маълумот беринг.
8. Лексеманинг ифода ва мазмун планлари диалектиканинг қайси категорияларига мос?
9. Лексеманинг яхлит бир бугун бирлик эканлиги нималарда намоён булади?
10. Лексеманинг лексик бирлик сифатидаги асосий белгиларини тушунтиринг.

Таянч тушунчалар

Номинатив бирлик – номлаш хусусиятига эга бирлик.

Лексик сўз – лексик мазмунли сўз (лексема).

Грамматик сўз – лексик маъноси бўлмаган, грамматик мазмунли сўз (морфема-сўз).

Семема – лексеманинг мазмун плани (лексик маъноси ёки маънолари, семалари йиғиндиси).


Номама – сўзнинг (лексеманинг) номи.

ЛЕКСЕМАНИНГ СЕМАНТИК ТАРКИБИ

Адабиётлар: 4[10-14], 8[54-57], 12[61-73], 14[60-64]

Лексеманинг семантик таркиби лексик маъно, қўшимча оттенкалар (маъно қирралари, услубий семалар) ва туркумлик семаларини ўз ичига олади.

7-§. Лексик маъно лексеманинг ниманидир номлаши (аташи), англаши ва ифодалашидир. У қуйидаги уч ҳодиса уртасидаги боғланишдан таркиб топади: а) фонетик сўз (лексеманинг фонетик қобиги, шакли); б) фонетик сўз томонидан номланган предмет, ҳодиса, тушунча (денотат, референт); в) фонетик сўз томонидан ифодаланган маъно (сигнификат, у инсон онгида денотат ҳақида шаклланган маънодир). Демак, фонетик сўз предметни, денотатни атайди (денотатив маъно), фонетик сўз инсон онгидаги сигнификатни ифодалайди (сигнификатив маъно). Ана шу учта бирлик уртасидаги боғланишдан юзага келган семантик бирлик лексик маъно саналади. Буни қуйидаги семантик учбурчак шаклида тасвирлаш мумкин:



Предмет ёки денотат, ёки референт

Маъно ёки сигнификат



«Транспортнинг бир тури»

Лексик маънонинг яна бир муҳим белгиси шуки, у лексеманинг тил системасидаги бошқа сўзлар билан турли даражада алоқага кириша олиш имкониятини (валентлигини) ҳам белгилайди. Масалан, нон ва емоқ лексемаларининг маънолари шу икки сўзнинг нутқда бирикишини тақозо қилади («*нон емоқ*» каби), аммо нон ва ичмоқ лексемалари узаро бирика олмайди, чунки бу

иккала лексеманинг маънолари, семик таркиби бунга йўл қўймайди.

Лексек маъно лексеманинг ифода плани (фонетик сўз) билан тарихан боғлангандир, аммо бундан маъно ва товушлар ўртасида табиий боғланиш бор деган хулоса чиқмаслиги керак, чунки товуш – маъносиз бирлик, физик-акустик ҳодиса; маъно эса мавҳум умумлашмадир. Товушлар билан маъно ўртасида табиий боғланиш бўлганда эди, бир маъно тилда битта сўз билан ифодаланарди, аслида эса тилда бир маънонинг бир неча сўз билан номланиш ҳоллари ҳам учрайди: *қулги* ва *ҳанда*, *ёлгончи* ва *аддамчи*, *челак* ва *сатил* каби синонимларнинг борлиги бунинг исботидир. Демак, лексек маъно фонетик бирликлардан таркиб топган фонетик сўзга (ёки бир неча фонетик сўзга) шу тил эгаси бўлган жамоа томонидан бириктирилган бўлади. Буни қуйидагича тавсифлаш мумкин: борлиқдаги нарса-ҳодисалар сезги аъзоларимиз орқали онгимизга таъсир қилади, натижада инсон онгида шу нарса-ҳодисаларнинг инъикоси (образи) қолади, унга ном тарзида бириктирилган сўзнинг шакли ҳам онгимизда ўз аксини топади. Шундай қилиб бу икки ҳодиса-предмет инъикоси ва сўз шакли образи ўртасида доимий, мустаҳкам алоқа боғланиб, бир бутун бирлик юзага келади: ҳар сафар нарса-ҳодисани кўрганда ёки сезганда, онгимизда шу нарсанинг инъикоси билан бирга, унинг номи булган сўзнинг қиёфаси ҳам гавдаланади ёки, аксинча, сўзни эшитганда шу сўз қиёфаси билан бирга у атаган нарса-ҳодисанинг инъикоси, образи тикланади. Ана шу икки ҳодиса ўртасидаги доимий алоқа, боғланиш лексик маъно бўлади.¹ Сўз ва унинг маъноси биргалиқда инсон онгида тушунчани шакллантиради. Демак, сўзни тушунчанинг тилдаги белгиси (знак понятия) дейиш мумкин.² Бироқ сўзнинг маъноси билан тушунча битта нарса эмас. Маъно тушунчанинг шаклланишида иштирок этади, унга пойдевор бўлиб хизмат қилади, аммо сўзнинг таркибий қисми бўлганлигидан тил бирлиги саналади, тушунча эса, гарчи сўз ва унинг маъноси билан алоқада бўлса-да, инсон тафаккурининг маҳсули сифатида логик категория ҳисобланади. Масалан, шох-шаббали, кўп йиллик ўсимлик ҳақидаги тушунча барча миллат вакиллари онгида бир хил бўлса-да, унинг шаклланишида пойдевор вазифасини бажарган сўзлар (номлар) ҳар хилдир: ўзбек тилида *дарахт*, рус тилида *дерево*, немис тилида *дер Баум*. Шунинг учун *дарахт* сўзининг маъносини немис ва рус билмайди, ўзбек эса *дер Баум* ва *дерево* сўзларининг маъноларини англай олмайди (агар шу тиллардан ҳабари бўлмаса), бундай ҳолат улардан бирининг (тушунчанинг) логик категория эканлигидан, иккинчисининг (сўз ва маънонинг) эса лингвистик категория эканлигидан келиб чиқади, сўз ва унинг

¹ Қаранг. Головин Б.Н. Введение в языкознание. – М.: "Высшая школа", 1977, с.71.

² Головин Б.Н. Курсатилган асар, 73-б.

маънолари қайси тилга мансуб бўлса, уша тил системаси ичида қаралади, шунинг учун бир тушунча номи турли тилларда турлича бўлиши билан бирга, уларнинг маъноларида анчагина тафовутлар ҳам учрайди: *бош* (ўзб.) ва *голова* (рус.) сўзларининг асосий (тўғри) маънолари ўзаро тенгдир, ammo ўзбек тилидаги *бош* сўзининг кўча маънолари – «кўчанинг боши», «ўчоқ боши», «дарё боши», «боши берк кўча» бирикмаларида реаллашган семалари русча *голова* сўзининг семантик таркибида йўқ.

8-§. **Қушимча отгенкалар** (маъно қирралари) лексеманинг семантик таркибидаги иккинчи ҳодисадир. Улар лексик маънога устама сема тарзида бириктирилган бўлади. Бу ҳақда «ифода семалари» баҳсига қаранг.

9-§. **Туркумлик семалари** – лексеманинг мазмун планидаги учинчи компонент. Бундай семалар лексик маънога таянган ҳолда лексемаларнинг грамматик маъноларини белгилайди, шу асосда лексемаларнинг лексик-грамматик гуруҳланиши – сўз туркумларига уюшиши таъминланади. Қиёс қилинг: *дафтар* – «предметнинг бир тури» (лексик маъно), *китоб* – «предметнинг бошқа бир тури» (лексик маъно), *ёзмоқ* – «ҳаракатнинг бир тури» (лексик маъно), *юрмоқ* – «ҳаракатнинг бошқа бир тури» (лексик маъно). Бу маънолар юқорида келтирилган ҳар бир лексеманинг узиникидир: *китоб* лексемаси «дафтар»ни, *дафтар* лексемаси «китоб»ни англатмайди; шунингдек, *ёзмоқ* лексемаси «юрмоқ»ни, *юрмоқ* лексемаси эса «ёзмоқ»ни ифодаламайди. Бироқ *дафтар* ва *китоб* лексемаларининг иккаласида «предметлик» семаси, *ёзмоқ* ва *юрмоқ* лексемаларининг иккаласида эса «ҳаракат» семаси ҳам борки, улар *дафтар* ва *китоб* лексемаларини от туркумига, *ёзмоқ* ва *юрмоқ* лексемаларини эса феъл туркумига бирлаштиради. Ҳар бир сўз туркумининг ички категорияларига хос маънолар – отларда эгалик, келишик, бирлик, кўплик; феъллардаги шахс-сон, замон, майл; сифатлардаги даража ҳам туркумлик семаларига асосланади. Демак, лексик маънода хусусийлик, индивидуаллик, грамматик маънода эса умумийлик устун туради. Бундай тафовутланиш лексеманинг мазмун мундарижасидаги лексик маъно семалари билан туркумлик семалари ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқади. («Лексик маънонинг семантик таркиби» баҳсига ҳам қаранг.)

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Лексеманинг семантик таркибига нималар киради?
2. Лексик маъно нима?
3. Фонетик сўз нима?
4. Денотат, референт нима?

5. Сигнификат нима?

6. Валентлик ҳақида маълумот беринг.

7. Лексик маъно билан сўзнинг номи уртасидаги боғланишни қандай тушунасиз?

8. Лексик маъно ва тушунча ҳақида маълумот беринг, лексик маънонинг лингвистик категория, тушунчанинг эса логик категория эканлигини тушунтиринг.

9. Лексеманинг семантик таркибида лексик маънодан ташқари яна нималар бўлиши мумкин?

10. Ифода семалари ва туркумлик семалари ҳақида маълумот беринг.

Таянч тушунчалар

Лексик маъно – лексеманинг ниманидир номлаши, аташи, англалиши.

Фонетик сўз – лексеманинг фонетик қиёфаси, номи.

Денотат – лексема томонидан номланган нарса-предмет, воқелик.

Референт – тил бирлиги ифодалайдиган тушунча, фикр предмети.

Сигнификат – тил бирлиги ифодалайдиган маъно.

Валентлик – лексеманинг бирикма ёки гап таркибида бошқа лексемалар билан алоқага кириша олиш хусусиятлари.

Тушунча – объектив борлиқдаги предмет ёки ҳодисаларнинг инсон миёсида акс этган умумий тасаввур.

Туркумлик семалари – лексик маънога таянган ҳолда лексемаларнинг грамматик маъноларини белгилайдиган, шу асосда лексемаларнинг сўз туркумларига уюшишини таъминлайдиган семалар.

Лексик маънонинг семантик таркиби

Адабиётлар: 4[14-16], 8[57-67], 11[15-17], 12[62-71]

10-§. Лексик маънонинг семалари. Лексик маъно лексеманинг мазмун планидаги яхлит бир семантик бутунлик бўлса-да, кейинги вақтларда бу бутунлик таркибида маълум маъно қисмлари – *семалар* борлиги аниқланмоқда. Масалан, *дарахт* лексемасининг лексик маъносига қуйидаги семалар борлигини кўрамиз: 1) «предмет», 2) «ўсимлик», 3) «кўп йиллик ўсимлик», 4) «ерда усувчи», 5) «ёғочлашган танали», 6) «иддизли», 7) «шох-шаббали», 8) «баргли». Бу семалар бирлашиб, *дарахт* лексемасининг лексик

маъносини шакллантиради. Лексик маънонинг семасиологияда *семема* дейилиши ҳам шундан.

Семалар маъно хусусиятига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

1. Аташ семалари (денотатив семалар).
2. Ифода, тасвир, қўшимча маъно семалари (коннотатив семалар)
3. Вазифа семалари (функционал семалар) (. 8,58-6.)

11-§. Аташ семалари (денотатив семалар) от, сифат, сон, феъл туркумидаги барча лексемаларнинг лексик маъноларида бор. Шунинг учун улар *идеографик семалар* деб ҳам аталади.

12-§. Ифода семалари семема таркибидаги услубий маъно қирраларидир. Улар лексемаларнинг аташдан, номлашдан ташқари, шахсий муносабатларни ифодалашига ёхуд шу лексемаларнинг қўлланиши доирасини белгилашга хизмат қилади. Масалан, *буям* ва *матоҳ* лексемалари «тирикчилик-рўзгорда қўлланадиган мол» маъносига эга, ammo *матоҳ* сўзида бу лексик маъно салбий бўёқ билан қопланган: «Жон ота, *матоҳларини* олиб бориб беринг, агар мени қизим десангиз, олиб бориб беринг...» (Х. Сеитов.).

Баъзан семантик таркибида қўшимча маъно қирраси бўлмаган лексемалар ўзи қўлланган контекст ёки нутқий муҳит талаби билан услубий семали лексемага айланади. Бу ҳодиса лексеманинг ўзига хос бўлмаган контекстда қўлланиши туфайли содир бўлади. Масалан, *бурун* ва *тумшуқ* сўзларидан ҳар бирининг ўз контексти бор: *бурун* лексемаси асосан одамга нисбатан, *тумшуқ* лексемаси эса ҳайвон ва паррандаларга нисбатан қўлланади. Қиёс қилинг: 1) *Шарофатнинг юпқа лаблари кўкариб пирпиради, бурни оқариб, катаклари кериди.* (А. Қаҳҳор); 2) *Лайлакнинг бўйи новча, тумшуги бор тарновча. Лапанглайди учганда, Уясидан кўчганда.* (Уйғун). Келтирилган мисолларнинг иккаласида *бурун* ва *тумшуқ* сўзлари ўз контекстида қўлланган, шу боис уларда қўшимча маъно қирралари, услубий баҳо оттенкалари ифодаланмаган. Я н а м и с о л: *У бир кунгли бориб муттаҳам қозининг тумшугига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди.* (М. Исмоилий.) Бу гапда *тумшуқ* сўзи ўзига хос бўлмаган контекстда – одамга нисбатан қўлланган, натижада унда одамга (қозига) нисбатан ҳурматсизлик, нафрат муносабатлари ифодаланган.

Ўзбек тилида услубий баҳонинг морфемалар ёрдамида ифодаланиши кенг тарқалган: *ойи-ойижон, тили-тиллари, дадам-дадамлар, ука-укагинам* каби. Масалан: 1) Мушфиқ ва меҳрибон *ойижоним*. Ўз ташвишлари билан Сизни унутган беақл, адашган қизингизни маъзур тутинг. (Э. Самандар.); 2) Ога, соғ борсангиз аввал *Дадамларга* салом айтинг, Югуриб чиққан ул мушфиқ *Онамларга* салом айтинг. (Ҳамза); 3) Мен унинг *тилларини* кесиб оламан, қўлимга бир тушсин яшшамагур. (Э. Самандар.); 4) Бир

ойдан сўнг кўзин юмиб Маманиёз, Куканчага мерос қопти буд-
шуд, оз-оз. (Ғ. Ғ.); 5) Сени узимдек биламан. Ол, укагинам
(С. Аҳм.); 6) Ана сичқон, мушуквой, Ана хўроз кучуквой. (Ғ. Ғ.).

13-§. Вазифа семалари
улар аташ, ифодалаш билан ҳам семема таркибига киради, аммо
бирика олишини (валентлигини бирга лексемаларнинг нутқда ўзаро
маълум вазифа бажаришини, дистрибуцияни), шу орқали гапда
лексемасининг лексик маъноси белгилайди. Масалан, *чой*
ишланган «суюқлик», «ичимлик», «семемаси» таркибига «қайта
ўсимлиги» семалари бор. Бу семалар *чой* лексемасининг *ўстирмақ*,
таъминлайди: *чой ўстирмақ* феъллари билан бирика олишини
қайтанмоқ каби. Бироқ, *чой дамламоқ*, *чой ичмоқ*, *чой*
бирика олмайди, бунга лексемаси нутқда емоқ феъли билан
маъноларигади семалар таркиби йул қуймайди.

Бир мазмуний гуруҳга мансуб лексемаларнинг семемалари
қийсланганда, уларнинг мансуб лексемаларнинг семемалари
(бирлаштирувчи) ва дифференциал (фарқловчи) семалар борлиги
ҳам маълум бўлади. Бундай семалар лексемаларни ўзаро
бирлаштириш ва фарқлаш учун хизмат қилади. Масалан, ўзбек
«қариндош», «яқин қариндош» семалари бор, шу семалар уларни
(бирлаштирувчи) семалар бирлаштиради, шунга кура *интеграл*
лексемаларнинг маъно саналади; аини пайтда келтирилган
дифференциал семалар ҳам таркибига фарқланиш белгилари –
акиси ёки укаси» семаси *тоға* семемасида йўқ, *тоға* семемасидаги
«онанинг акиси ёки укаси» семаси эса *амаки* семемасида
маъноларини фарқлаш имконини беради; *амаки* ва *амма*, *тоға* ва
хола семемалари ҳам «қариндош», «яқин қариндош» семалари
билан бирлашади, аммо «эркак», «яқин қариндош» семалари
фарқланади; *жиян* лексемасида эса «ёши кичик», «аканинг ёки

Лексик маънони (семемани) таркибий қисмларга – семаларга
дейлади. Бу усул лексемаларнинг компонент таҳлил усули
тематик ва ҳоказо гуруҳларини парадигмаларини, мазмуний,
аниқлашда қўл келади.

ТЕРМИНЛАР

14-§. Терминлар фан, техника, адабиёт, санъат ва бошқа
соҳаларга оид ихтисослашган, қўлланиши муайян соҳа билан
чегараланган тушунчаларни ифодалайдиган номинатив

бирликлардир: *гулкоса, шона* (ботаникада); *тўртбурчак, квадрат* (геометрияда); *эга, кесим* (тилшуносликда), *қофия, туроқ, вазн* (адабиётшуносликда) каби.

Терминларнинг ифода плани сўзга (*хужайра, туқима*) ёки тургун бирикмага (*уқ иддиз, попук иддиз*) тенг бўлади. Ҳар икки кўринишда ҳам термин лексема деб ҳисобланади, бунда унинг номинатив бирлик эканлиги эътиборга олинади.¹

Терминларнинг мазмун планида муайян соҳа тушунчалари ифодаланган бўлади: Масалан, **бошоқ** терминининг мазмун планида «поя учида ўсадиган тўпгул ёки тўпмеванинг бир хили» тушунчаси ифодаланган.

Шаклан сўзга тенг термин аслида лексеманинг ўзидир, чунки у кўпинча тил системасида мавжуд бўлган ёки шу тилнинг сўз ясалиш моделлари асосида шакланган лексеманинг терминлашиши натижасида юзага келади, натижада терминнинг ифода плани ҳам, мазмун плани ҳам лексема базасига таянади. Қиёс қилинг: **тиш** (лексема: «одамнинг тиши», «ҳайвонлар тиши»)–**тиш** (термин: «одамнинг тиши», «ҳайвонлар тиши»). Бунда лексеманинг мазмун плани (лексик маъноси) терминнинг мазмун планига (тушунчага) тенгдир. Демак, терминларда кўпинча лексик маъно билан тушунча ўзаро тенг бўлади. Баъзи соҳаларда лексема ўзининг кўчма маъносида терминлашиб қолиши ҳам мумкин, аммо бу ҳодиса жуда кам учрайди. Қиёс қилинг: **гул**–ботаникада: «ўсимликнинг урчиш (қўпайиш) органи»; **гул**–амалий санъатда: «Бирор нарсага чизиб, тикиб, босиб ёки ўйиб туширилган безак, нақш». Бу мисолларда **гул** лексемаси ўзининг бош маъносида ботаникада, кўчма маъносида эса амалий санъатда терминлашган. Аммо бир соҳанинг ўзида лексеманинг иккита тушунча номи сифатида терминлашиши (кўп маъноли термин бўлиши) терминологиянинг изчиллигига хилоф бўлади. Масалан, **урут** лексемаси узоқ йиллар ботаникада икки тушунчанинг номи бўлиб келди: 1) «ўсимликнинг уруғи» (русча: *семя*); 2) «турдан катта, оиладан кичик таксономик категория» (русча: *род*). Бундай полисемия кейинги йилларда таксономик категория маъносидаги **урут** терминининг **туркум** термини билан алмаштирилишига сабаб бўлган. Баъзан термин ўта оммалашиб, умумтил бирлигига айланиб қолади. Хусусан, *радио, телевизор, телефон* сўзлари ҳам маълум соҳа терминлари сифатида юзага келган, аммо ҳозирги пайтда бу терминлар оммалашиб, барчанинг нутқида қўлланадиган, барчага тушунарли бўлган сўзларга айланган. Бу ҳодиса тилшуносликда детерминлашиш дейилади.

¹ Бу ҳақда қаранг: Кодухов В.И. Введение в языковедение. – М.: «Высшая школа», 1979, с.184.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Сема ва семема ҳақида маълумот беринг.
2. Семалар маъно хусусиятларига кура қандай турларга бўлинади?
3. Аташ (денотатив) семалари нима? Ифода ва вазифа семалари-чи?
4. Идеографик семаларнинг интеграл ва дифференцианал семаларга бўлинишини тушунтиринг.
5. Термин, унинг ифода ва мазмун планлари ҳақида маълумот беринг.
6. Терминларда лексик маъно билан тушунчанинг тенг келиш ҳолатларини тушунтиринг.

Таянч тушунчалар

1. Сема - лексик маъно (семема)ни ташкил топтирувчи компонент ва маъно қирралари.
2. Аташ семалари - лексеманинг лексик маъносидаги идеографик семалар (аташ, номлаш маъносини шакллантирувчи семалар).
3. Ифода семалари - семема таркибидаги услубий маъно қирралари.
4. Вазифа семалари - аташ, ифодалаш билан бирга лексемаларнинг нуқтада ўзаро бирика олишини (валентлигини) белгилайдиган семалар.
5. Терминлар - фан, техника, адабиёт, санъат ва бошқа соҳаларга оид ихтисослашган тушунча номлари.
6. Ихтисослашиш, чегараланиш - терминларнинг маъноси ва қўлланишидаги ўзига хослик, маълум соҳа тушунчасини номлаш билан чекланиш.
7. Детерминлашиш - терминларнинг оммалашиб, умумнутқ бирлигига айланиши.

Лексеманинг узул ва окказионал маънолари

Адабиётлар: 4[16-19], 12[71-73].

15-§. Узул маъно лексеманинг мазмун мундарижасида бор бўлган лексик маънодир. У тил эгаси булган халқ томонидан тан олинган, демак, купчиликка тушунарли булган маъно ҳисобланади.

АХБОРОТ-РЕСУРС МАРКАЗИ

Nizomiy nomli
T D D U
kutubxonasi

8037 925216

Масалан, тозаламоқ лексемасининг мазмун мундарижасида қуйидаги лексик (узуал) маънолар бор: 1) «кир, чанг, ифрослик ва шу қабилардан холи қилмоқ» (*тиш тозаламоқ, идишларни тозаламоқ, уйни тозалаб супурмоқ* каби): *Йўлчи уларга беда ташлади. Кейин курак ва супурги олиб отхонани тозалай бошлади.* («Қутлуг қон»дан); 2) «аралашмалардан, кераксиз, ортиқча нарса ва қисмлардан холи қилмоқ» (*спиртни тозаламоқ, далани гузапооялардан тозаламоқ* каби): *Анвар гулларни суториш, утларни олиб тозалаш вазифасини ўзи бажарди.* («Меҳробдан чаён»дан.).

16-§. Окказионал маъно лексеманинг тилдаги маъносига хос бўлмаган, айрим шахснинг (муаллифнинг) нутқий вазиятдан келиб чиқиб, шу лексема мазмунига янгича «тус» бериши натижасида юзага келтирилган сунъий маънодир. У индивидуал характерда бўлади ва фақат контекстда англашилади. «Ичак узар ҳангомалар»дан келтирилган қуйидаги диалогга эътибор берайлик: Қаттиқ кайф қилган эр хотинидан илтимос қияпти:

-Костюмимни тозалаб қўй.

-Тозаладим.

-Шимимни тозалаб қўй.

-Тозаладим.

-Туфлимни тозалаб қўй.

-Ие, туфлининг ҳам чўнтаги борми?

Юқоридаги матнда тозаламоқ сўзининг «шип-шийдам қилмоқ» маъноси кулгига сабаб бўлаётганлигини англаш қийин эмас. Аслида бу маъно тозаламоқ лексемасининг мазмун мундарижасида йўқ, у асар муаллифининг услубий мақсадда кашф этган лексик қўллашидир. Бундай лексик қўлланишни (окказионал маънони) гул лексемаси мисолида ҳам учратиб тураимиз: гул лексемасининг тўғри («*Усимлик гули*») ва кўчма («*йигитларнинг гули*», «*қизларнинг гули*») маънолари борлиги маълум, улар шу лексеманинг узуал маънолари (лексик маънолари) саналади, чунки гул сўзининг бу маънолари шу лексеманинг семантик таркибидан барқарор ўрин олган:

Шоҳ қиз, шакар қиз, қизларнинг гули,
Қошларингни кўрсатти, мен унинг қули.

(«Дохунда»дан.)

Бироқ гул лексемасининг фан арбобларига нисбатан метафорик қўлланиши одат бўлмаган, атоқли ёзувчи Ойбекнинг қуйидаги мисраларида эса бу сўз айна шу маънода ишлатилган, демак, унинг мазмун мундарижасига окказионал маъно туси берилган: *Фан, санъатнинг гуллари бутун, Тупланганда суҳбати учун.*

Гул лексемасининг окказионал маънода қўлланиши қуйидаги гапта янада кўпроқ воқе бўлади: «Гул юзинг очиб, эй гул, мажлисим гулистон қил». (Феруз).

Демак: а) узуал маъно тил бирлиги (лексик маъно), окказионал маъно эса нутқ бирлиги (лексик қўллаш) саналади; б) узуал маъно (ёки маънолар) контекстга шакланган бўлади, окказионал маъно эса контекстнинг ўзида юзага келади, шу контекст доирасидагина лексемага бириктирилади; в) узуал маъно лексеманинг бирор предмет ёки ҳодисани номлаши билан боғлангандир (унда образлилик ифодаси бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин), окказионал маъно эса номламайди, унда образлилик ифодаланади, холос; г) узуал маъно тилнинг лугат бойлигидан ўрин олади, окказионал маъно эса вақт ўтиши билан лугат бойлигига кириб қолиши мумкин бўлган (ҳозиргача кирмаган) потенциал имкониятдир. Бундай имконият амалга ошиши ҳам, ошмай қолиши ҳам мумкин. Чунончи, **угирмоқ** лексемасининг тилда қуйидаги лексик маънолари бор: 1) бирор томонга қаратмоқ, бурмоқ. *Раъно юзини четга ўгириб, бошидаги рўмоли билан юзини артди, узун энтиқди.* («Меҳробдан чаён»дан.); 2) азиз-авлиёларга атаб боши ёки устидан пул ёки бирор буюмни айлантириб садақа қилмоқ: *Офтоб ойим эрининг бу сўзини эштиши билан Хужа Баҳовиддин йулига ўгириб қўйган етти танга пулини Тўйбекага бериб, дарров эшонниқига жўнатди.* («Ўтган кунлар»дан.). Бироқ, **ўгирмоқ** лексемаси кейинги йилларда «таржима қилмоқ» маъносида ҳам қўлланмоқда: *Шуниси диққатга сазоворки, XIX асрларда рус ёзувчиларининг асарлари ҳам хорижий тилларда кўплаб таржима қилина бошланди. Масалан, XVIII аср ва XIX асрнинг бошларида яратилган рус лирикаси намуналари ва "Ревизор" комедияси немис тилига, Н.В.Гоголнинг бир қанча насрий асарлари француз тилига ўгирилди.* (Ғ.Саломов)

Бу нутқий парчада **угирмоқ** лексемасининг услубий қиймати ҳам йўқ эмас: у **таржима қилмоқ** лексемасининг контекстда икки марта такрорланмаслигига эришиш (лексик тавтологияга барҳам бериш) мақсадида ишлатилган, шунинг учун бўлса керак **ўгирмоқ** лексемасининг «таржима қилмоқ» маъносида қўлланиши аста-секин одат тусига кириб бормоқда. Демак, бу лексеманинг ана шу окказионал маъноси узуал маънога ўтиш жараёнини бошидан кечирмоқда дейишга асос бор.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Узуал ва окказионал маънолар қандай фарқланади?
2. Нима учун узуал маъно тил бирлиги, окказионал маъно эса нутқ бирлиги саналади?
3. Окказионал маънолар қандай юзага келади?

4.Окказионал маъно узул маънога айланиши мумкинми?

5.Бирорта бадий асар тилидан узул ва окказионал маъноларда қўлланган лексемаларни топинг.

Таянч тушунчалар

Узул маъно – лексеманинг семантик таркибида бор бўлган лексик маъно.

Окказионал маъно – лексеманинг тилдаги маъносига хос бўлмаган, айрим шахснинг лексик қўлаши натижасида юзага келтирилган сунъий маъноси.

Лексик қўлаш – лексеманинг окказионал (нутқий) маънода қўлланиши.

Лексик моносемия ва полисемия

Адабиётлар: 2[63-70], 4[19-24], 8[67-73], 11[23-25], 12[79-81], 14[67-68], 33[59-61]

17-§. Лексик моносемия (юнонча: монос – «бир» + семия – «белги») – лексеманинг фақат битта маънога эга бўлиши. Масалан, ўзбек тилидаги **гуруч** лексемаси «шолидан оқлаб олинадиган ошлик дон» маъносини, **абадий** лексемаси «мангу, доимий» маъносини, **тун** лексемаси «сутканинг кун ботишдан кун чиққунгача, оқшомдан тонг отгунча бўлган қисми» маъносини ифодалайди. Бу лексемаларнинг бошқа маънолари йўқ.

Моносемия ҳодисаси ўзбек тилшунослигида *бир маънолилик* деб ҳам юритилади. Бир маънолилик кўпроқ терминларга, янги яратилган ёки бошқа тилдан янги ўзлаштирилган лексемаларнинг бошланғич ишлатилиш даврига хосдир: *тўртбурчак* (матем.термин), *гуммахона* (янги яратилган лексема), *супермаркет* (янги ўзлаштирилган сўз) ва б.лар.

Янги яратилган ёки бошқа тилдан янги ўзлаштирилган лексемалар вақт ўтиши билан турли лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида куп маъноли сўзларга айланиб қолиши мумкин.

Атоқли отлар ҳам шартли равишда моносемантик лексемалар қаторига қўшилади.¹

18-§. Лексик полисемия (юнонча: поли-«кўп» + семия-«белги») – лексеманинг бир неча маънога эга бўлиши. Масалан, туз лексемасининг семантик таркибида қуйидаги лексик маънолар бор: 1) «кислота таркибидаги водород ўрнини бирор металл эгаллаши натижасида ҳосил бўладиган кимёвий бирикмалар» (*асосий тузлар, сульфат кислота тузлари*); 2) «кимёвий бирикманинг овқат учун

¹ Турсунов.У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар, 80-б.

ишлатиладиган бир тури» (*ош тузи*); 3) кўчма: «кимсанинг бошқа одамга берган, едирган-ичирган овқати» (*туз бермоқ, тузини емоқ*); 4) кўчма: мантиқ, маъно, мазмун: «Ийи-ийи, бу ойимчанинг гапида туз борми ўзи?» (И.Раҳим.)

Лексик полисемия, одатда, бир лексеманинг семантик таркибидаги лексик маънолар орасида мазмуний боғланиш борлигига таянади, шу хусусияти билан лексик омонимиядан фарқ қилади («Лексик омонимия» баҳсига қаралсин).

Лексик полисемиянинг юзага келиши маъно тараққиёти қонуниятлари билан белгиланади.

Лексик маъно тараққиёти

Адабиётлар: 2[67-70], 4[25-31], 8[73-78], 11[26-29], 12[81-89], 30[49-51], 40[29-32].

19-§. Лексик маъно тараққиёти ҳақида умумий маълумот. Сўзнинг лексик маъноси қотиб қолган, ўзгармас ҳодиса эмас, у анча барқарор бўлса-да, маълум омиллар таъсирида, узоқ йиллар давомида ўзгариши мумкин. Бундай ўзгаришларга сабаб бўладиган омиллар икки хилдир: 1) экстралингвистик (нолисоний) омиллар – ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, онг, тафаккур ривожига ва блар. Масалан, оёқ сўзи дастлаб инсон аъзоларидан бирини номлаган, кейинчалик у хонтахта, курси, стол, стул, каравот каби мебелларнинг «оёғи»ни ҳам атай бошлаган: *хонтахтанинг оёғи, курсининг оёғи, столнинг оёғи, каравотнинг оёғи* каби. Бунга инсон яшаб турган муҳитда турли-туман мебель-жиҳозларнинг пайдо бўлганлиги, шу билан боғлиқ равишда инсон онгида янги тасаввурларнинг юзага келганлиги, ниҳоят, тил билан ижтимоий ҳаёт, онг ва тафаккур ўртасидаги мураккаб алоқалар сабаб бўлган; 2) лингвистик (лисоний) омиллар – тил бирликларининг тил системаси ичидаги муносабатлари. Масалан, тилнинг лугат бойлигидаги **аниқ** ва **очиқ** лексемалари контекстуал синонимия муносабатида бўлиши мумкин: *аниқ гапирмоқ* ва *очиқ гапирмоқ* каби, аммо «очиқ эшик»ни «аниқ эшик» деб бўлмайди, бунга **аниқ** ва **очиқ** лексемаларининг маъно хусусиятларидаги ўзига хослик, уларнинг валентлик имкониятлари йўл қўймайди. Демак, лексеманинг лексик маъноси юқорида келтирилган омиллар таъсирида ўзгариб туради, лексик маъно тараққиёти дейилганда шулар назарда тутилади. Бундай тараққиётнинг йўллари ҳам ҳар хилдир: маънонинг кучиши, кенгайиши ва торайиши, бундаги миқдор ва ҳажм ўзгаришлари шулар жумласидандир.

20-§. Маънонинг **кучиши** – бир предмет (ёки ҳодиса) номининг кейинчалик бошқа предмет ёки ҳодисани англатиш хусусиятига эга бўлиши. Бундай кучиш шу ном билан аталаётган

икки ёки ундан ортиқ предмет (ҳодиса) ўртасидаги алоқадорликка асосланади. Масалан, **нафас** лексемасининг бош (тўғри) маъноси «ўпкага олинадиган ва ундан чиқариладиган ҳаво»дир, аммо *нафасингизни илиқ қилинг* деганда **нафас** лексемаси «ҳаво»ни эмас, «гап»ни ва «ният»ни ифодаламақда, чунки нафас олиш ва нафас чиқаришсиз гап шаклланмайди, гапсиз эса фикр-ният ифодаланмайди: нафас, гап, фикр-ният ўртасидаги ана шу алоқа ва боғланиш **нафас** лексемасининг мазмун мундарижасидаги маъно кўчишларига сабаб бўлган.

Тилда маъно кўчишининг қуйидаги турлари учрайди:

1. **Метафора** йўли билан маъно кўчирилиши:

а) ифодаланаётган предметлар (ҳодисалар) ўртасидаги шаклий ўхшашлик асосида: *бурун («одамнинг бурни»-бош лексик маъно) - бурун («чойнакнинг бурни»-ҳосила маъно);*

б) иккита белги-хусусият ўртасидаги нисбий ўхшашлик асосида: *тез («оз вақт ичида, дарров»-бош лексик маъно: мажлис тез тугади) - тез («дарров аччигланадиган, жиззаки»- ҳосила маъно: тез одам); чўққи («тик нарсаларнинг энг юқори нуқтаси»- бош лексик маъно: тоғ чўққиси)- чўққи («эришилган ёки эришилиши мумкин бўлган энг юқори поғона, даража, кўрсаткич»-ҳосила маъно: илм-фан чўққиси; бахт чўққиси);*

в) нарса-предметларнинг у ёки бу қисмларини ўрин нуқтаи назаридан ўхшатиш асосида: **бош** («тананинг бўйиндан юқоридаги қисми»- бош лексик маъно: *одамнинг боши*) - **бош** («тик нарсаларнинг тепа қисми»-ҳосила маъно: *шамол бўлмаса, дарахтнинг боши қимирламайди*);

г) бажарилган ёки бажариладиган иш-ҳаракатлар ўртасидаги нисбий ўхшашлик асосида: **урмоқ** («қўл ёки бирор предмет воситасида зарба бермоқ»-бош лексик маъно: *Бектемир милтиқ қўндоғи билан унинг пешанасига бир урди*) - **урмоқ** («танқид қилмоқ»-ҳосила маъно; *Ота-бувамни кавлаб, газетага уриб чиқишди*).

2. **Вазифадаги ўхшашлик асосида** маънонинг кўчирилиши (функционал кўчириш): **томир** (*анат.* «қон томирлари»-бош лексик маъно) - **томир** (*биол.* «ўсимлик танасида суюқлик ва ундаги эриган моддалар оқадиган тўқима найчалар»-ҳосила маъно). **Томир** лексемасининг семантик таркибидаги бу икки маъно шу лексема билан аталаётган «қон томирлари» ва «ўсимлик танасидаги тўқима найчалар» бажараётган вазифадаги ўхшашликка асосланган: ҳар икки ҳолатда ҳам улар (томир ва найчалар) тирик организм учун керакли моддаларнинг бутун тана ва тўқималар бўйлаб тарқалиши учун хизмат қилади.

Вазифадорлик асосида маънонинг кўчирилиши **ўқ** (найзанинг ўқи) - **ўқ** (милтиқнинг ўқи)- **ўқ** (замбаракнинг ўқи) каби номланишларда ҳам бор;

И з о х: Баъзан маънонинг кучирилишида метафора ва функциядошлик (вазифадошлик) омиллари бирга қатнашади: тиш («одамнинг тиши») – тиш («арранинг тиши») каби. Бунда одам тишлари ва арра тишлари уртасидаги шаклий-вазифавий ухшашликлар маъно кучирилишига олиб келган; қанот («қушнинг қаноти») лексемасининг кучма маънога эга бўлиши (самолётнинг қанотини ифодалаши) ҳам шаклий-вазифавий ухшашликка асосланган;

3. М е т о н и м и я й ў л и б и л а н маънонинг кучирилиши (юнонча: метонимия – «қайта номлаш»). Бундай кучирилиш предметлар ёки ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлигига асосланади. Бунинг қуйидаги курунишлари бор:

а) ўсимликнинг номи шу ўсимлик мевасидан ёки бошқа бирор қисмидан тайёрланган маҳсулотга кучирилади: мускат (узумнинг бир нави) – мускат (шу узум навидан тайёрланган вино), чой (ўсимликнинг бир тури) – чой (шу ўсимликнинг баргларидан тайёрланган ичимлик), қаҳва (қаҳва дарахти) – қаҳва (шу дарахт мевасидан тайёрланган ичимлик, кофе);

б) замон ва маконда бир-бирининг бўлишини тақозо қилган ҳамда бирга қулланадиган икки (ёки бир неча) предметдан бирининг номи иккинчисига кучирилади: *бир пиёла чой ичмоқ* (*пиёла ўз маъносига*) – *бир пиёла ичмоқ* (*пиёла-кучма маънода*);

в) бир предметнинг номи шу предметдаги бошқа бир предмет-воқеликка кучирилади: *синф* («ўқув хонаси») – *синф* («ўқувчилар гуруҳи»), *шаҳар* («йирик аҳоли пункти») – *шаҳар* («шаҳар аҳолиси») каби. Масалан: «*Янги йилни кутиш баҳонасида тунни бедор ўтказган шаҳар тонгни кўзда уйку билан кутиб олди*» (Т.М.);

г) нарса номи шу нарсага асосланган ўлчов бирлигига ном бўлиб кўчади: *кун* («кўёш»)– *кун* («сутканинг ёруғ қисми»), *ой* («планета»)–*ой* («йилнинг ўн иккидан бир қисми»). Баъзан бунинг акси ҳам бўлади: вақт ўлчови номи вақтни ўлчайдиган асбобга ном бўлиб кўчади: соат («сутканинг йигирма тўртдан бирига тенг вақт»)–соат («вақтни сутка давомида ўлчаб борадиган асбоб»);

д) белгининг номи шундай белгиси бор бўлган нарсага (предметга) кучирилади: *кўк* (ранг номи)–*кўк* («кўкат») – *кўк* («осмон»); *юққа* («қалиннинг акси»)– *юққа* (таом номи) (12,84-б.) Бундай кучирилиш лексик-семантик йўл билан янги сўзнинг ясалишига ҳам олиб келади. Қиёс қилинг: *кўк* (1)–сифат, *кўк* (2)–от, *кўк* (3)–от; *юққа* (1)–сифат, *юққа* (2)–от каби. Демак, *кўк* (1), *юққа* (1) сифатларидан *кўк* (2), *кўк* (3) ва *юққа* (2) отлари ясалган. Бу ҳол полисемия билан сўз ясалиши ва омонимия ҳодисалари уртасида ута мураккаб муносаатлар борлигидан далолат беради. (12,202-203). Уларни махсус тадқиқ қилиш ўзбек тилшунослигининг навбатдаги вазифаларидан биридир;

е) асар муаллифининг номи нутқда «асар» маъносида қўлланган бўлиши мумкин: *Навойини ўқидим, Ойбекни ўқияпман*

каби. Бундай пайтларда муаллиф номи айтилади-ю, унинг асари (ёки асарлари) назарда тутилади. Демак, бунда ҳам метонимия бор, аммо у тил метонимияси эмас, нутқ метонимиясидир. (12,84-85)

4. **С и н е к д о х а й у л и б и л а н** маънонинг кучирилиши (юнонча: *synekdoche* – “бирга англамоқ”, “қушиб англамоқ”). Бундай кучирилиш номланаётган предмет ёки ҳодисаларнинг миқдор белгиларига таянади:

а) бутуннинг номи қисмга кучирилади: қул (бутун) – қул (қисм – «бармоқ» маъносига: *Беш қул баробар эмас*), бош (бутун) – бош (қисм-«мия», «ақл-хуш» маъноларида: *Тогнинг қурки тош билан, одамнинг қурки бош билан*);

б) қисмнинг номи бутунга кучирилади: олма (қисм-«мева») – олма (бутун – дарахт: *олма гуллади*), эшик (қисм – «уйнинг эшиги», «ҳовлининг эшиги») – эшик (бутун – «уй», «ҳовли»: *Эшигимда жуда кўп одамлар ишлаган*. О.), тирноқ (қисм) – тирноқ (бутун – «бола», «фарзанд»: *Сизга оғир. Пешанангизга тирноқ битмади. Кунглингиз ярим*. Р.Ф.), туёқ (қисм) – туёқ (бутун – “уй ҳайвони”, “мол”: *Николай замонида остонам туёқ қўрмаган*. О.).

21-§. Маънонинг кенгайиши – лексеманинг маъно ҳажмида тор маънодан кенг маънога қараб силжишнинг юз бериши. Масалан, *яйлов* сўзи дастлаб “тогнинг тепасидаги ўтлоқ”ни ифодалаган: қадимги туркий тилда *яй* (*йай*) сўзи “ёз”ни, *яйлаг* сўзи эса “ёзлайдиган жой”ни англатган (45,226-227). Чорвадорлар ёз пайти молни тогнинг тепасидаги ўтлоқларда (“яйлаг”да) боқшган, қишда эса “яйлаг”дан “қишлаг”га тушиб яшашган. Ҳозирги пайтда *яйлов* сўзи фақат тогнинг тепасидаги “мол боқиладиган ўтлоқ”ни эмас, балки умуман “мол боқиладиган майдон”ни англатади, бундай майдон тогнинг тепасида ҳам, дашт-адирларда ва ҳатто пасттекисликларда ҳам бўлиши мумкин. Бундай маъно кенгайиши *қишлоқ* сўзининг семантикасида ҳам содир бўлган: у дастлаб “қиш фаслида яшайдиган жой”ни англатган, ҳозир эса умуман “аҳоли яшайдиган пунктнинг бир тури” маъносини ифодалайди.

Тилшуносликда атоқли отнинг турдош отга утишини маъно кенгайиши деб баҳолаш ҳолатлари ҳам бор (12,86-87). Масалан: *Ризамат* (атоқли от) – *ризамат* (маҳаллий, хўраки ва майизбоп узум нави). Бу нав машҳур соҳибкор Ризамат ота Мусамухамедов томонидан етиштирилган ва шу соҳибкор номи билан аталган (демак, сўзнинг маъно ҳажми кенгайган).

22-§. Маънонинг торайиши – лексеманинг маъно ҳажмида кенг маънодан тор маънога қараб силжишнинг юз бериши. Масалан: *ватан* (кенг маънода: “киши туғилиб усган мамлакат, она-юрт”) – *ватан* (тор маънода: “киши туғилиб усган шаҳар ёки қишлоқ”).

Турдош отнинг атоқли отга утиши ҳам тилшуносликда маъно торайиши деб қаралади. Масалан: *болта* (турдош от) – *Болта* (атоқли от), *лола* (турдош от) – *Лола* (атоқли от) каби.

23-§. Лексик маъно тараққиёти натижалари икки хил бўлади: 1) сўзнинг семантик таркибидаги маънолар миқдори купаяди, демак, миқдор ўзгариши юз беради, бу ҳол полисемияга (куп маъноликка) ва омонимияга олиб келади. Хусусан, метафора, вазифадошлик (функциядошлик) ва синекдоха йўллари билан маъно кўчирилишида кўпроқ полисемия юзага келади, чунки бир лексеманинг семантик таркибида лексик маънолар миқдори купаяди: *кўз* ("кўриш аъзоси") – *кўз* ("узукнинг кузи") – *кўз* ("тахтанинг кўзи") – метафора; *тиш* ("одамнинг тиши") – *тиш* ("арранинг тиши") – метафора ва функциядошлик; *гилос* ("меванинг бир тури") – *гилос* ("гилос дарахти") – синекдоха. Метонимия йўли билан маъно кўчишида натижа икки хил бўлади: а) полисемия юзага келади (бунда маънолар ўртасидаги боғланиш сақланади): *тил* ("нутқ аъзоси") – *тил* ("алоқа-аралашув қуроли"); б) омонимия пайдо бўлади. Бунда маънолардаги боғланиш кучсизланади, узоқлашади, ҳатто унутилади, натижада шакли бир хил булган икки сўз юзага келади. Масалан, *иссиқ* (сифат) лексемаси асосида *иссиқ* (от) лексемаси юзага келган. Бунда: "белги" категориал семаси "предмет" категориал семасига алмашган; сифатдаги семалар таркибида "норма (улчов)", "ортиқ" семалари ташланган; "ҳарорат" семаси яна ҳам абстрактлашиш томон тараққий қилган, ана шу абстракт сема от лексемасининг семантик мундарижасини ташкил этиб қолган. Демак, сифатдаги семалар таркибида "ҳарорат" предмет семаси актуаллашиб, қолган семалар сўнган, шу билан от лексема (семема) юзага келган (51,11–12). Бу ҳол *иссиқ* (сифат) ва *иссиқ* (от) омонимларининг юзага келишига сабаб бўлган. Бундай омонимлашишни бир сўз туркумидаги *кун* (қуёш) ва *кун* ("сутканинг эрталабдан кечқурунгача бўлган қисми") сўзларида ҳам кўрамиз; 2) сўзнинг семантик таркибида маъно ҳажми ўзгаради. Бунда маънолар миқдори ортмайди, битта маънонинг ҳажм кўлами кенгайди ёки тораяди, холос.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Лексик моносемия ҳодисасини қандай тушунасиз? Лексик полисемияни-чи?
2. Моносемия ҳодисаси қандай лугавий бирликларга хос?
3. Полисемиянинг юзага келиши қандай содир бўлади?
4. Куп маъноликка олиб келувчи лисоний (лингвистик) ва нолисоний (экстралингвистик) омиллар ҳақида маълумот беринг.
5. Маъно тараққиётининг қандай йўллари бор?

6. Метафора йўли билан маънонинг кучиши?
7. Вазифадаги ўхшашлик асосида маънонинг кучирилиши?
8. Метонимия йўли билан маънонинг кучирилиши?
9. Синекдоха йўли билан маънонинг кучирилиши?
10. Лексик маъно миқдорининг ортиши?
11. Лексик маъно ҳажмининг ўзгариши: маънонинг кенгайиши ва торайиши?
12. Лексик маъно миқдорининг ўзгаришида полисемия ва омонимиянинг юзага келиши?

Таянч тушунчалар

1. Моносемия – бир маънолилик ҳодисаси.
2. Полисемия – кўп маънолилик ҳодисаси.
3. Метафора йўли билан маънонинг кучирилиши – предметлар, ҳодисалар ўртасидаги нисбий ўхшашлик асосида маънонинг кучирилиши.
4. Вазифадаги ўхшашлик асосида маънонинг кучирилиши – предметларнинг бажарадиган вазифасидаги ўхшашлик асосида улардан бирининг номини иккинчисига нисбатан қўллаш.
5. Метонимия йўли билан маънонинг кучирилиши – нарса-ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик асосида маънонинг кучирилиши.
6. Синекдоха йўли билан маънонинг кучирилиши – бутуннинг номи билан қисмнинг ёки, аксинча, қисмнинг номи билан бутуннинг аталиши орқали юз берадиган маъно кучирилиши.

ЛЕКСИК МАЪНО ТИПЛАРИ

Адабиётлар: 4[31-34], 8[73-78], 11[17-23], 12[89-95], 14[64-67], 15[64-65], 29[60-64].

24-§. Лексик маъноларнинг гуруҳланиши. Сўзнинг семантик таркибидаги лексик маънолар дастлаб иккита катта гуруҳга – ҳозирги лексик маъноларга ва аввалги лексик маъноларга ажратилади.

Ҳозирги лексик маъно тил тараққиётининг ҳозирги босқичига, аввалги лексик маънолар эса тил тараққиётининг утмишдаги босқичларига хосдир. Шунинг учун ҳозирги лексик маъно тавсифий семасиологияда, аввалги лексик маънолар эса тарихий (диахрон) семасиологияда ўрганилади.

25-§. Ҳозирги лексик маънолар ўз навбатида *бош маъно* ва *ҳосила маъно* каби типларга бўлинади, улар контекст талабига қўра *туғри маъно* ва *кўчма маъно*, *номинатив (номловчи) маъно* ва

мажозий маъно, эркин маъно ва *богли маъно* (ёки *боғланган маъно*) номлари билан ҳам аталади. Тилдаги лексик полисемия ана шу бош ва ҳосила маънолар тизимига асосланади. Масалан, "Ўзбек тилининг изоҳли лугати"да (59,136-138) бош лексемасининг 15 та лексик маъноси ва яна бир неча идеоматик маънолари (фраземалар таркибидаги қўлланаши) изоҳланган: 1. Тананинг буйиндан юқори (одамда) ёки олдинги (ҳайвонларда) қисми... 2. *кучма с.т.* Ақл-хуш, мия. 3. Бошлиқ, раҳбар. *Яхши йигит - давранинг боши...* 4. *сфт.* Бошчилик, раҳбарлик қилувчи, энг катта ёки юқори. *Бош врач...* 5. *сфт.* Энг муҳим, асосий. *Бош масала...* 6. *сфт.* Энг олдинги, биринчи. *Бош келин...* 7. *Кучма.* Одам, киши. *Бир бошга бир ўлим...* 8. (*снқ сонлар билан*) чорва ҳисобида ҳар бир адад жонивор. *Ун бош от. Икки бош қуй...* 9. Тик нарсаларнинг тепа қисми, учи, чўққиси. *Шамол бўлмаса дарахтнинг боши қимирламайди...* ва б.лар.

Бош маъно сўзнинг семантик таркибидаги бошқа маъноларнинг усиб чиқиши учун асос бўлган маънодир. Масалан, тулки сўзининг бош маъноси "Итлар туркумига мансуб йиртқич сүтэмизувчи ҳайвондир". У *тўғри маъно* (воқелик билан бевосита боғланганлиги учун), *номинатив маъно* (воқеликни, предметни номлаганлиги учун), *эркин маъно* (реаллашуви маълум контекст, сўз қуршови билан чекланмаганлиги учун) саналади.

Ҳосила маъно бош маънодан тараққий этиб чиққан маънодир. Масалан, тулки сўзининг ҳосила маъноси "Ўтакетган айёр, маккор одам"дир. Бу маъно айрим кишиларнинг хатти-ҳаракатини тулкининг ҳийлакорлигига ўхшатиш, нисбатлаш орқали (метафора йўли билан) юзага келтирилган: *Ҳақиқатда эса бу тулкилар уни лақиматадилар.* (А.Қ.)

Сўзнинг ҳосила маъноси контекст талабидан келиб чиқиб, *кучма маъно* (сўзнинг тўғри маънода ифодаланган нарсасодисалардан бошқа нарсаларга ном бўлиб кўчганлиги учун), *мажозий маъно* (мавҳум тушунча ёки гоёларни конкрет образ орқали ифодалашга хизмат қилганлиги учун), *богли маъно* (реаллашуви маълум контекст, сўз қуршови билан чекланганлиги учун) деган номлар билан ҳам аталади.

И з о ҳ: Ҳосила маъно айрим ҳолларда бош маъно даражасига ҳам эга бўлиб қолади. Буни тил лексемаси маънолари мисолида кўрсатилган бўлади. Қиёс қилинг: тил(1) - "маза-таъм билиш хусусиятига эга анатомик аъзо" (бош маъно); тил(2) - "кишилар орасида фикрлашиш воситаси вазифасини бажарувчи система, ижтимоий ҳодиса" (ҳосила маъно); тил(3) - "Нутқнинг узига хос хусусиятлари ва ифода воситалари билан ажралиб турадиган тури; илмий услуб, бадий услуб ва б.лар" (ҳосила маъно); тил(4) - "ҳарбий асир" (ҳосила маъно); тил(5) - "асбоб, механизм ва ш.к.нинг осилиб, қимирлаб турадиган қисми": *қўнғироқнинг тили* (ҳосила маъно) каби. Келтирилган маънолар ўртасида қуйидаги муносабатлар бор:

тил лексемасининг 1-маъноси 2 ва 5-маъноларга нисбатан бош маънодир; тил лексемасининг 2-маъноси шу сўзнинг 3,4-маъноларига нисбатан бош маъно бўлади, ammo 1-маънога нисбатан у ҳосила маънодир. Шунга кўра бу маънолар тизимида 1-маъно тўнғич бош маъно, 2-маъно эса нисбий бош маъно саналади. (12,90-6.).

26-§. Аввалги лексик маънолар ҳам дастлаб икки турга бўлинади: 1) эски лексик маъно; 2) этимологик лексик маъно. Булардан биринчиси тарихий семасиологияда, иккинчиси эса тилшуносликнинг этимология бўлимида ўрганилади.

Эски лексик маъно лексеманинг ўтмишда қўлланган, ҳозир эса архаиклашган маъносидир. Масалан, ёғоч лексемасининг "дарахт" маъноси эски лексик маъно (семантик архаизм, архаизм-маъно) саналади. Бу суз "дарахт" маъносида эски туркий тил ва эски ўзбек тилида қўлланган: (йғоч), (46,1-т.,310-6.); *йғоч, арча йғочи*¹. Ҳозир эса у шу маънода деярли ишлатилмайди (тарихий мавзуларда ёзилган бадиий, илмий асарлар тили бундан мустасно, албатта).

Этимологик лексик маъно – лексеманинг келиб чиқишида унинг мазмун планига асос бўлган дастлабки маъно. У маъно этимони деб аталади. ("Этимон" баҳсига қаранг).

Этимон

27-§. Этимон (юн.: *etymon* – "ҳақиқат") – муайян лексеманинг келиб чиқишига асос бўлган суз (туб ёки ясама) ёхуд суз бирикмаси: *қатун>хатун>хотин* (этимон– *қатун*), *бу кун>букун>бутун* (этимон–*бу кун* суз бирикмаси), *қышлағ>қышлақ>қишлоқ* (этимон – *қышлағ*) каби. Демак: а) ҳозирги ўзбек тилидаги *хотин* лексемасининг шакл этимони қатун, маъно этимони эса "юқори мартабали кишининг умр йўлдоши" бўлган. Ҳозир бу сўзнинг маъноси кенгайган: у "бирор эркак кишининг умр йўлдоши"ни ва умуман "аёл"ни ҳам англатади;² б) *бутун* сузининг шакл этимони "бу кун" суз бирикмасидир, маъно этимони эса "суз бораётган пайтда кечирилаётган ёки кечирилган кун" ҳақидаги ахборот, (69-т.144-б.); в) *қишлоқ* лексемасининг шакл этимони "қышлағ"дир, у қуйидаги морфемалардан таркиб топган: қыш(фасл)+ла(феъл ясовчи)+ғ(от ясовчи). Кейинчалик этимон таркибида фонетик ўзгаришлар юз берган: *қышлағ>қышлақ>қишлоқ* ("ғ" ундоши "қ"га ўтган)>қишлоқ ("а" унлиси "о"га ўтган, "ы" "и"га ўтган).

¹ Бобир Заҳириддин Муҳаммад. Асарлар. Уч жилдалик. 2-жилд. Бобирнома.-Т.: "Бадиий адабиёт", 1965, 207-б.

² Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқа этимологик лугати. Туртинчи қисм. – Т.: "Университет", 1999,8-б.

унлиси қаттиқлик белгисини йўқотган);¹ бу сўзнинг маъно этимони эса "аҳоли ёзда далаларга кетиб, қишда қайтиб келиб яшайдиган жой" маъносидир. Ҳозир бу маъно кучсизланиб, сезилмас ҳолга келган, сўниб қолган.

Баъзан бир неча тил сўзларининг этимони битта бўлади. Буни қадимги ҳинд тилидаги саккхара (sakkhara) сўзи тақдирида кўриш мумкин: у *шакар* (ўзбекча, форсча), *шекер* (туркча), *цукер* (немисча), *цукор* (украинча), *суккар* (арабча), *сахар* (русча), *сакхарон* (юнонча), *сюкр* (французча), *сугар* (инглизча) лексемалари учун дастлабки "пойдевор" бўлган; бу сўз (этимон) қадимги ҳинд тилида "шағал", "йирик қум" маъноларини аниқлаган, кейинчалик, у метафора йўли билан маъно кўчирилиши асосида "ширин таъмли қумсимон модда", "қумсимон ширинлик" маъносига эга бўлган. Демак, *саккхара* сўзининг "йирик қум" маъноси юқорида келтирилган барча сўзлар учун маъно этимонидир.

Этимон вазифасини бажарган сўзнинг шакли ва маъноси турли омиллар таъсирида кўпинча ўзгариб кетади, бу ҳол унинг асл "нусха"си ва "маъно"сини хиралаштириб қўяди, уларни аниқлаш ва тиклаш ишларини ҳам қийинлаштиради. Ҳозирги *картошка* лексемаси тарихида худди шундай бўлган: *тартуфоло* (итальянча:tartyfоло- "ер қўзиқорини") сўзи немис тилига ўтгач, *картофиел* (Kartofiel) шаклига кирган, сўнг рус тилига *картофель* шаклида ўзлашган, аммо рус деҳқонлари уни соддалаштириб *картошка* деб қўлай бошлашган, ўзбек тилига ҳам у шу шаклда кириб келган, фарқи шундаки, рус тилида *картофель* адабий тил бирлиги, *картошка* эса унинг жонли сўзлашувдаги варианты бўлса, ўзбек тилида *картошка* адабий тил бирлиги, *картишка* эса унинг жонли сўзлашувдаги варианты тарзида ишлатилмоқда. Демак: ўзбек тилидаги *картошка* сўзининг шакл этимони итальянча *тартуфоло* сўзи, маъно этимони (этимологик маъноси) эса "ер қўзиқорини"дир: маълумки, картошканинг ватани – Жанубий Америка. У ердаги маҳаллий ҳиндлар картошкани *патата* дейишган, шу ном билан у XVI асрда Испанияга келтирилган, кейинчалик картошка Европанинг бошқа мамлакатларига тарқалган, натижада Европадаги айрим халқлар картошкага янги ном қўйишган: французлар уни *пом де тэр* (pommes de terre – "ер олмаси") деб, итальянлар эса *тартуфоло* (tartyfоло – "ер қўзиқорини") деб аташган, бунда унинг шакли қўзиқоринга ўхшаш бўлганлиги, аммо қўзиқориндан фарқли равишда ер устида эмас, тупроқ орасида етилиши назарда тутилган.²

Лексемаларнинг этимонини аниқлаш билан тилшуносликнинг *этимология* бўлими шуғулланади. Бундай тадқиқот натижалари тил системаси ва структурасидаги турли жараёнларни ҳамда

¹ Раҳматуллаев Ш. Курсатилган лугат, 105-196-б.

² Бу ҳақда қаранг: Феллер М. Как рождаются и живут слова.-М.: "Просвещение", 1964,47-48-б.

сўзларнинг этимологик маъноларини аниқлашда, этимологик лугатлар тузишда аҳамиятлидир (Дарсликнинг "Лексикография" бўлимига ҳам қаранг).

Сўз этимологиясининг *илмий* (фактлар таҳлилига асосланган), *сохта* (гайри илмий) ва *халқ этимологияси* (халқнинг тахминига таянган этимология) каби турлари бор.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Лексеманинг ҳозирги ва аввалги маънолари қандай фарқланади?
2. Бош маъно нима? Ҳосила маъно-чи?
3. Контекст талабига кўра маънонинг қандай турлари узаро фарқланади?
4. Тунгич бош маъно ва нисбий бош маъно ҳақида маълумот беринг.
5. Аввалги лексик маъноларнинг қандай турлари бор?
6. Эски лексик маъно ва этимологик лексик маъно ҳақида маълумот беринг.
7. Этимон нима?
8. Шақл ва маъно этимонлари ҳақида маълумот беринг.
9. Тилшуносликнинг қайси бўлими лексемаларнинг этимонини аниқлаш билан шугулланади.

Таянч тушунчалар

Ҳозирги лексик маъно – лексеманинг ҳозирги ўзбек тилидаги маъноси.

Аввалги лексик маъно – лексеманинг ўтмишдаги лексик маъноси.

Бош маъно – лексеманинг семантик таркибидаги ҳосила маъноларнинг ўсиб чиқишига асос бўлган маъно.

Ҳосила маъно – бош маънодан тараққий этиб чиққан маъно.

Эски лексик маъно – лексеманинг ҳозирги пайтда архаиклашиб қолган маъноси.

Этимологик лексик маъно – лексеманинг келиб чиқишида унинг мазмун планига асос бўлган дастлабки маъно. У маъно этимони деб ҳам аталади.

Шақл этимони – лексеманинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қилган дастлабки шақл.

Лексик синонимия

Адабиётлар: 2[72-73],4[34-37],8[105-110],11[39-47],12[107-113],14[68-72],36[24-28],60[3-6].

28-§. Лексик синонимия лексемаларнинг бир хил маъно англатишига кўра гуруҳланишидир: *елка, кифт, умиз* (биринчи гуруҳ); *ин, уя, ошён* (иккинчи гуруҳ); *нур, шуъла, ёғду, зиё* (учинчи гуруҳ) ва б.лар. Бундай гуруҳлар тилшуносликда *синонимик қаторлар* деб номланади. Ҳар бир синонимик қаторда:

а) лексемаларнинг денотатив маъноси бир хил, ифода семалари (маъно қирралари, услубий бўёқлари, субъектив баҳо, қўлланиш доираси) ҳар хил бўлади. Масалан, *озод, эркин, ҳур, сарбаст* лексемалари битта денотатни – "ўз эрки, ҳақ-ҳуқуқига эгалик"ни атайди, бироқ уларда ўзаро фарқланувчи ифода семалари ҳам бир: Хусусан, *эркин* лексемаси бир қадар бетараф маъноли бўлса, *озод*, лексемасида кўтаринки руҳни ифодалаш, *ҳур* лексемасида бадий услубга хослик сезилиб туради, *сарбаст* лексемаси эса эскирган, китобийдир. Қиёс қилинг. *Эркин нафас олмоқ* (ЎТИЛ, 2-том, 451). *Токи, биздан олис авлодларга озод ва обод ватан қолсин!* (И.Каримов). *Яшнаган эл тилларда дoston, Қутлуг номи ҳур Узбекистон* (М.Ш.). *Подшоҳнинг никоҳида булган хотинлари посбонлар билан унча ҳисоблашмай, кўпинча уларни қўлга олиб, сарбаст яшайдилар* (О.);

б) ифода семалари баъзан даражаланади: *юз, бет, афт, башара, турқ* лексемаларининг барчасида ("юз"дан бошқаларида) салбий бўёқли семалар бор, бироқ бу семаларда салбий бўёқнинг ифодаланиш даражаси ҳар хил: у "бет"дан "турқ"қа томон ортиб, кучайиб боради. Қиёс қилинг: *У бетлари юмдаланган, оппоқ сочлари юлинган бу телба хотинни ўзининг қирқ йиллик умр йўлдошига ўхшата олмади.* (М.Исм.). *Шербекнинг кўзига Хўжабековнинг афтидан наҳс томаётгандек жирканч бўлиб кўриниб кетди* (С.Ан.). *У бир кўнгли, бориб, муттаҳам қозининг тумшугига туширгиси ё ифлос башарасига тупургиси келди.* (М.Исм.). *Девор устида турган ўн икки ёшлардаги бир қиз девордан кесак кучириб олиб, Мулла Норқўзига ўхталди. "Ху ўл, турқинг қурсин!"* (А.Қ.);

в) ифода семалари бўлмаган, бетараф маъноли лексемалар синонимик қаторнинг доминантаси саналади. Чунончи, *юз, бет, афт, башара, турқ* (доминанта – *юз*); *нур, шуъла, ёғду, зиё* (доминанта – *нур*); *ёлғиз, якка, танҳо* (доминанта – *ёлғиз*) каби. Булардан *юз* (биринчи қаторда), *нур* (иккинчи қаторда) ва *ёлғиз* (учинчи қаторда) бетараф маънолидир;

г) лексемаларнинг туркум семалари бир хил бўлади, бу ҳол синонимларнинг бир сўз туркумига бирлашишини тақозо қилади:

бахор ва *куклам* (от), *чиройли* ва *гузал* (сифат), *сўзламоқ* ва *гапирмоқ* (феъл) каби.

Юқоридаги хусусиятлардан, айниқса, ифода семаларининг ҳар хиллигидан келиб чиқиб, лексик синонимлар қуйидаги турларга ажратилади:

1. **Маъно синонимлари** (идеографик синонимлар). Бундай синонимлар маъно қирралари билан фарқланади. Масалан, *аччиқланмоқ*, *газабланмоқ*, *қаҳрланмоқ* лексемалари "газаби келмоқ" маъноси билан бир синонимик қаторга бирлашади, аммо уларда шу маънони ифодалаш даражаси бир хил эмас, у "аччиқланмоқ"дан "газабланмоқ"қа, "газабланмоқ"дан эса "қаҳрланмоқ"қа қараб кучайиб боради.

2. **Услубий синонимлар** (стилистик синонимлар). Бундай синонимларнинг лексик маъноси ижобий ёки салбий бўёқлар (услубий семалар) билан қопланган бўлади, айти шу услубий семалар синонимларнинг услубий восита сифатидаги қийматини белгилайди. Масалан, *жилмаймоқ*, *илжаймоқ*, *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *ишшаймоқ* ва *иршаймоқ* лексемаларининг барчасида битта лексик маъно – "овоз чиқармай мийигида кулиш" ҳодисасини номлаш бор, аммо шу маъно **жилмаймоқ** лексемасида бир оз ижобий, **илжаймоқ** лексемасида эса бир оз салбий бўёқ билан қопланган, бу салбий бўёқ **иржаймоқ**, **тиржаймоқ**, **ишшаймоқ** ва **иршаймоқ** лексемаларида яна-да ортиб боради. Қиёс қилинг: *У ҳамиша кулиб, ж и л м а й и б турадиган меҳрибон чеҳрани кўрмади* (М.Исм.). *Шўхроқ қиз, йигитлар и л ж а й и б, бир-бирига кўз қисиб қўйишади* ("Муштум"). *Фосиҳ афанди бўлса... қора дуудул устида куйдирган каладай и р ж а й и б ўтирар эди* (И.Исм.). *Фазлиддин т и р ж а й и б, эгри-бутри тишларининг оқини курсатди* (О.) *Лекин Мурзин ҳайрон қолиб: "У эмас-ку!"* – деган эди, коммендант: *"Адашманг, айнан ўзи", – деди сурбетларча и ш ш а й и б.* (Ш.). *Ер юттурлар, нима қилиб и р ш а й и б турибсизлар, ҳув, кўзларинг тешилсин!* – деди хотинлардан бири (М.Ос.).

3. **Нутқий синонимлар** – нутқнинг у ёки бу турига хосланиши билан ўзаро фарқланадиган синонимлар. Масалан, *озгина*, *пича*, *сал*, *хиёл*, *жиндай*, *қиттай*, *жичча* қаторидаги *озгина* лексемаси нутқнинг барча кўринишларида (адабий нутқда ҳам, сўзлашув нутқида ҳам) қўллана олгани ҳолда, *пича*, *хиёл*, *жиндай*, *қиттай*, *жичча* лексемалари фақат сўзлашув нутқида хослангандир.

29-§. **Контекстуал синонимия** – тил бирлиги сифатида ўзаро синоним бўлмаган лексемаларнинг маълум контекст доирасида (демак, нутқ ичида) синонимик муносабатга киритилиши. Масалан, **чинни** ва **коса** сўзларининг лексик маънолари бир хил эмас: **чинни** «идиш-оёқ, изоляцияон материаллар ясаш учун ишлатиладиган оқ лой»ни, **коса** эса «пиёладан каттароқ идиш»ни атайди. Демак, бири «материал»ни, иккинчиси эса шу материалдан ясалган «идиш»ни

англатади, шунга кўра улар синоним ҳисобланмайди, аммо айрим шеваларда **чинни** лексемаси «коса» маъносида ҳам қўлланади, бинобарин, шу шевага хос контекст ичида у **коса** лексемасининг синонимига айланади. Масалан, *Холжонбика... хитойи чиннида мой олиб келди* (Ж.Ш.)

Контекст доирасида синонимлашиш ҳодисаси айниқса **муаллиф** лексемасининг нутқдаги қўллинишида кўп учрайди. Маълумки, **муаллиф** лексемасининг семемаси таркибида "ёзувчи", "шоир", "ҳикоянавис", "олим", "ихтирочи" каби қатор семалар мужассамланган. Демак, унинг маъно кўлами анча кенг. Контекст ичида эса **муаллиф** семемасининг шу семаларидан бири актуаллашади, қолганлари реаллашмайди. Масалан, роман, ҳикоя каби насрий асарлар ҳақида гап кетганда **муаллиф** лексемаси фақат "ёзувчи" маъносида қўлланади, демак, **ёзувчи** лексемасининг контекстуал синонимига айланади, контекstdан ташқарида эса бу икки сўз синоним бўла олмайди, чунки уларнинг маъно кўлами ўзаро тенг эмас.

Тилда лексик маънолари ўзаро тенг бўлиб, фарқловчи семалари бўлмаган лексемалар ҳам учрайди: *суроқ* ва *савол*, *хабар* ва *дарак*, *тема* ва *мавзу*, *ном* ва *от* каби. Тилшунослиқда бу типдаги лексемалар *абсолют синонимлар* ёки *лексик дублетлар* деб икки хил номланмоқда (12,109-б.).

30-§. Қуйидаги ҳолатларда лексемалар ўзаро синоним бўла олмайди:

1. Турли туркум лексемалари: от билан сифат, сифат билан феъл ва б.лар.

2. Бир туркум лексемаларида кенг тушунча номлари билан тор тушунча номлари. Бундай ҳолат кўпроқ терминологияга хосдир. Масалан, ботаникада **тур** ва **хил** терминларининг тушунча доираси тенг эмас: **тур** термини уруғдош бўлган бир неча **хил** ва **навларни** ўз ичига олган таксон тушунчасини ифодалайди, айти пайтда **турлар туркумларга**, **туркумлар** эса **оилаларга** бирлашади. Шунга кўра **тур** ва **хил**, **тур** ва **туркум** каби синонимик қаторлар бўлиши мумкин эмас.

3. Ижтимоий моҳияти тенг бўлмаган ҳодиса-воқеликларнинг номлари: *қози* ва *судья*, *миршаб* ва *милиционер* кабилар. Булардан *қози* ва *миршаб* лексемалари феодал тузумдаги воқеликни, *судья* ва *милиционер* лексемалари эса ҳозирги демократик тузумга хос воқеликни номлайди.

31-§. Синонимик муносабатда бўлган сўзлар ўзбек тили лугат бойлигининг турли лексик қатламларига мансубдир. Масалан, *англамоқ* (ўзб.) – *тушунмоқ* (ўзб.); *гузал* (умумтил) – *сулув* (диал.); *хусн* (ар.) – *чирой* (ф-т.); *хат* (ар.) – *мактуб* (ар.) – *нома* (ф-т.);

киши (ўзб.) – *одам* (ар.); *кўк* (ўзб.) – *осмон* (т-ф.) – *фалак* (ар.); *анализ* (р-б.) – *таҳлил* (ар.); *тема* (р-б.) – *мавзу* (ар.) каби.

32-§. **Синонимия** ва **полисемия** уртасида маълум боғланиш бор. Хусусан, полисемантик лексема ҳар бир маъноси билан бошқа-бошқа синонимик қаторларга кириши мумкин: *олов* ёқмоқ ва *ут* ёқмоқ (синонимлар: *олов* ва *ут*), қуёш *олови* ва қуёш *харорати* (синонимлар: *олов* ва *харорат*), *олов* йигит ва *гайратли* йигит (синонимлар: *олов* ва *гайратли*) каби.

Синонимлар нутқда муҳим услубий восита саналади: улар нутқнинг раван ва таъсирли бўлишини, фикрнинг аниқ ва образли чиқишини таъминлайди.

И з о ҳ: Синонимия ҳодисаси фраземалар ва грамматик бириклар (морфемалар, сўз бирикмалари ва гаплар) доирасида, шунингдек, лексема ва фразема муносабатларида ҳам учрайди. (Бу ҳақда «Фразеология» ва «Грамматика» бўлимларига қаралсин).

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Синонимия нима?
2. Синонимия ҳодисасининг сўз туркумларига муносабати қандай?
3. Синонимик қатор ва доминанта ҳақида маълумот беринг.
4. Лексик синонимларнинг қандай турлари бор?
5. Маъно синонимлари, услубий синонимлар ва нутқий синонимлар қандай фарқланади?
6. Қандай ҳолатларда контекстуал синонимлар юзага келади?
7. Абсолют синонимлар ёки лексик дублетлар ҳақида маълумот беринг.
8. Қандай ҳолатларда лексемалар синонимик муносабатда бўлмайди?
9. Синонимия ва полисемия уртасида қандай боғланиш бор?
10. Синонимия ҳодисаси тилнинг қайси сатҳларида учрайди?
11. Синонимларнинг услубий восита сифатидаги ролини тушунтиринг.

Таянч тушунчалар

Синонимия – лексемаларнинг бир хил маъно англатишига кўра гуруҳланиши.

Синонимик қатор (синонимик уя) – бир маъно англатишига кўра гуруҳланган синоним сўзлар йигиндиси.

Доминанта – синонимик қатордаги бетараф маъноли сўз. Маъно синонимлари – бир умумий маънога эга бўлса-да, маъно қирралари билан фарқланувчи синонимлар.

Услубий синонимлар – лексик маънолари ижобий ёки салбий муносабат ифодаловчи семалар билан қопланган синонимлар.

Нутқий синонимлар – нутқнинг у ёки бу турига хосланганлиги билан фарқланадиган синонимлар.

Лексик антонимия

Адабиётлар: 2[74], 4[37-39], 11[47-55], 12[120-126], 14[73-74], 23[56-58], 52[5-17]

33-§. Лексик антонимия лексемаларнинг бир-бирига зид маъно-англантиши асосида гуруҳланишидир: *оқ* ва *қора*, *қалин* ва *юшқа* каби.

Антонимия ҳодисаси, асосан, бир сўз туркуми лексемалари доирасида юз беради.¹

Сифатларда: а) ҳажм белгисига кўра: *катта* ва *кичик*, *балаңд* ва *паст*; б) ҳарорат белгисига кўра: *иссиқ* ва *совуқ*; в) ёш белгисига кўра: *ёш* ва *қари*; г) характер-хусусият белгисига кўра: *сахий* ва *хасис*, *ботир* ва *қўрқоқ*, *ақли* ва *аҳмоқ*; д) шакл белгисига кўра: *тўғри* ва *эгри*; е) маза-таъм белгисига кўра: *аччиқ* ва *ширин* каби.

Пайт, ҳолат, миқдор маъноли лексемалар доирасида ҳам антонимия ҳодисаси кенг тарқалган: а) *кеча* ва *эртага*, *аввал* ва *кейин* (пайт белгисига кўра), б) *тез* ва *секин*, *аранг* ва *бемалол* (ҳолат белгисига кўра), в) *кул* ва *оз*, *мул* ва *кам* (миқдор белгисига кўра) ва б.лар. Бундай лексемаларнинг сифат ёки равиш туркумига мансублиги кейинги йилларда бир қадар мунозарали бўлиб қолмоқда.

Отларда: а) белги отларида: *бойлик* ва *камбағаллик*, *ботирлик* ва *қўрқоқлик*; б) қарама-қарши томон номларида: *шарқ* ва *гарб*, *жануб* ва *шимол*; в) фасл номларида: *ёз* ва *қиш*, *куз* ва *баҳор*; г) сутканинг қарама-қарши томонларини ифодаловчи номларда: *кеча* ва *кундуз*, *тонг* ва *шом* каби.

¹ Антонимларни тавсифлашда ва тасвирлашда кўпроқ қуйидаги адабиётларга таянилади: Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати.-Т.: «Ўқитувчи», 1980.

Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Курсатилган асар, 120-126-б.

Усмонов С. Антонимлар // «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» жури., 1958, 2-сон, 38-б.

Исабеков Б.О. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. АҚД.-Ташкент, 1973.

Шукуров Р. Лексико-семантическая природа антонимов. АҚД. - Ташкент, 1973. Яна шу муаллиф: Ўзбек тилида антонимлар – Тошкент, 1977.

Феълларда: а) қарама-қарши ҳаракат маъноларини ифодаловчи феълларда: *бормоқ* ва *келмоқ*, *кирмоқ* ва *чиқмоқ*; б) сифат ёки равишдан ясалган феълларда: *кенгаймоқ* ва *тораймоқ*, *кулаймоқ* ва *озаймоқ*, *секинашмоқ* ва *тезлашмоқ* каби.

Баъзан феълнинг сифатдош шакали сифат туркумидаги лексема билан антонимик муносабатларга киришиши мумкин: *ўқиган* ва *билимсиз*, *ўқимаган* ва *билимли* каби.

Антонимия ҳодисаси сифат туркумида кенг тарқалган, от ва феълларда бир оз қамроқ учрайди, олмош ва сонларда эса бўлмайди (айрим контекстуал ҳолатлар бундан мустасно).

34-§. Контекстуал антонимия узаро зид маъно ифода этмаган лексемаларнинг маълум контекст ичида сўзловчи ёки муаллиф томонидан антонимик муносабатларга киритилишидир. Буни қуйидаги шеърий мисралар таҳлилида кўриш мумкин:

Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,

Ва лекин бири туз, бири қанд эрур

(А..Навоий)

Айтур сўзни айт,

Айтмас сўздан қайт!

(А..Навоий)

Сичқонларга нисбатан

Пойлоқчиман тўғриман.

Курсам текин гушт баъзан

Чидолмайман - ўғриман.

(О.К)

Бу мисолларда қўлланган қанд ва туз, айт ва қайт ҳамда тўғри ва ўғри сўзлари аслида (тилда) антонимлар эмас, аммо биринчи мисолнинг иккинчи мисрасида туз ва қанд лексемалари муаллифнинг лексик қўллаши натижасида «аччиқ» ва «шприн» (демак, «яхши» ва «ёмон») маъноларини, иккинчи мисолдаги айт ва қайт лексемалари «айт» ва «айтма» деган зид маъноларни, учинчи мисолдаги тўғри ва ўғри лексемалари эса «ўғри эмас» ва «ўғри» маъноларини ифода этиб, контекстуал антонимия ҳосил қилган (бунда *тўғри* лексемаси отлашган).

Бундай қўлланиш олмошларда ва сонларда ҳам учрайди: *Бир у дейди, бир бу дейди*, деганда у ва бу олмошларида контекстуал зидланиш бор.

35-§. Антономик жуфтлик. Лексик антонимия иккита лексема орасида юз беради, бу икки сўз *антонимик жуфтликни* ҳосил қилади, аммо антонимик жуфтлик жуфт сўз деган гап эмас. Қиёс қилинг: *катта* ва *кичик* – антонимик жуфтлик (ундаги ҳар бир сўз – мустақил лексема), *катта-кичик* – битта жуфт сўз, у умумлашган битта маънога эга. Демак, *катта* ва *кичик* зид маъноли иккита лексема бўлганлиги учун, улар бир-бирига нисбатан антонимлардир, *катта-кичик* жуфт сўзи эса антонимлар иштирокида ясалган битта лексемадир, бинобарин, битта

лексеманинг ёлгиз ўзи антоним ҳисобланмайди. Шунингдек, бор ва борма каби суз шакллари ҳам антонимлар деб қаралмайди, чунки антоним бўлиш учун, юқорида айтиб утилганидек, албатта иккита суз (лексема) мавжуд бўлиши, бу икки суз узаро зид маъно ифодаланиши шарт, бор ва борма эса иккита лексема эмас, балки битта бор лексемасининг (феълнинг) бўлишли (*бор*) ва бўлишсиз (*борма*) шакллари, холос. Демак, бунда ҳам антонимик жуфтлик йўқ.

36-§. Энантисемиа битта лексема маъносида нутқий муҳит талабига кура зидланишининг ифодаланиши. Чунончи, *кучанинг боши* бирикмасида бош лексемаси кучанинг «бошланиши»ни ҳам, «охири»ни ҳам ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам антонимия юзага келмайди.

37-§. Антонимия ва полисемиа ҳодисалари узаро боғлиқдир: куп маъноли лексема узининг бош маъноси билан битта антонимик жуфтликка, ҳосила маъноси билан эса бошқа антонимик жуфтликка кириши мумкин. Масалан: *аччиқ қалампир* ва *ширин олма* бирикмаларида аччиқ ва ширин лексемалари узларининг бош маънолари орқали антонимик муносабатга киришган; *аччиқ гап* ва *ширин гап* бирикмаларида эса *аччиқ* ва *ширин* лексемаларининг ҳосила (*кўчма*) маънолари антонимияга асос бўлган.

38-§. Антонимларни белгилаш мезонлари ҳақида. Тилшунослиқда антонимларни белгилаш мезонлари буйича мунозарали қарашлар ҳам бор. Хусусан, айрим манбаларда *опа* ва *сингил*, *ака* ва *ука*¹ *тоға* ва *хола*² каби сузлар антонимлар деб баҳоланади. Шу соҳа буйича махсус илмий тадқиқот ишлари олиб борган. Б.Исабеков эса уларни антонимлар эмас, коррелятив сузлар деб баҳолайди, буни юқоридаги лексемаларнинг маънолари қарама-қарши эмас, балки бир-бирига жуда яқиндир деб асослайди³.

Феълнинг бўлишли ва бўлишсиз шакллари (*борди* ва *бормади*, *борай* ва *бормай*, *курган* ва *курмаган* каби формалари) айрим адабиётларда «антонимларнинг алоҳида бир типини...» деб қаралади⁴, бироқ тилшунос Ш.Раҳматуллаев бу фикрга қушимайди. Унингча, «Оддий инкорнинг ўзи ҳали антоним эмас. Масалан, *айт* ва *айтма*, *айтар* ва *айтмас* кабилар бири иккинчисининг инкори. Аммо уларни узаро антонимлар деб бўлмайди. Асли булар икки лексема эмас, балки айни бир лексеманинг икки (бўлишли ва бўлишсиз) шакллари дур. Антонимия эса икки лексема орасидаги маъно муносабати дур...» (12,122-б.). Антонимияни айни шундай тушуниш

¹ Усмонов. С. Курсатилган мақола, 38-б.

Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Курсатилган асар, 121-б.


² Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-т, 1966, 146-б.

³ Исабеков Б. О. Курсатилган диссертация автореферати, 8-б.

⁴ Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1-том. Жамоа.-Т.: «ФАН», 1966, 145-б.

айрим илмий манбаларда ҳам бор.¹ Мазкур дарсликда ҳам антонимияга шу позициядан ёндашилди.


Антонимия мезонини белгилашда Ш. Раҳматуллаев, Н. Маматов ва Р.Шукуровлар томонидан тавсия этилган мантиқий марказ принципага таяниш яхши натижа беради. Бу принципга кўра иккита маъно ўртасидаги оралиқ тушунча (мантиқий марказ) аниқланади ва шу марказнинг икки томонидан ўрин олган тушунчалар ўзаро антонимик муносабатларда деб қаралади. Маслан, куз билан *баҳор* орасида *қиш* бор, демак, куз ва *баҳор* лексемалари ўзаро антонимлар деб қаралади, аммо куз билан *қиш* – антоним лексемалар эмас, чунки бу икки лексема орасида оралиқ тушунча (мантиқий марказ) йўқ; шунингдек, *қиш* билан *баҳор* антоним эмас (оралиқ тушунча йўқ), *қиш* билан *ёз* – антонимлар (оралиқ тушунча – «баҳор»); *кеча* билан *бугун* – антонимлар эмас (оралиқ тушунча йўқ), *кеча* ва *эртага* – антонимлар (оралиқ тушунча – «бугун»); *утмиш* ва *ҳозир* антонимлар эмас (оралиқ тушунча йўқ), *утмиш* ва *келажак* – антонимлар (оралиқ тушунча – «ҳозир») каби. Бундай муносабатларни қуйидаги схема (чизма) тарзида ифодалаш мумкин (мантиқий марказ урнида М ҳарфи қўлланган).



Баъзан мантиқий марказнинг икки томонида бир нечтадан антонимик жуфтликлар бўлади: аъло (жуда яхши) – яхши – урта(М) – ёмон – жуда ёмон каби. Буни схемада шундай ифодалаш мумкин:


¹ Исабеков Б.О. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. АКД, Ташкент, 1973, с.4.

II антонимик жуфтлик



Бундай ҳолларда уз маъносига кўра мантиқий марказдан тенг узоқликда жойлашадиган сўзлар узаро антонимик жуфтлик ҳосил қилади.

Фасл номлари орасидаги антонимияни қуйидаги схема тарзида ифодалаш мумкин.



Антонимик муносабатда бўлган айрим лексемалар орасида мантиқий марказ бўлади-ю, аммо уни номловчи сўзнинг узи бўлмайди. Масалан, *қулги* ва *йиги* лексемалари орасидаги мантиқий марказни билдирувчи махсус сўз тилда йўқ, аммо оралиқ ҳодисанинг ўзи бор: у кишининг қулмасдан, йигламасдан турган нормал ҳолатидир, демак, ана шу ҳолат (экстралингвистик омил) мантиқий марказ сифатида тасаввур қилинади. (52,9-12).

39-§. Антонимларнинг услубий восита сифатидаги тавсифи. Лексик антонимлар муҳим услубий воситалардир. Улар матнда қаршилантириш (антитеза) воситаси ролини бажаради, шу орқали ҳодиса ва ҳолатлардаги қарама-қаршиликларни, айрим образ ва персонажларнинг ички дунёсидаги зиддиятларнинг бадиий талқинини таъминлайди.

Тинглар эдим бетиним
Узун тунлар ётиб жим.
Сеза олардим кучин,
Кўши ёлгон, кўши чин.

(Ҳ.О.)

Илмли одамга улуглик ҳамдам,
Илмсиз қозини эшак деб айтма,
Чунки бу эшакка туҳматдир бешак.

(Ҳ.Дех.)

Жаҳоннинг шодлиги йигилса бутун,
Дустлар дийдоридан бўлолмас устун.
Тулура ғам-гуссага дилнинг косаси,
Қадрдон дўстлардан жудо бўлган кун.

(Руд.)

Антонимлар мақол ва матал жанрларида ҳам муҳим услубий восита саналади - ҳаётий тажриба умумлашмаларини мақол ва маталар тилига хос услубда таъсирчан ифодалаш имконини яратади:

Ёзги меҳнат - қишки роҳат.

Меҳнатдан дўст ортар, гийбатдан - душман.

Дўст ачитиб гапирар, душман - кулдириб.

Яхши дўст - жон озиғи,

Ёмон дўст - бош қозиғи.

Донога иш - шону шухрат,

Нодонга иш - ғаму кулфат.

И з о ҳ: Автономия ҳодисаси фраземалар ва морфемалар доирасида, шунингдек лексема ва фраземалар муносабатида ҳам учрайди (Бу ҳақда «Фразеология» ва «Морфемика» бўлимларига қаралсин.)

Текшириш саволлари ва тошпириқлар

1. Антонимия нима? Антонимик жуфтлик-чи?
2. Антонимия ҳодисасининг сўз туркумларига муносабати қандай?
3. Контекстуал антонимия ҳақида маълумот беринг.
4. Қандай ҳолатларда антонимия ҳодисаси юз бермайди?
5. Антонимия ва энантиосемия ҳодисаларини тушунтиринг.
6. Антонимия ва полисемия ўртасидаги боғланишни тушунтиринг.
7. Антонимия ҳодисаси билан боғлиқ қандай мунозарали масалаларни биласиз?
8. Антонимия ҳодисасининг мезони сифатида қараладиган *мантиқий марказ* ҳақида маълумот беринг.
9. Антонимлардан қандай услубий восита сифатида фойдаланилади?

Таянч тушунчалар

Антонимия – лексемаларнинг бир-бирига зид маъно англатиши асосида гуруҳланиши.

Антонимик жуфтлик – ўзаро қарама-қарши маъноли икки сўз.

Контекстуал антонимия – тилда антонимик муносабатда бўлмаган сўзларнинг маълум контекст доирасида антонимик муносабатга киритилиши.

Энантиосемия – битта лексема маъносида нутқий муҳит тақозоси билан зидланишнинг ифодаланиши.

Мантиқий марказ – икки маъно ўртасидаги оралиқ тушунча.

Лексик омонимия

Адабиётлар: 2[70-72], 4[40-43], 11[29-39], 14[77-81], 51[5-15].

40-§. Лексик омонимия лексемаларнинг ифода планидаги (талаффузи ва ёзилишидаги) тенглик ҳодисаси. Масалан, *ут* («олов») – *ут* («майса»), *камар* («қайиш, кўндан ишланган белбоғ») – *камар* («дарё, тоғларда сув ўйиб кетган чуқур жой») каби.

Лексик омонимияда икки хил ҳодиса мавжуд: омонимлар ва омоформалар.

1. **Омонимлар** шакли бир хил, маънолари ҳар хил (ўзаро боғланмаган) лексемалардир (юқоридаги мисоллар). улар *омоним омолексемалар* деб ҳам аталади. (12, 128-б.). Бундай омонимларнинг кўпчилиги бир сўз туркумига мансубдир, шу сабабли уларнинг

нутқдаги грамматик шакллари ҳам бир хил бўлади. Қиёс қилинг: *от* («исм») – *отим, отинг, оти, отни, отнинг, отга...* каби, *от* («ҳайвон») – *отим, отинг, оти, отни, отнинг, отга...* каби. Яна: *буш* (сифат) – «ичига ҳеч нарса солинмаган»: *буш челак* каби; *буш* (сифат) – «таранг тортилмаган»: *арқонни буш тортиб боғламоқ* каби.

Бу типдаги омонимлар (омоним омолексемалар) турли сўз туркумларига мансуб бўлиши ҳам мумкин. Бундай пайтда омонимик муносабатга киришаётган сўзлар шаклланиш тизимига эга бўлмасликлари керак. Масалан, *табиий* (сифат) ва *табиий* (модал сўз): 1) *У табиий фанларга кўпроқ қизиқади.* (Бу гапда *табиий* – сифат, аниқловчи); 2) *Сўзамол, бадавлат қори тоғанинг бирдан кўз юмиб сукутта ботишининг сабабини, табиий, Йўлчи тушунмади* (Бу гапда *табиий* – модал сўз, кириш сўз).

2. **Омоформалар** айрим грамматик шаклларидагина тенг келадиган лексемалардир. Улар *омоформа омолексемалар* деб ҳам номланади (12,129–б.). Масалан, *сур* (от: «қоракўл тери нави») ва *сур* (сифат: «оч кулранг») лексемалари айна шу шаклда лугатга киритилади, бироқ от туркумидаги *сур* лексемаси турланганда (*сурни, сурнинг, сурга...* каби) *сур* (от) ва *сур* (сифат) ўртасидаги шаклий тенглик йўқолади. Демак, бу икки лексема ўртасидаги шаклий тенглик от туркумидаги *сур* сўзи бош келишик шаклида бўлгандагина сиқланиб, бошқа шаклларида йўқолади, шу хусусияти билан *омоформа омолексемалар* омоним омолексемадан фарқ қилади.

Ўт (от: «олов») ва *ўт* (феълнинг иккинчи шахс буйруқ майлидаги шакли) муносабатида бошқачароқ ҳолат кузатилади: *ўт* феъл шакли лугатга *ўтмоқ* шаклида киритилади, бинобарин, *ўт* (от) ва *ўтмоқ* (феъл) ўртасидаги шаклий тенглик йўқлиги маълум бўлади, шунга қарамай феълнинг иккинчи шахс буйруқ майлидаги *ўт* шакли билан отнинг бош келишигидаги *ўт* шакли *омоформа омолексемалар* саналади. Бу лексемалардаги *омоформа муносабати утинг* (сенинг утинг) ва *утинг* (сиз утинг) каби шаклий тенгликда ҳам юзага келади, аммо *ўтни, ўтинг* (отнинг келишик шакллари) ва *ўтгин, ўтсин* (феълнинг буйруқ майли шакллари) каби ҳолатларда *омоформа* пайдо бўлмайди. Демак, *омоформа* бўлиш турли сўз туркумларига мансуб лексемаларнинг айрим грамматик шаклларидагина хос.

Омоформаларда негизга қўшилаётган аффикслар ҳам шаклан тенг бўлади, шунга кура бундай қўшимчалар *омоаффикслар* саналади. Қиёс қилинг: *утинг* («-инг»-отнинг эгалик категориясига мансуб аффикс) – *утинг* («-инг»-феълнинг буйруқ майлига мансуб аффикс) каби.

41-§. **Омоним омолексемаларнинг турланиш ва тусланиш системаларига муносабати.** Омоним омолексемалар нутқда турланиб ёки тусланиб турли шаклларга киради. Қиёс қилинг: *боғ-1* (от туркуми: «мевазор, дарахтзор») ва *боғ-2* (от туркуми «беда, ўт

боглами»). Бу икки от нутқда турланиб, узаро тенг булган сўз формаларини (грамматик шаклларни) ҳосил қилади:

бог-1: боғни, боғнинг, боғга, боғлар... каби.

бог-2: боғни, боғнинг, боғга, боғлар... каби.

Бундай шакллар сўз формалари саналади. Сўз формаларидаги тенглик омоформа омолексемаларга ҳам хос (юқорида кўриб ўтилди). Демак, нутқда омонимлар ҳам, омоформалар ҳам сўзформалар омонимиясини юзага келтириши мумкин.

42-§. Омонимларнинг юзага келиш сабаблари ҳар хилдир. Хусусан:

1.Тилда азалдан мавжуд булган айрим сўзларнинг шакллари тасодифан тенг бўлиб қолади: *бақа* («қурбақа») ва *бақа* («сув тегирмонининг паррақдан ҳаракат олиб, тегирмон тошини айлантирувчи металл қисми»).

2.Бир маъноли сўз лексик маънонинг кўчиши оқибатида кўп маъноли сўзга айланади, кейинроқ бош маъно ва ҳосила маъно ўртасидаги боғланиш унутилиб, бир сўз негизда иккита бошқа-бошқа лексема пайдо бўлади: *кун* («кўёш»)- *кун* («сутка», «кун чиққандан яна кун чиққунгача булган вақт») каби.

3.Бошқа тиллардан ўзлаштирилган айрим лексемалар ўзбек тилидаги у ёки бу лексемага шаклан тенг бўлиб қолади: *той* (ўзб. «отнинг икки яшардан кичик боласи») – *той* (ф-т: «катта туп қилиб тахлаб ёки босиб боғланган мол ва шу тарздаги мол улчови»).

4.Бошқа тиллардан ўзлаштирилган лексемалар орасида шаклан тенг булган сўзларнинг учраши омонимияга олиб келади: *расм* (арабча: «сурат») – *расм* (арабча: «урф-одат»).

5.Лексемалар ясалиши ҳам баъзан омонимларни келтириб чиқаради: *қуноқ* («тариқ») – *қуноқ* (қўн + оқ: «меҳмон») каби.

43-§. Омонимия ва полисемия ҳодисалари ўртасида маълум ўхшашлик ва тафовутлар бор. Ўхшашлиги: омонимияда ҳам, полисемияда ҳам ифода плани (шакли) бир хил бўлади, ҳар икки ҳолатда бирдан ортиқ маъно ифодаланади.

Фарқлари: омонимияда шакли бир хил булган икки ёки ундан ортиқ сўз (лексема) назарда тутилади; полисемияда эса бир неча маъноси бор булган битта лексема ҳақида гап боради. Омоним лексемаларнинг маънолари ҳар хил бўлади, бу маънолар ўртасида боғланиш йўқ. Кўп маъноли сўзнинг маънолари ҳам ҳар хилдир, аммо улар ўртасида боғланиш бор: улар маъно кўчиши асосида юзага келган бўлади. Қиёс қилинг:

буз (1) – «газламанинг бир тури».

буз (2) – «усимликнинг бир тури».

Булар шакли бир хил, аммо маънолари ҳар хил булган иккита лексема (омолексемалар) ҳисобланади.

Бел -1) «умуртқа погонасининг пастки қисми»; 2) «одам гавдасининг ўрта қисми»; 3) «бирор предметнинг ўрта қисми» (*тоғнинг бели*)

Бунда битта *бел* лексемасининг учта маъноси берилган, бу маънолар ўртасида боғланиш мавжуд.

44-§. Лексик омонимияга ёндош ҳодисалар:

1.Омофонлар – талаффузи бир хил, ёзилиши ҳар хил бўлган лексемалар: *тўрт* (сон туркумидаги сўз) – *торт* (от туркумидаги сўз: «кондитер маҳсулоти»), *тўн* («кийим») – *тон* («товуш тони»), *боб* (талаффузда: бош) ва *боп* каби.

2.Омографлар – ёзилиши бир хил, талаффузи ҳар хил бўлган лексемалар: *соя* («қуёш нури тушмайдиган салқин жой») – *соя* («дуккакли ўсимликнинг бир тури ва унинг дони»), ром (ойна ўрнатилмаган дераза)- *ром* (спиртли ичимликнинг бир тури) каби.

Тилда ургусининг ўрни билан фарқ қиладиган, аммо бир хил ёзиладиган лексемалар ҳам бор: атлас («материал») – атлас («геогр. атлас»), физик («физик ҳодиса») – физик (физика мутахассиси) каби. Булар ургу белгисисиз ёзилганда омографлар саналади, ургу белгиси қўйилганда (*атлас* ва *атлас*, *физик* ва *физик* каби график шакллarga кирганда) эса омограф бўлмайди. Бироқ бундай ҳолатлар тилшунослиқда махсус номга эга эмас.

45-§. Омонимлар ва оморформалар тил ва нутқда ўзига хос услубий воситалар ролини бажаради: мисраларнинг қофияланишини, туюқ ва аския жанрларига хос сўз уйинини (тажнисни) таъминлайди, шу асосда бадиий асарга ҳусн багишлайди. Масалан:

Бир парча ўт булиб бунда кун
Пахтасини ишлайди ҳар кун.

(Ҳ.О)

Уйимда кундузи вақт эрди чоқ туш,
Ётиб уйқумда кўрдим бир ажиб туш.
Қўпол дўқ қилди бир мансабга мағрур,
Дедим: упкангни бос, бир парда паст туш.

(Ҳаб.)

Яхшилар инсоннинг кунглини безар,
Ёмонлар феълидан одамлар безар,
Инсонга ой олиб бергандан кўра,
Киши кунглини тўлдир, бекумуш безар.

(В.Саъд.)

Тушма қаллоб турига,
Утқизса ҳам турига.
Одам қовун эмасдир
Қараб билсанг турига.

(З.Ш.)

Текшириш саволлари ва топшириқлар

- 1.Омонимия нима?
- 2.Лугавий омонимиянинг қандай турлари бор?
- 3.Лексик омонимиянинг турлари ҳақида маълумот беринг.
- 4.Омонимлар ва омоформалар (омоним омолексемалар ва омоформа омолексемалар) қандай фарқланади?
- 5.Омонимларнинг сўз туркумларига муносабати ҳақида маълумот беринг.
- 6.Омонимлар қандай юзага келган?
- 7.Омонимия ва полисемия қандай фарқланади?
- 8.Омонимларга ёндош булган қандай ҳодисалар бор?
- 9.Омоним ва омоформаларнинг услубий восита сифатидаги роли ҳақида гапиринг.

Таянч тушунчалар

Омонимия – тил birlikларининг ифода планидаги тенглик ҳодисаси.

Лексик омонимия – омонимия ҳодисасининг лексемалар доирасидаги кўриниши.

Омоформалар – айрим грамматик шакллари ўзаро тенг булган лексемалар.

Омофонлар – талаффузи бир хил, ёзилиши ҳар хил булган лексемалар.

Омографлар – ёзилиши бир хил, талаффузи ҳар хил булган лексемалар.

ПАРОНИМИЯ

Адабиётлар: 11[55-59],12[141-142],14[81]

46-§. Паронимия (юн.рага – “ёнида” + опуша – “ном”) – икки ёки ундан ортиқ лексемаларнинг талаффузда ўзаро ўхшаш, оҳангдош бўлиши. Бундай ўхшашлик, одатда, ҳар икки (ёки уч) лексема таркибидаги товушларнинг физик-акустик яқинлигидан келиб чиқади. Масалан, *арқон* ва *аркон*. Бу икки сўз таркибидаги 5 та товушдан 4 таси айни бир хил фонемалардир, аммо улардан биринчисида «қ», иккинчисида эса «к» фонемалари қатнашган. Бу

икки фонеманинг бири («қ») чуқур тил орқа, иккинчиси («к») эса саёз тил орқа, иккаласи ҳам жарангсиз, портловчи ундошлардир, демак, улардаги физик-акустик ва артикуляцион белгилар бир-бирига жуда яқин, шунинг учун *арқон* ва *аркон* лексемалари талаффузида бир-бирига ўхшашлик бор. *Тақя* («сидирга матодан тайёрланган дўппи») ва *такя* («одамлар тушланиб улфатчилик қиладиган жой») сўзларида ҳам шундай; *баён* ва *боён* сўзларида эса «а» ва «о» унлиларининг қўйи кенг эканлиги, ургусиз бўгинда қўлланганлиги бу икки сўзнинг талаффузидаги ўхшашликка, демак, паронимияга сабаб бўлган. Бироқ *арпа* ва *арфа* сўзларида бундай ўхшашлик, оҳангдошлик йўқ, чунки улардаги «п» ва «ф» ундошларининг «портлаш («п»да) ва сирғалиш («ф»да) белгилари талаффузда сезиларли даражада фарқланади, бунинг устига бу лексемаларнинг сўз ургуси ҳам ҳар хил жойлашган (*арпа* ва *арфа* каби). Демак, сўз таркибидаги бир товуш билан фарқланиш доимо паронимияга олиб келавермайди. Акс ҳолда тилдаги квазиомонимларнинг (минимал жуфтликларнинг) барчасини паронимлар деб баҳолашга тўғри келарди: *бой-пой-той*, *бош-тош-мош*, *тил-тиш*, *иш-ин-иш* каби. Бундай сўзлар қатори кўп бўгинли сўзлар ҳисобига яна-да ортади: *дарахт-карахт*, *пахта-тахта*, *томон-сомон* каби. Бу ҳол, табиийки, паронимия ҳодисасини чексиз қилиб қўяди, уларнинг квазиомонимлар билан қориштирилишига олиб келади.

Юқоридаги мезонни (товушлардаги физик-акустик ва артикуляцион яқинликни ҳамда акцентологик умумийликни) ясама сўзлар паронимиясига ҳам татбиқ этса бўлади. Хусусан, *ёлқин* ва *ёрқин* сўзларида товушлар ўхшашлиги (ўзақдаги «л» ва «р»нинг иккаласи ҳам тил олди ва сонор эканлиги) бу икки лексема талаффузининг бир-бирига яқинлигини таъминлаган, аммо *ён* ва *ёқ* ўзак сўзларидан ясалган *ёнилги* ва *ёқилги* лексемаларини, *йўқ* ва *ёқ* ўзак сўзларидан ясалган *йўқламоқ* ва *ёқламоқ* сўзларини паронимлар дейиш қийин, чунки бу сўзларнинг ўзагидаги товушлар артикуляциясида ҳамда физик-акустик белгиларида сезиларли тафовутлар бор: «ён» ва «ёқ»даги «н» - тил олди, сонор, жарангли; «қ» - чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз; «йўқ» ва «ёқ» даги «ў» - ўрта кенг, лаблашган; «о» - қўйи кенг, кучсиз лаблашган. Айни шу тафовутли белгилар туфайли *ёнилги* ва *ёқилги*, *йўқламоқ* ва *ёқламоқ* лексемаларининг талаффузи паронимия мезонига мос эмас. Қолаверса, турли ўзақдан бир хил аффикс билан сўз яшаш паронимияга олиб келади деб қараш¹ «боғ», «доғ», «ёғ» ўзак сўзларидан ясалган *боғламоқ*, *доғламоқ*, *ёғламоқ* сўзларини, шунингдек, «қора» ва «қада» ўзак сўзларидан ясалган *қароқчи* ва *қодоқчи* лексемаларини ҳам паронимлар деб

¹ Қаранг: Ўзбек тили лексикологияси. Жамоа - Т.: «Фан», 1981, 258 - бет.

тан олишга мажбур қилади, ваҳолонки, уларнинг бирортасида паронимлик даражасидаги талаффуз уйғунлиги йўқ.

Паронимияда баъзан лексемалар таркибидаги фонемалар миқдори тенг бўлмаслиги ҳам мумкин, ammo уларнинг талаффузида бир-бирига яқинлик, оҳангдошлик бўлиши шарт: *бўса* (4 та фонема) – *булса* (5 та фонема), *амр* (3 та фонема)– *амир* (4 та фонема), *аср* (3 та фонема), – *асир* (4 та фонема), *абонент* (7 та фонема) – *обонемент* (9 та фонема) *дипломат* (8 фонема), *дипломант* (9та фонема) каби.

Паронимлар омонимлар ва омофонлардан қуйидаги белгилари билан фарқланади:

1. Паронимларнинг талаффузи бир-бирига яқин, ўхшаш бўлади (юқоридаги мисоллар). Омонимларнинг эса талаффузи ва ёзилиши бир хил бўлади: *ўт* – (« майса») ва *ўт* («олов») каби.

2. Омофонларда ҳам талаффуз бир хилдир: *туб* ва *тул* (ёзувда) – *туп* ва *тул* (талаффузда). Паронимларда эса талаффуз тенг эмас, ўхшаш бўлади: *ганж* ва *ганч* каби.

Омофонларда фонемалар миқдори тенг бўлади, паронимларда эса улар тенг бўлиши ҳам, тенг бўлмаслиги ҳам мумкин. Қиёс қилинг: *тўн* – «кийим» (3 та фонема) – тон «товуш тони» (3 та фонема)–омофонлар; *аср* (3 та фонема) – *асир* (4 та фонема)–паронимлар каби.

3. Паронимларни сўз вариантлари билан қориштирмаслик керак: паронимлар бир сўз туркумига мансуб бир неча лексемалардир: *санъат* ва *саноат* каби. Вариациялар эса бир лексеманинг турли кўринишлари, холос: *томоша* ва *тамошо*, *дўппи* ва *туппи*, *гадо* ва *гадой*, *шоҳи* ва *шойи* каби.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тилшуносликда паронимия ҳодисасининг изчил мезонлари етарли даражада ишланмаган, шунинг учун бир хил ҳодисага ҳар хил баҳо бериш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Демак, масаланинг муаммоли жиҳатлари ҳали анчагина бор, уларни махсус тадқиқ қилиш тилшуносликнинг навбатдаги вазифаларидан бири бўлмоғи керак.

47-§. Паронимларнинг нутқда, айниқса, бадий нутқда ўзига хос услубий аҳамияти бор: Паронимларнинг товуш таркибидаги ўхшашлик, бир-бирига яқинлик баъзан, қисман бўлса-да, шакл нейтрализациясига олиб келади, оқибатда айрим кишилар нутқда уларни фарқлай олмаслик ҳолатлари юз беради. Бундай ҳолатни пайқаган ёзувчилар, шоирлар ёки драматурглар паронимлардан образ ёки персонажларнинг маънавий дунёсини, нутқий савиясини образли қилиб ифодалаш мақсадида фойдаланадилар. Бу ҳодиса тилшуносликда *парономазия* деб номланади. «Чархпалак» видеофильмидан келтирилган қуйидаги эпизодда буни яққол сезиш мумкин. Унда атрофига лаганбардор югурдакларни тўплаб олган бир обрўталаб, мансабдор шахс ароқ ичишдан бош тортган раққоса қиз Зулхумор Ҳамидовага қарата шундай дейди: «Майли, мажбур

қилмаймиз, бизга бу қизнинг *саноати* жуда маъқул.» Бу нутқий парчада *саноат* сўзи *санъат* лексемаси ўрнида қўлланган бўлиб, у жамиятда учраб турадиган айрим шахсларнинг маънавий қашшоқлигини, тилга бефарқлигини ифодалаш учун хизмат қилган. Демак, асар муаллифи (Шароф Бошбеков) шу эпизодни тасвирлашда *санъат* ва *саноат* сўзларининг паронимлик муносабатидан жуда ўринли фойдаланган.

Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Санъаткор» ҳикоясида *бўса* ва *бўлса* паронимларидан услубий фигура сифатида фойдаланилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ҳикояда номи чиққан ашулачи санъаткорнинг «*бўса*» сўзини «*бўлса*» деб қўлагани залда ўтирган бир тракторчи томонидан танқид қилинади. Бундан даргазаб бўлган санъаткор ўзига-ўзи дейди: «лабингдан *бўлса* олсам, э, шакарлаб» деганим у кишига ёқмапти, «*бўлса*» эмас, «*бўса*» эмиш! Узи билмайди-ю, менга ургатганига қуяман! Сенга ўхшаган саводсизлар «*бўса*, *бўмаса*» дейди. Артист культурний одам – гапни адабий қилиб айтади – «*бўлса*, *бўлмаса*» дейди».

Ҳикоядан келтирилган бу парчада *бўса* ва *бўлмаса* паронимларидан мохирона фойдаланиш «таниқли ашулачи санъаткорнинг» истеҳзоли образини яратишга хизмат қилган.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Қандай ҳодиса паронимия саналади?
2. Паронимлар ва квазиомонимлар қандай фарқланади?
3. Паронимлар ва омонимлар қандай фарқланади?
4. Паронимлар ва омофонлар қандай фарқланади?
5. Паронимлар ва сўз вариантлари қандай фарқланади?
6. Паронимияга оид қандай масалалар мунозарали бўлиб қолмоқда?
7. Паронимия ҳодисасининг нутққа таъсири борми?
8. Парономазия нима?

Таянч тушунчалар

Паронимия – икки ёки ундан ортиқ лексеманинг талаффузда ўзаро ухшаш, оҳангдош бўлиши.

Квазиомонимлар – бир фонемаси билан фарқланадиган иккита сўз (минимал жуфтлик).

Сўз вариантлари – бир лексеманинг тилдаги турли кўринишлари.

Парономазия – жонли сўзлашувда пароним сўзларни қористирриш ҳодисасидан бадий нутқда услубий мақсадларда фойдаланиш.

Гипонимия, градуонимия, партонимия

Адабиётлар: 8[22-23,118-120],14[75-77].

48-§. Гипонимия лугат бойлигидаги лексемаларнинг погонали (иерархик) алоқасидан келиб чиқадиغان маъно муносабатлари. Бундай муносабатларнинг моҳияти шундаки, торроқ тушунча ёки маъно ифодалайдиган лексемалар кенгроқ тушунча ёки маъно ифодалайдиган лексемалар билан тур (гипоним) ва жинс (гипероним) алоқасида булади, бундай алоқа бирлаштирувчи (интеграл) семалар орқали амалга оширилади. Масалан, *лола* лексемасининг маъноси гул лексемасининг маъно таркибига, *мушук* лексемасининг маъноси *ҳайвон* лексемасининг маъно таркибига киради. Бундай погонали (босқичма-босқич) муносабат, айниқса, у ёки бу фаннинг терминологик тизимида кенг тарқалган. Чунончи, ботаникада *тур* тушунчаси *туркум* тушунчаси таркибига, *туркум* тушунчаси *оила* тушунчаси таркибига, *оила* тушунчаси *қабил*а тушунчаси таркибига, *қабил*а тушунчаси *синф* тушунчаси таркибига, *синф* тушунчаси эса энг катта таксономик категория бўлган *тип* тушунчаси таркибига киради. Лексемалар маъносидаги ана шундай боғланиш гипо-гиперономик (тур-жинс), партонимик (бутун-булак) муносабати деб қаралади. Бундай муносабатлар лугат бойлигининг ёхуд ундаги айрим терминологик тизимларнинг қурилишини белгилайдиган муҳим омилардан саналади. Шу йўл билан тилдаги лексемаларнинг парадигмалари (лексемаларнинг маъно тўдалари ёки маъно гуруҳлари) аниқланади. Масалан, "кийим" мазмуни гуруҳ аъзолари: *теллак*, *куйлак*, *костюм*, *шим*, *туфли* ва ҳ.к.лар; «ўсимлик» мазмуни гуруҳ аъзолари: *дарахт*, *бута*, *ўт*, *сувўт* ва б.лар; «дарахт» мазмуни гуруҳ аъзолари: *терақ*, *тол*, *қайрағоч*, *арча*, *қарағай* ва б.лар каби.

Тилнинг лугат бойлигини тизим (система) сифатида ўрганишда лексемаларнинг гипо-гиперономик муносабатларига таяниш муҳим аҳамиятга эга: у табиат ва жамиятдаги нарса-предметларнинг, воқеа-ҳодисаларнинг тилдаги номлари бўлган лексемаларнинг маъноларини ва шу маънолар орқали борлиқдаги нарса-ҳодисаларнинг узлари ҳақидаги тушунча-тасавурларни умумлаштириш ва фарқлаш имконини беради¹.

49-§. Градуонимия лексемаларнинг маъно гуруҳлари аъзоларида у ёки бу белгининг даражаланиши. Бундай даражаланиш оппозциянинг (зидланишнинг) бир тури деб

¹ Бу ҳақда қаранг: Новиков Л.А. Семантика русского языка. - М.: «Высшая школа», 1982, с.136 - 142.

Неъматов Ҳ, Расулов Р. Узбек тили систем лексикологияси. - Т.: «Ўқитувчи», 1995, 111-123-б. Қучқортоев И. Сузларнинг лексик-семантик тўдалари ҳақида. // ТошДУ илмий асарлари, 359-чиқиши. - Тошкент, 1969. Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. - Тошкент, 1991. Сафарова Р. Гипонимия в узбекском языке. АҚД. - Тошкент, 1990

қаралади¹ ва шу қатордаги бош сўзга нисбатан белгиланади. Масалан: «ёш» белгисига кўра (бош сўз ажратиб кўрсатилган): бузоқ-тана-гунажин-сигир; қиз-жувон-аёл, «Белги»даги даражаланиш асосида: чиройли-сулув-кўркам-зебо; «силжиш суръати» белгисига кўра: юрмоқ-чоппоқ-югурмоқ-елмоқ каби.

Градуонимия ҳодисасини ўз вақтида Алишер Навоий ҳам пайқаган ва уни туркий (ўзбек) тилининг бойлик курсаткичларидан бири сифатида изоҳлаган эди. У ўзининг «Муҳокаматул-лугатайн» асарида «йигламоқ» маъноли сўзлар гуруҳини айни шу даражаланиш аспектида талқин қилади: *йигламсинмоқ-инграмоқ-синграмоқ-ўкурмоқ-ҳой-ҳой* йигламоқ каби². Демак, Алишер Навоийни шу ҳодисанинг илк тадқиқотчиси десак бўлади.

Кейинги 20-30 йил ичида ўзбек тилшунослигида бу масалага алоҳида эътибор берилмоқда.³

Лексемаларнинг маъно муносабатларида даражаланиш ҳодисасининг урганилиши кўп жиҳатдан аҳамиятлидир: лугат бойлигининг тизим сифатидаги тавсифини беришда, синонимлар ва антонимлар лугатини тузишда, лугавий birlikларнинг услубий восита (стилистик фигура) сифатидаги қийматини белгилашда градуонимик тадқиқотлар натижасидан фойдаланиш мумкин.

50-§. Партонимия лексемаларнинг маъно гуруҳларида бутун-булак муносабатларининг ифодаланиши. Масалан, автомобиль (бутун) – кузов (булак) – мотор (булак) – гилдирак (булак) ва б.лар. Яна: уй (бутун) – хона (булак) – айвон (булак) – коридор (булак). Буларда *автомобиль* (биринчи қаторда) ва *уй* (иккинчи қаторда) лексемалари бош сўзлардир. Айни пайтда кузов (бутун) – эшик (булак) – юқдон (булак) – ойна (булак) – бамфер (булак) қаторида *кузов* лексемаси; хона (бутун) – ойна (булак) – эшик (булак) қаторида эса *хона* лексемаси бош сўз саналади.

Маълумки, лексеманинг маъносида борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг инсон онгидаги инъикоси ифодаланади, демак, маънолар тизимидаги бутун-булак муносабати неғизда ҳам, аслида, борлиқдаги бутун-булак муносабатларини тилда ифодалаш зарурати ётади.

¹ Қаранг: Нейматов Ҳ., Расулов Р. Кўрсатилган асар, 108-б.

² Қаранг: А.Навоий. Муҳокаматул лугатайн // Алишер Навоийнинг танланган асарлари, III том. – «Ўздавнашр», 1948, 179-180-б.

³ Қаранг: Нейматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Т.: «Уқитувчи», 1995, 17, 108-110; Орифжонова Шоира. Ўзбек тилида лугавий градуонимия. НДА, Тошкент, 1996. Яна шу муаллиф: Даражаланиш (градуонимия). Республика ёш филолог олимларининг титанали илмий анжумани материаллари. Тошкент, 1991. Нарзиева М. Шахси ёш белгисига кўра атовчи сўзлар группасининг ички классификацияси ҳақида. Ўзбек тилини синхроник ўрганиш масалалари. Тошкент, 1987. Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Маъруза матнлари. – Бухоро: «Бухоро университети» нашриёти, 2001, 75-76-б. Гиясов С. Семантическая структура и компонентный анализ качественных прилагательных узбекского языка. АҚД, Тошкент, 1983

Партономия ҳодисасини ўрганиш лугат бойлиги тизимининг «сир»ларини очиш, сўз маъноларини аниқ ва тўғри изоҳлаш нуқтаи назардан аҳамиятлидир.

Бу ҳодиса Неъматов Ҳ., Расулов Р., Қиличев Э., Қиличев Б. каби тилшуносларнинг ишларида маълум даражада ўз талқинини топган.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Гипонимия нима?
2. Гипо-гиперонимик муносабатларни қандай тушунасиз?
3. Градуонимия ҳодисаси ҳақида маълумот беринг.
4. Партономия ҳодисасини тушунтиринг.
5. Гипонимия, градуонимия ва партономия ҳодисаларини тадқиқ этишнинг қандай амалий аҳамияти бор?

Таянч тушунчалар

Гипонимия – лугат бойлигидаги лексемаларнинг погонали алоқасидан келиб чиқадиган маъно муносабатлари.

Гипоним – тур тушунчасини ифодалайдиган лексема.

Гипероним – жинс (туркум) тушунчасини ифодалайдиган лексема.

Градуонимия – лексемаларнинг маъно гуруҳлари аъзоларида у ёки бу белгининг даражаланиши.

Партономия – лексемаларнинг маъно гуруҳларида бутун-булак муносабатларининг ифодаланиши.

Ўзбек тили лексикасининг тарихий тараққиёти

Адабиётлар: 1[12-26], 3[6-13], 4[47-51], 7[4-158], 12[173-175], 13[69-174].

51-§. Тил тараққиётининг халқ тарихи билан боғлиқлиги. Ўзбек халқи, маълумки, энг қадимги туркий уруғ ва қабилалардан усиб чиққан, демек, унинг тили ҳам шу уруғ ва қабилалар тили негизда ривож топган. Марказий Осиёдаги турли тарихий ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар, хусусан, араблар, мўғуллар ва руслар истилоси, қардош қозоқ, қирғиз, туркман, тожик халқлари билан қўшничилик муносабатлари ҳам ўзбек тили тараққиётига жиддий таъсир ўтказган, бунда, айниқса, туркий-араб, ўзбек-араб, ўзбек-тожик, ўзбек-қозоқ, ўзбек-қирғиз ва ўзбек-туркман билингвизми каби омилларнинг роли катта бўлган. Ана шу тарихий жараёнлар

нуқтаи назаридан қаралганда, ҳозирги ўзбек тилининг лугат бойлигида иккита йирик қатлам – ўз ва ўзлашган қатламлар борлиги маълум бўлади.

52-§. Ўз қатлам – ўзбек тили лексикасининг умумтуркий сўзлар ва соф ўзбек сўзларидан иборат қисмлари.

1. У м у м т у р к и й с ў з л а р ўзбек тили лексикасининг энг қадимги лугавий бирикларидир. Уларнинг аксарияти ҳозирги қозоқ, қирғиз, туркман, озарбайжон тилларида ҳам сақланган. Қиёс қилинг: *бош* (ўзб.) – *бас* (қоз.қорақ.) – баш (қирғ., туркм.); *ти* (ўзб., қоз., қирғ.) – *дил* (туркм., озарб., гагауз.); *тоғ* (ўзб.) – *тоо* (қирғ.) – *тав*, *тау* (қорақ., қоз.) – *даг* (туркм., озарб.) каби.

Ўзбек тили лексикасидаги умумтуркий сўзларнинг ўзига хос фонетик ва семантик белгилари бор.

Фонетик белгилари: а) сўзларнинг кўпчилиги бир ёки икки бўғинлидир. Бир бўғинли сўзлар: *қул*, *кўз*, *бош*, *тош*, *бир*, *уч*; икки бўғинли сўзлар: *икки*, *олти*, *олтин*, *етти*, *ота*, *она* ва б.лар. Уч бўғинли сўзлар жуда кам: *қурғошин*, *қумурсқа*, *йигирма* каби; б) сўз ёки бўғин бошида ундош товушлар қаторлашиб келмайди; в) сўз охирида ундош товушлар ёнма-ён қўлланиши мумкин, аммо бу ҳодиса жуда кам учрайди: *орт*, *ост*, *уст*, *тўрт*, *қирқ* каби; г) икки бўғинли сўзларнинг биринчи бўғини тўла очиқ (о-на, о-та), боши ёпиқ (ку-муш, бо-ла), охири ёпиқ (ол-тин, ўр-дак), тўла ёпиқ (бай-рам, бай-роқ), иккинчи бўғини эса боши ёпиқ (о-та, о-на) ва тўла ёпиқ (ол-тин, ку-муш, си-гир) структурали бўлади; д) иккинчи бўғин ҳеч қачон унли билан бошланмайди, аммо унли билан туташ ҳолатлари кенг тарқалган: ик-ки, ет-ти, бо-ла, ар-па, бол-та каби; е) сўз таркибида икки унли ёнма-ён келмайди; ж) ф, х, ж, җ, ц ундошлари умуман қўлланмайди; з) р, л, в, нг, г(г), д, з ундошлари сўз бошида учрамайди; и) э(е), у унлилари сўз охирида ишлатилмайди (айрим ундов сўзлар бундан мустасно); й) урғу кўпинча сўз охирига тушади.

Семантик белгилари: умумтуркий сўзларнинг аксарияти кўп маънолидир: *бош* – 1) «одамнинг боши», 2) «кўчанинг боши», 3) «ишнинг боши», 4) «бош агроном»; *кўз* – 1) «одамнинг кўзи», 2) «узукнинг кўзи», 3) «тахтанинг кўзи», 4) «деразанинг кўзи» каби.

Бу қатламда «қон-қариндошлик», «инсон аъзолари», «уй ҳайвонлари», «ёввойи ҳайвонлар», «паррандалар», «меҳнат фаолияти», «уй-рўзгор буюмлари», «ранг-тус», «маза-таъм», «миқдор», «саноқ», «ҳаракат», «ҳолат», «урф-одат» маъноли сўзлар кўпчиликини ташкил этади.

Морфологик белгилари: а) умумтуркий сўзлар ҳозирги ўзбек тилининг барча сўз туркумларида учрайди; б) турланади ва тусланади; в) узак ва аффикс морфемалар эркин ва стандарт бўлади: *қўзим*, *қўзинг*, *қузи*, *қўзни*, *қўзинг*, *бораман*, *борасан*, *борамиз* каби; г) сўз таркибида префикслар қўлланмайди;

2. Соф ўзбек сўзлари - ўзбек тилининг ўзида ясалган лексемалар. Улар ўз қатламнинг иккинчи (нисбатан янги) қисмини ташкил қилади. Бундай ясалишнинг қуйидаги турлари бор:

а) *семантик усул* - маъно тараққиёти маҳсули сифатида янги лексеманинг юзага келиши: *кўк* («ранг») - *кўк* («осмон»), *етти* («сон») - *етти* («маърака номи»), *юлқа* (сифат) - *юлқа* (от: «овқатнинг бир тури») каби;

б) *аффиксация усули*. Бунда узак ва аффикслар турли тил материаллари бўлиши мумкин, ammo уларнинг қўшилиши ўзбек тили таркибида юз беради, ўзбек тилининг сўз ясаш қолипларига асосланади, шу сабабли бундай ясама сўзлар ўзбек тилининг ўз қатлами бирлиги саналади. Масалан: *бош* (умумтуркий) + «-ла» (ўзб.) - *бошла* (ўзб.), *темир* (умумтуркий) + «-чилик» (ўзб.) - *темирчилик* (ўзб.), *жанг* (ф-т.) + «-чи» (ўзб.) - *жангчи* (ўзб.), *маданият* (ар.) + «-ли» (ўзб.) - *маданиятли* (ўзб.), *обуна* (р-б.) + «-чи» (ўзб.) - *обуначи* (ўзб.), *ахта* (мўғ.) + «-чи» (ўзб.) - *ахтачи* (ўзб.), «бе-» (ф-т.) + *бош* (умумтуркий) - *бебош* (ўзб.) + «-лик» (ўзб.) - *бебошлик* (ўзб.), *бил* (умумтуркий) + «-им» (ўзб.) - *билим* (ўзб.) + «-дон» (ф-т.) - *билимдон* (ўзб.) каби.

Соф ўзбек сўзларининг ясовчи асоси арабча ёки русча-байналмилал бўлганда, ясалманинг ўзаги ёки асосида икки унли ёнма-ён келиши, сўз бошида икки-уч ундош қаторлашиши мумкин: *маорифчи*, *матбаачи*, *доирачи*, *саодатли*, *манфаатли*, *драмнавислик*, *дренажланмоқ*, *плакатбоц*, *планбозлик*.

53-§. Ўзлашган қатлам - ўзбек тили лексикасининг бошқа тиллардан ўзлаштирилган лексемалардан иборат қисми. Масалан: *мактаб*, *оила* (ар.), *дарахт*, *гул* (ф-т.), *ахта*, *баҳодир* (мўғ.), *афанди* (турк.), *равшан* (суғд.), *трактор*, *автобус* (р-б.) ва б.лар. Бу қисмда араб, тожик-форс ва рус тилларидан ўзлаштирилган сўзлар кўпчиликти ташкил қилади.

1. Араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар. Бундай сўзларнинг ўзлаштирилиши VIII асрдан бошланиб, IX-X асрларда анча фаоллашган. Араб тилидан сўз ўзлаштирилишига олиб келган омиллар ичида қуйидагилар муҳим роль уйнаган: а) араблар истилоси; б) ислом динининг кенг тарқалиши; в) араб ёзувининг қўллана бошланганлиги; г) мадрасаларда араб тилининг ўқитилиши; д) туркий-араб икки тиллигининг (биллингвизмнинг) таркиб тошганлиги; е) олиму фузалоларнинг араб тилида ижод қилганлиги ва б.лар.

Ҳозирги ўзбек тили лексикасида араб тилидан ўзлаштирилган лексемаларнинг кўпчилиги от, сифат ва равиш туркумларига мансубдир: *отлар* - *адабиёт*, *ахборот*, *авлод*, *аёл*, *мактаб*, *маориф*, *маънавият*, *ҳосил*, *ҳукумат*, *одам*, *ҳақиқат*, *интизом*, *иншоот* ва

б.лар; сифатлар – *адабий, ажнабий, азиз, азим, айёр, ақлий, бадий* ва б.лар; равишлар – *аввал, баъзан, билъакс, таъзиман* каби. Булардан ташқари, боғловчилар (*балки, аммо, лекин, ва, ваҳолонки*), ундовлар (*ажабо, баракамла, салом, хайр*), модал сўзлар (*албатта, эҳтимол, аввало*), юкламалар (*фақат, худди*), кўмакчилар (*биноан*) ҳам ўзлаштирилган.

Араб тилидан сўз ўзлаштирилиши ўтмишда фаол бўлган, ҳозир эса бу жараён деярли тўхтаган. Айрим арабча сўзлар ҳатто эскириб, тарихий сўзлар ёки архаизмлар қаторига ўтиб қолган: *адад* (саноқ сўз), *ажам* (“араблардан бошқа халқлар”), *акбар* (“катта”, “буюк”, “улкан”), *алам* (байроқ), *баёз* (“шеърый тўплам”), *салох* (“қассоб”), *салоҳ* (“тўғрилиқ”, “виждонлилик”), *санад* (“ҳужжат”) ва б.лар.

Араб тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг фонетик, семантик ва морфемик таркибларида қуйидаги хусусиятлар борлиги кўзга ташланади: а) сўз таркибида икки унлининг ёнма-ён қўлланиш ҳоллари учрайди: *матбаа, мутолаа, саодат, оила, доир, раис* каби; б) *раъно, даъво, таъна, эълон, меъмор, таълим, эътибор, муътабар* каби сўзларда айн товушидан олдинги унли кучли ва бир оз чўзиқ талаффуз этилади; в) *журъат, суръат, бидъат, қалъа, санъат* сўзларида бугинлар айириб талаффуз қилинади; г) семантик жиҳатдан: кўпроқ диний, ҳиссий, ахлоқий, илмий, таълимий ва мавҳум тушунчалар ифодаланади: *авлиё, аза, азон, ваҳий, аврат, ахлоқ, ахлоқий, хулқ, фикр, тафаккур* каби; илмга, адабиёт ва санъатга оид тушунча номлари ҳам кенг тарқалган: *амал* (математикада ҳисоб тури), *руки, вазн* (адабиётшунослик атамалари), *риёзиёт* (“математика”), *адабиёт, санъат, табиёт* (фан ва соҳа номлари) каби; д) сўзларнинг лугавий ва грамматик шакллари флектив характерда бўлиб, ўзбек тилида морфемаларга ажратилмайди: *илм, муаллим, олим, уламо; фикр, тафаккур, мутафаккир* каби.

Араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар орасида тарихан ясама бўлган *адабий, бадий, голибият, воқеий, воқеан, онавий* каби лексемалар ҳам бор. Бундай лексемалар билан бирга ўзлаштирилган “-ий”, “-вий”, “-ан” аффикслари ўзбек тилида сўз ясовчи аффикслар даражасига кўтарилган, натижада ўзбек тилида сўз яшаш имкониятлари кенгайган. Ҳозирги ўзбек тилида шу аффикслар воситасида ясалган жуда кўп янги лексемалар мавжуд: *техникавий, физикавий, тубан, туркий* каби. Булардан ташқари, арабча лексик ўзлашмалар ўзбекча ёки тожикча сўзлар билан маъно муносабатига киришиб, ўзбек тилининг синонимик қаторларини бойитган: *уринбосар* (ўзб.)– *муовин* (а.), *гувоҳ* (ф-т.)– *шоҳид* (а.), *аниқ* (а) – *равшан* (сўғ.) каби

2. Ф о р с т о ж и к т и л л а р и д а н ў з л а ш т и р и л г а н с ў з л а р. Бундай сўзларнинг ўзбек тилига ўзлаштирилишида қуйидаги омилларнинг алоҳида роли бор:

а) ўзбек ва тожик халқларининг қадимдан бир (ёки қўшни) территорияда, бир хил ижтимоий тузум, иқтисодий ва маданий-маънавий муҳитда яшаб келаётганлиги; б) ўзбек-тожик ва тожик-ўзбек икки тилидигининг (биллингвизмининг) кенг тарқалганлиги; в) тожик ва форс тилларида ижод қилиш анъаналарининг узоқ йиллар давом этганлиги; г) Қўқон хонлиги ва Бухоро амирлигида тожик тилининг алоҳида мавқега эга бўлганлиги; д) адабиёт, санъат, маданият, урф-одатдаги муштараклик ва блар.

Ҳозирги ўзбек тилида тожик-форс тилларидан ўзлаштирилган сўзлар орасида отлар (*сартарош, авра, авра-астар, базм, барг, бахт, дарахт, дарахтзор, ҳунар, ҳунарманд*), сифатлар (*бадбуй, баджаҳл, балаңд, баравар, барваста, бардам, барзанги, барра, бахтиёр, бачкана, озода, тоза*), равишлар (*бажонидил, баногоҳ, дўстона, тез, базур, астойдил, чунон*), боғловчилар (*чунки, ёки, агар, гарчи, ҳам*), ундовлар (*балли, дод*), юкламалар (*хўш, худди*), модал сўзлар (*чунончи, бинобарин*) учрайди.

Форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзларда: а) сўз охирида ундош товушларнинг қаторлашиб келиши анча кенг тарқалган: *гишт, гушт, дарахт, карахт, дўст, даст, кафт, фарзанд* каби. (Умумтуркий сўзларда бу ҳолат кам учрайди); б) кучсиз лабланган “о” унлиси сўзнинг барча бўгинларида қўлланади: *оҳанг, нобуд, баҳор, ободон, пешона* каби.

Тожик-форс тилларидан ўзбек тилига бир қатор префикс ва суффикслар ҳам ўзлашган: префикслар – “бе-”, “ба-”, “но-”, “ҳам-”, “бар-”, “кам-”, “хуш-”; суффикслар “-кор”, “-зор”, “-хўр”, “-парвар”, “-каш”, “-боп”, “-боз”, “-дўз”, “-намо”, “-паз”, “-фуруш” ва блар. Улар дастлаб тожик-форс сўзлари таркибида қўлланган, кейинчалик ўзбек тилининг сўз ясовчи аффикслари қаторидан ўрин олиб, янги сўзларнинг ясалишида иштирок этган, шу йўл билан ўзбек тили лексикасини яна-да бойитган. Масалан: *бадавлат, беаёв, бебош, бебошлик, носоғ, нотўғри, ҳамётоқ, ҳамкурс, ҳамюрт, баркамол, камсув, камсувлик, камсуқум, камсуқумлик, хушбичим, хушқмас, урикзор, олмазор, тўқайзор, бугдойзор, бугдойкор, нафақахўр, текинхўр, адолатпарвар, чизмакаш, сомсапаз, юбкабоп, костюмбоп, группабоз, буйруқбоз, махсидаўз, телбанамо, ипакфуруш* каби. Булардан ташқари, тожик тилидан ўзлашган *хона, нома* сўзлари ўзбек тилида аффиксоид вазифасида қўлланиб, *йилнома, ойнома, ишхона, босмахона* каби сўзларнинг ясалишида иштирок этган.

Тожик тилидан ўзлаштирилган сўзларга ўзбек тилининг сўз ясовчи қўшимчаларини қўшиб лексема ясаш ҳоллари ҳам анчагина бор (бу ҳақда “Ўз қатлам” баҳсига қаранг).

Тожик тилидан сўз ўзлаштирилиши ўзбек тилининг лугат тизимида янги синонимик қаторларни ҳам юзага келтирган: *қиров*(ўзб.) – *шабнам*(тож.), *япроқ*(ўзб.) – *барг*(тож.), *олтин*(умумтуркий) – *тилла*(тож.), *булоқ*(ўзб.) – *чашма*(тож.) каби.

Бундай ҳолни антонимлар тизимида ҳам кўрамиз: *дўзах*(ф-т.) – *жаннат*(ар.), *йирик*(узб.)–*майда*(ф-т.) каби.

3. Русча-байналмилал сўзлар – ўзбек тилига рус тилидан ва у-орқали Европа тилларидан ўзлаштирилган лексемалар: *газета, журнал, автобус, троллейбус, театр, роман, сюжет, геометрия, физика, математика, трактор, комбайн, ракета, автомат, армия* ва б.лар.

Рус тилидан сўз ўзлаштирилишига купроқ қуйидаги омиллар сабаб бўлган: а) Чор Россиясининг империалистик сиёсати; б) Совет империясида рус тилининг миллатлараро тил мавқеига эга бўлиши, бу мавқенинг йилдан-йилга мустаҳкамланиб бориши; в) ўзбек-рус икки тиллигининг таркиб топиши; г) матбуот, радио, телевиденида рус тилига кенг ўрин берилиши; д) мактаб-маориф тизимида, олий ўқув юртларида рус тилининг махсус ўқитилиши; е) илм-фан терминологиясининг шақлантирилишида русча-байналмилал атамаларга купроқ таяниш; ж) маъмурий-идоравий иш қозғаларининг асосан рус тилида ёзилиши ва б.лар.

Рус тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг аксарияти от ва сон туркумларига мансубдир: *институт, университет, драма, завод, фабрика* (отлар), *миллион, миллиард, триллион* (сонлар), *грамм, килограмм, литр, миллиметр, сантиметр, километр, секунда, тонна* каби. Бу қатламда калька усулида ўзлаштирилган сифатлар ҳам бор: *симметричный* > *симметрик*, *психологический* > *психологик*, *биологический* > *биологик* каби.

Семантик жиҳатдан русча-байналмилал сўзлар орасида ишлаб чиқаришга (*завод, фабрика, цех, станок*), илм-фанга (*сема, семема, номема* – тилшунослиқда; *теорема, аксиома, ромба, квадрат* – математикада; *спора, гамета, флора-ботаникада; фауна, рептилия* – зоологияда ва б.лар); транспортга (*машина, автомобиль, автобус, поезд, троллейбус, трамвай*), санъатга (*театр, спектакль, режиссер, опера, драма*), радио ва телевидениега (*радио, телевизор, лампа, деталь, видеоманитофон*), ҳарбий тизимга (*артиллерия, автомат, танк, ракета, взвод, рота, батальон*) оид сўзлар купчиликни ташкил қилади.

Фонетик жиҳатдан қаралганда русча-байналмилал сўзларда қуйидаги белги-хусусиятлар кўзга ташланади:

а) сўз ургуси эркиндир: у сўзнинг турли (биринчи, иккинчи ва охирги) бўгинларида бўлиши мумкин: *абажур, авантюра, профессор, стандарт, драма* каби;

б) ургули бўгиндаги унли ўзбек тили сўзларининг ургули бўгинидаги унлидан чўзиқроқ талаффуз этилади: *олтун*(узб., умумтуркий) – *карантин* (р-б.), *овсин* (ўзб.) – *апелсин* (р-б.), *орзў* (ф-т.) – *медўза* (р.-б.) каби;

в) бир бўгинли сўзларда унли русча сўзларда чўзиқроқ, ўзбекча ва тожикча сўзларда эса қисқароқ талаффуз қилинади: *биз*

(ўзб.)-*бис*>*би:с* ("бис"га чақирмоқ), *теп* (феъл шакли) - *темп*(«суръат»), *пул* (ф-т<юн.) - *пульс* (р-б.);

г)русча о ўзбекча ў унлисидан кенгроқ ва орқароқда талаффуз қилинади: *тун* (ўзб.)-*тон* (р-б.), *турт* (ўзб.<умумтуркий)-*торт*(р-б.) каби;

д)русча ўзлашмаларнинг биринчи ургули бугиндаги унли ўзбек сўзларининг биринчи бугинидаги унлидан анча чўзиқ ва кучли талаффуз қилинади (чунки ўзбек тили сўзларининг биринчи бугини купинча ургусиз бўлади). Қиёс қилинг: *имло* (ўзб.<ар.)-*импульс*(р-б.), *индўн*(ўзб.)-*индекс*(р-б.), *этиқ*(ўзб.)-*этик*(«этикага оид»), *эллиқ*(ўзб.)-*эллис*(р.б.) каби.

Юқоридаги каби тафовутли белги-хусусиятлар сўз таркибидаги ундошларда ҳам учрайди. Хусусан: а) русча ўзлашмалар таркибида ундошларнинг қаттиқлик ва юмшоқлик зиддияти ўзбек тилида ҳам сақланади: *укол* ва *пароль*, *феодал* ва *медаль*, *парад* ва *наряд* каби; б) русча сўзлардаги лаб-тиш "в" сўз охирида жарангсиз "ф" тарзида талаффуз қилинади, ўзбек тили сўзларида эса лаб-лаб "в" жарангсизланмайди. Қиёс қилинг: *нав*(ўзб.<ф-т)-*унав*>*устаф*(р-б.), *биров*(ўзб.)-*актив*>*актиф* (р-б.) ва б.лар; в) сўз ва бугин бошида бир неча ундошнинг қаторлашиб келиши кенг тарқалган (умумтуркий сўзларда бу ҳол учрамайди): *шкаф*, *трамвай*, *троллейбус* каби.

Морфологик белгилари: русча-байналмилал лексемаларда префикс + ўзак (*а + морф*, *де + дукция*), ўзак + суффикс (*бронх + ит*, *журнал + ист*), префикс + ўзак + суффикс (*а + симметр + ия*) таркибли сўзлар учрайди.

Русча-байналмилал сўзлар таркибидаги аффикслар ўзбек тилида сўз ясамайди (*микрoүгит*, *микрoиқлим*, *ультратовуш* каби калькалар бундан мустасно).

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, собиқ иттифoқ тузумига хос бир қатор русча-байналмилал сўзлар (*райком*, *партком*, *горком*, *колхоз* кабилар) эскириб, ўзбек тили лексикасининг эскирган сўзлари (историзмлар) қаторига утиб қолди, айни пайтда янги ижтимоий-сиёсий тузум тақозоси билан ҳамда иқтисоддаги ва таълимдаги ислохотлар туфайли ўзбек тили лексикасида янги русча-байналмилал ўзлашмалар пайдо бўлди: *инвестиция*, *маркетинг*, *минимаркет*, *супермаркет*, *тест*, *рейтинг*, *лицей*, *коллеж* ва бошқалар шулар жумласидандир.

Текшириш саволлари ва тошпириқлар

1.Ўзбек тили лексикасининг тарихий тараққиёти жараёнида сўз ва лексемаларнинг қандай қатламлари юзага келган?

2.Ўз қатлам қандай сўзлардан таркиб топган?

3.Қандай сўзлар умумтуркий лексемалар саналади? Бунинг сабаби?

4.Умумтуркий лексемаларнинг фонетик, семантик ва грамматик белги-хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.

5.Қандай сўзлар соф ўзбек тили лугавий бирликлари ҳисобланади?

6.Соф ўзбек сўзлари қандай юзага келган? Нима учун улар ўз қатлам бирликлари саналади?

7.Соф ўзбек сўзларининг фонетик ва морфемик таркиби ҳақида маълумот беринг.

8.Ўзлашган қатлам қандай сўзлардан таркиб топган?

9.Араб тилидан сўз ўзлаштиришнинг ижтимоий-тарихий сабаблари ҳақида маълумот беринг.

10.Арабча ўзлашмаларнинг фонетик, семантик ва морфемик белги-хусусиятларини тушунтиринг.

11.Араб тилидан ўзбек тилига лексемалардан ташқари яна қандай сўзлар ва морфемалар ўзлаштирилган?

12.Арабча ўзлашмаларнинг сўз туркумлари бўйича тақсимоти қандай?

13.Ўзбек тили лексикасининг бойишида араб тилидан ўзлаштирилган сўз ва морфемаларнинг қандай иштироки бор?

14.Форс-тожик тилларидан сўз ўзлаштиришнинг ижтимоий-тарихий сабаблари ҳақида маълумот беринг.

15.Форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзларнинг сўз туркумларига муносабати?

16.Форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзларнинг фонетик ва морфемик таркиби ҳақида маълумот беринг.

17.Форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган сўз ясовчи префикс ва суффиксларнинг ўзбек тилидаги сўз ясалишида тутган ўрни ҳақида гапиринг.

18.Ўзбек тили лугат бойлигидаги синонимия ҳодисасининг ривожланишида форс-тожик тилларидан сўз ўзлаштиришнинг қандай роли бор?

19.Рус тилидан сўз ўзлаштиришнинг ижтимоий-тарихий сабаблари ҳақида гапиринг.

20.Русча-байналмилал сўзларнинг сўз туркумларига муносабатини тушунтиринг.

21.Русча-байналмилал сўзларнинг семантик хусусиятлари ҳамда фонетик ва морфемик таркиби ҳақида маълумот беринг.

22.Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган лексикада қандай ўзгаришлар юз берди? Бунинг сабаблари?

Ўз қатлам - ўзбек тили лексикасининг умумтуркий ва соф ўзбекча сўзлардан иборат қисми.

Ўзлашган қатлам - бошқа тиллардан олинган лексик ўзлашмалар қатлами.

Умумтуркий сўзлар - ўзбек тили лугат бойлигидаги энг қадимги лугавий бирликлар.

Соф ўзбекча сўзлар - ўзбек тилининг ўзида ясалган (нисбатан янги) лексемалар.

Арабча ўзлашмалар - араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар.

Форс-тожик сўзлари - форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзлар.

Русча-байналмилал ўзлашмалар - рус тилидан ва у орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўз ва терминлар.

Сўз ўзлаштириш

Адабиётлар: 4[51-55], 12[175-180], 14[96-104].

54-§. Сўз ўзлаштириш бошқа тил сўзларининг ўзбек тилига олинишидир. Бу жараён, юқорида кўрилганидек, ўзбек тили лексикасининг ўзлашган қатламини юзага келтирган.

Сўз ўзлаштириш тил тараққиётининг қонуний кўринишидир: халқлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий алоқалар бир тилдан иккинчи тилга сўз ва атамаларнинг ўтиб туришини тақозо қилади. Ўзбек тилига араб, тожик-форс ва рус тилларидан сўз ўзлаштирилиши ҳам ана шундай ижтимоий-тарихий омиллар туфайли содир бўлган. (Бу ҳақда “Ўзлашган қатлам” мавзуга қаралсин).

55-§. Сўз ўзлаштиришнинг икки йўли бор:

1. **Жонли сўзлашув орқали сўз ўзлаштирилади.** Бунда бошқа тил сўзлари ўзбек тилига маҳаллий аҳолининг оғзаки нутқи орқали ўтади. Масалан, русча *рамы, клубника, поднос* сўзлари ўзбек тилининг жонли сўзлашувида *ром, қулубнай* ва *патнис* деб талаффуз қилинган, кейинчалик ўзбек адабий тилига ҳам шу шаклда ўзлашган.

2. **Босма манбалар орқали сўз ўзлаштирилади.** Бунда бошқа тилдаги матнни ўзбек тилига таржима қилиш ёки ўзбек тилида ёзилган мақолаларда, илмий ва бадий асарларда бошқа тил сўзларини (айниқса, термин ва атамаларни) ишлатиш орқали бўладиган ўзлаштириш назарда тутилади. Математикадаги *катет, гипотенуза*, адабиётшуносликдаги

кульминация, сюжет каби терминлар, очерк, роман, повесть каби сўзлар шу йўл билан ўзлаштирилгандир.

56-§. Сўз ўзлаштириш усуллари ҳам икки хил бўлади.

1. У з и ч а о л и ш. Бунда бошқа тилдан ўзлаштирилаётган сўз ҳеч қандай ўзгаришсиз ёки айрим (жузъий) фонетик ўзгаришлар билан олинади. Мас., *гуза*(ф-т.), *гул*(ф-т.), *поля*(ф-т.), *каптар*(<ф-т. *кабутар*); *бало*(ар.), *биякс*(ар.), *давлат*(ар.), *муаллим*(<ар. *муъаллим*); *директор* (р-б.), *ректор*(р-б.), *институт*(р-б.), *метро*(р-б.), *чўт*(<рус. *счесть*), *чўтка*(<рус. *щетка*) каби.

2. К а л ь к а л а б о л и ш. Бунда бошқа тилдаги (мас., рус тилидаги) сўзнинг морфемик таркибидан қисма-қисм нусха олиш орқали ўзбекча сўз ясалади ва шу сўз билан бошқа тил (мас., рус тили) лексемасининг маъноси ифодаланади. Қиёс қилинг: *яримўтказгич*(<рус. *полупроводник*, *илмий-оммабоп*(<рус. *научно-популярный*) каби. Калькалашнинг бу тури тўлиқ калька саналади, чунки унда бошқа тил сўзининг ифода материали ўзбек тили материали билан тўлиқ алмаштирилгандир. Баъзан бошқа тил сўзининг бир қисми ўзгаришсиз олинади, қолган қисми эса ўзбек тили материали билан алмаштирилади. Қиёс қилинг: *микроўит*(<рус. *микроудобрение*, *ультратовуш* (<рус. *ультразвук*, *рекордди*(<рус. *рекордный*, *мешчанлик*(<рус. *мещанство*) каби. Калькалашнинг бу тури ярим калька ҳисобланади.

Тулиқ ва ярим калькалар сўз ўзлаштиришнинг *грамматик усули* деб ҳам қаралади, чунки бунда бошқа тил сўзларининг маъноли қисмларидан нусха кўчирилиши орқали сўз ясалади. Аммо тилда баъзан янги сўз ясалмай, азадан мавжуд бўлган бирорта лексемага бошқа тил лексемасининг бирорта маъносини юклаш орқали ҳам маъно ўзлаштирилиши таъминланади. Ўзлаштиришнинг бу тури *семантик калька* саналади. Масалан, тил сўзи "сўзлашув қуроли" номи сифатида русча *язык* сўзига эквивалентдир. Айни шу ҳолат рус тилидаги *язык* сўзининг "пленик" маъносини ўзбек тилидаги *тил* сўзи билан ифодалашга туртки бўлган: "Қўмондонлик Остонақулар келтирган "тил"дан ҳужум жангининг панини тузиш учун энг керакли маълумотларни олди". (А.Раҳм. Эллик бир баҳодир.)

Ўзбек тилидаги *узак* лексемасида "сўзнинг ўзаги" маъносининг пайдо бўлганлиги ҳам русча *корень* лексемасининг "корень слово" маъносига асослангандир.

57-§. Сўз ўзлаштиришнинг чет сўзларни қўллашдан фарқлари. Сўз ёки маъно ўзлаштирилишини чет сўзларни қўллашдан фарқ қилиш керак. Сўз ёки маъно ўзлаштирилиши муайян тил лексикасини бойитувчи қонуний ҳодисадир, чунки бир тил бошқа тилдан ўзи учун зарур бўлган лексик-семантик бирликларни ўзлаштиради. Чет сўзларни ишлатиш ҳодисаси эса гайри қонунийдир, чунки ўзбек тилининг ўзида бирор сўз мавжуд

булгани ҳолда, унинг урнида чет сўзни эҳтиёжсиз, мақсадсиз қўллаш тилни бойитмайди, аксинча, айрим шахсларнинг ўз нутқиға эътиборсиз қарашиниғина акс эттиради.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Сўз ўзлаштиришға олиб келадиган қандай омилларни биласиз?
2. Сўз ўзлаштиришнинг қандай йўллари ва усуллари бор?
3. Жонли сўзлашув орқали ва босма манбалар орқали сўз ўзлаштириш қандай фарқланади?
4. Лексемаларни ўзича олиш ва калькалаб олиш ҳақида маълумот беринг.
5. Кальканинг қандай турлари бор?
6. Тулиқ калька, ярим калька ва семантик калька ҳақида маълумот беринг.
7. Сўз ўзлаштириш ва чет сўзларни қўллаш ҳодисалари қандай баҳоланади?

Таянч тушунчалар

Сўз ўзлаштириш – бошқа тил сўзларининг ўзбек тилиға олиниши.

Ўзича олиш – бошқа тил лексемасининг ўзгаришсиз ёки жузъий ўзгариш билан ўзлаштирилиши.

Калькалаб олиш – бошқа тилдағи сўзнинг морфемик таркибидан қисмма-қисм нусха кўчириш орқали сўз ясалиши, бу сўзда бошқа тил лексемаси маъносининг ифодаланиши.

Семантик калька – тилда азаддан мавжуд булган сўзға бошқа тил лексемасининг маъносини юклаш.

Лексемаларнинг ишлатилиш доираси

Адабиётлар: 4[43-47], 12[143-151], 14[112-118]

58-§. Лексемаларнинг ишлатилиш доираси чегараланмаган ва чегараланган булиши мумкин. Бундай икки гуруҳға ажралиш асосан от, сифат, равиш ва феъл туркумларидағи лексемаларға хосдир. Сон ва олмош туркумларида, шунингдек, боғловчи, юклама, кўмакчи ва ундовларда ишлатилиш доираси чегараланган сўзлар йўқ.

1. Ишлатилиш доираси чегараланмаган лексемалар ўзбек тилида сўзлашувчиларнинг барчаси учун умумий булган, ҳаммаға тушунарли ва ҳаммининг нутқида бир хил даражада қўлланадиган

сўзлардир: *бош, қўл, кўз, дарахт, мева* (отлар); *оқ, қора, қизил, катта, кичик, яхши, ёмон* (сифатлар); *тез, оз, кўп, жўрттага, атайин* (сифат-равишлар); *юрмоқ, ишламоқ, ўқимоқ, ёзмоқ* (фёъллар) ва б.лар. Бундай лексемалар умумхалқ лугавий бирликлар деб ҳам юритилади.

II. Ишлатилиш доираси чегараланган лексемалар диалектта, касб-ҳунар лексикасига ва жаргон-арголларга хос сўзлардир. Жонли сўзлашувда ишлатиладиган вулгаризмлар ҳам қўлланиши чегараланган лугавий бирликлар саналади.

59-§. Диалектларга хос сўзлар қўлланиши территорияга кўра чегараланган лексемалардир. Бундай сўзлар лексик диалектизмлар саналади. Улар икки хил бўлади:

а) **диалектизм-сўз**. Бунда сўзнинг ифода плани, демак, номемаси шевага хос бўлади: *бузоғ* – Тошк.ш., *гўсала* – Бух.ш., *ўджак* – Хоразм.ш. (ад.-орф. *бузоқ*); *райҳон* – Тошк.ш., *нозвой* – Сам.ш. (ад.-орф. *райҳон*); *ёстиқ* – Тошк.ш., *така* – ўғиз диал., *болиш* – Бух.ш. (ад.-орф. *ёстиқ*); *дўппи* – Тошк.ш., *қалпоқ* – Сам.ш., *каллапўш* – Бух.ш. (ад.-орф. *дўппи*) каби;

б) **диалектизм-маъно**. Бунда лексеманинг ифода плани (номемаси) эмас, маъноси (семемаси) шевага хос бўлади, номема эса адабий тилда ҳам қўлланади. Масалан, *чопқи* (Тошк.ш.) – *чопқи* (Сам.ш.) – *чопқи* (ад. тилда). Демак, *чопқи* номемаси диалектизм-сўз саналмайди, аммо унинг шевалардаги маънолари бир хил эмас. Қиёс қилинг: *чопқи* (Тош.шевасида – «шоҳ-шабба қирқиш, гўшт, пиёз қиймалаш ва ш.к.ишларда қўлланадиган катта ва огир, пичоққа ўхшаш асбоб») – *чолқи* (Сам.шевасида – «тиги сопи ичига қайириб ёпиб қўйиладиган пичоқча, қаламтарош») – *чопқи* (ад. тилда – «шоҳ-шабба қирқиш, гўшт қиймалашда қўлланадиган катта ва огир, пичоққа ўхшаш асбоб»). Демак, *чопқи* лексемасининг семантик таркибида иккита семема (лексик маъно) бор: 1) Тошкент шеваси ва адабий тилдаги маъноси. Булар диалектизм эмас; 2) Самарқанд шевасидаги маъноси. Бу маъно фақат шевага хос бўлиб, адабий тилга утмаган, шунинг учун у диалектизм-маъно (диалектизм-семема) саналади. Бундай ҳолни *лаган* лексемасида ҳам кўраимиз. Бу лексема адабий тилда «қуюқ овқатлар солинадиган, тарелкадан катта ясси идиш» маъносини англатади. Демак, у шу шаклда ва шу маъносида диалектизм эмас, аммо *лаган* лексемасининг шеваларда «катта чуқур тўгарак идиш», «кир ювиладиган тогора» маънолари ҳам бор, *лаган* сўзининг айна шу маънолари диалектизм-семемалар саналади.

Тилнинг луғат бойлигида лексик диалектизмлардан ташқари, **фразеологик диалектизм** ҳам учрайди. (Бу ҳақда «Фразеология» бўлимига қаранг.) Лексик ва фразеологик диалектизмлар биргалиқда лугавий диалектизмлар ҳисобланади.

Диалектизм ҳодисаси тилнинг фонетик ва грамматик сатҳларида ҳам бор:

а) *фонетик диалектизмлар* диалектта хос нутқ товушлари ёхуд сўзнинг у ёки бу шевадаги фонетик таркиби. Масалан, ўзбек тилининг қипчоқ лаҳжаси шеваларида 9 та унли фонема бор: и-ы, ä-а, ў-у, ў(Ø)-ў(о) ва е(э). Бундай зидланишнинг ҳар бир аъзоси сўз маъносини фарқлаш учун хизмат қилади. Қиёс қилинг: *тиш* («одамнинг тиши»)-*тыш* («ташқари»), *ыс* («қурум»)-*ис* («ҳид»), *сыз* («чиз»)-*сиз* («сиз»)¹, *от* (ўт:«олов», «ўсимлик») – *θт* (ўт: «ўтишга буйруқ»), *ор* (ўр: «бедани ўр») – *θр* (ўр: «сочни ўр»), *тур* («туришга буйруқ») – *тўр* («хил», «жинс»)² каби. Бироқ ҳозирги ўзбек адабий тилининг фонологик тизимида унли фонемаларнинг бундай зидланиши («йўгонлик» ва «ингичкалик» белгилари билан фарқланиш) йўқ, демак, юқоридаги сўзларнинг ҳар биридаги унли фонема фақат шеванинг ўзигагина хос, шунга кўра улар *фонетик диалектизмлар* саналади.

Сиргалувчи *й* ва қоришиқ *ж* ундошлари шеваларда ҳам, адабий тилда ҳам бор. Демак, улар деалектизм эмас, аммо бу товушларнинг шевада ва адабий тилда қўлланиши фарқланадиган урнилар учрайди. Хусусан, сўзнинг бошида адабий тилдаги *й* ўрнида қипчоқ лаҳжасининг «ж»-ловчи шеваларида қоришиқ *ж* ишлатилади: *йўқ* (ад.-орф.)-*жўқ* (шевада), *йигит* (ад.орф.)-*жигит* (шевада), *йилон* («й»-ловчи шеваларда) – *жилан* («ж»-ловчи шеваларда) каби. Бу ҳодиса к ва г, т ва д ундошларининг қўлланишида ҳам юз беради: *кўз*(ад.-орф.)-*гўз*(гўз: Хоразм ш.), *кел*(ад.-орф.)-*гәл*(Хоразм ш.), *тил*(ад.-орф.)-*дил* (ўзб.тилининг ўгуз лаҳжасида) каби.³ Бу ҳодиса *лексик-фонетик деалектизм* деб баҳоланади (ЎЗ, 96-б);

б) *грамматик диалектизмлар* – бирор шеванинг ўзигагина хос (адабий тилдагидан ўзгача) грамматик шакллари. Мас., адабий тилдаги – «-миз»(шахс-сон аффикси) ўрнида Тошкент шевасида «-вуз» аффикси ишлатилади: *борамиз*(ад.-орф.)-*боровуз* (Тош.ш.) каби. Адабий тилдаги «-да» (ўрин-пайт келишиги қўшимчаси) ўрнида Самарқанд шевасида «-га» қўлланади: *Тошкентга ўқияман* (ад.тилда.) – *Тошкентга ўқопман* (Сам.ш.) каби. Ҳозирги замон давом феъли шакллари шеваларда «-вот» (Тошк.) – «-оп» (Сам.) – «-утти» (Нам.) аффикслари билан ифодаланади: *борвотти*, *боропти*, *борутти* каби. Келтирилган мисолларнинг шевалардаги турлари *грамматик деалектизмлар* саналади.

60-§. Лексик, фонетик ва грамматик диалектизмлардан баданий асар тилида услубий восита (услубий фигура) сифатида фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Ёзувчи Ж.Абдулахоновнинг «Тўфон» романидан келтирилган қуйидаги матн парчасига назар ташлайлик:

¹ Қаранг: Туйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари.-Т.: «Ўқитувчи», 1996. 7-6.

² Туйчибоев Б. Курсатилган асар, 23-24-6

³ Қаранг: Решетов В.В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси.-Т.: «Ўқитувчи», 1978, 42-6.

Шу вақт куча эшик тарақлаб очилди-ю, остонада ун ёшлардаги майкачан, қоп-қора бола пайдо бўлди. У ниҳоятда ҳансирар, куп югуриб толиққанидан нафасини ростлай олмасди:

-Акамумло, акамумло, сизни йўқлошопти, идорага йўқлошопти.
-Нима гап?

-Ҳожар аяни бачаси саҳрода боркан экан... Бўронда қолган экан... Қайтиб келмопти... Сўгин Хўжаназар аконинг духтори буронга қолиш ўлипти.

Ҳошим югурганича чиқиб кетди. Маҳмуда билан Моҳидил бир-бирига ҳайрон қараб қолишди.

Юқоридаги нутқий парча муаллиф тили ва персонажлар тилидан таркиб топган бўлиб, унда нутқнинг диалогик шакли қатнашган. Персонаж тилида ўзбек-тожик икки тиллилиги таъсирида бўлган ўзбек шевалари сўзларидан (акамумло, бача, духтор, сўгин каби лексик диалектизмлардан), шу шеваларга хос грамматик шакллардан (йўқлошопти, келмопти) ва лексик-фонетик диалектизмлардан (ака сўзининг ако шаклидан) унумли фойдаланилган, натижада образ нутқининг типик ва таъсирчан бўлишига эришилган.

Ёзувчи Эркин Самандаровнинг «Дарёсини йўқотган қирғоқ» романидан келтирилган қуйидаги диалогда эса диалектизмларнинг услубий восита сифатидаги роли, персонажлар нутқини типиклаштиришдаги аҳамияти янада ёрқинроқ кузга ташланади.

Ичкаридан Анвар чиқди. Нима бўлаётганини ангшара олмай серрайиб турди.

- Вой, анави олволини кўринг, - деди Қумрихон ўрнидан туриб.

- Олволинг нимаси?

- Олволи де, ҳув ана.

- Чияни айтасанми?

Қумрихон богистонча чия сўзига тушунмади.

- Олчами?

- Ҳа, олволи егум келутти.

- Ма, Қумри, деди Ганжа бир ҳовуч олчани узиб. («Шарқ юлдузи» ж-ли, 1989, №1, 39-б.)

Юқоридаги диалог эпизодида меванинг бир тури уч хил ном билан - олволи, чия ва олча лексемалари воситасида аталган, бу ҳол икки (Наманган ва Бўстон) шева вакиллари ўртасидаги нутқий мулоқотнинг жонли, ҳаётий чиқишига хизмат қилган.

61-§. Касб-ҳунар лексикаси ижтимоий меҳнатнинг у ёки бу турига, ишлаб чиқариш, илм-фан, адабиёт-санъат ва ҳоказо соҳаларга оид нарса-ҳодиса ҳамда тушунча номларидир: дегрез-«қозон, омон тиши ва бошқа чўян асбоблар қуювчи уста», кавшар-«металл буюм, деталь ва ш.к.ни бир-бирига улаш учун ишлатиладиган металл ёки қотишма», чангчи, уругчи, гулгож (ботаникага оид тушунча номлари) каби. Булар тилшуносликда

профессионализмлар ёки профессионал лексика деб ҳам аталади. Профессионал лексиканинг илм-фанга, техникага, адабиётга оид қисми *терминлар* деб номланади: *фонема, морфема, семема* (тилушunosлик терминлари), *тангенс, синус, теорема, катет* (математика терминлари) каби. («Терминлар» мавзуга ҳам қаранг.).

Касб-ҳунар лексикаси (профессионализмлар), асосан, муайян соҳага оид оғзаки ва ёзма матнларда фаол қўлланади, умумтил доирасида эса улар анча пассив бўлади. Бундай қатлам лексемаларининг ишлатилиш доирасидаги чегараланиш шу билан белгиланади.

62-§. Касб-ҳунар лексикасидан бадий асар тилида маълум услубий мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан:

Пайшанба – маош куни эди. Пешиндан кейин атрофи тахта девор билан омонат ўралган қурилиш ҳовлисига чанг-тўзон кўтариб «ЗИЛ» машинаси кириб келди. Чеккадаги кўчма вагонча олдида вошиллаб тўхтади. Кабина эшиги очилиб, қўлтигига қора сумка қистирган кассир қиз – Фая сакраб тушди. Вагонча зинасига пилдираб чиқиб, бақирди:

–Йигитлар, келигиз, зарплата олигиз!

Бетончи Сафар ака айиқдек лапанглаб вагонча томонга биринчи бўлиб юрди. Кетидан пайваңчимиз Икром ака. Унинг кетидан Эркин деган такеллажчи йигит. (Ў.Ҳ.)

Юқоридаги матн парчасида қурилишдаги бир эпизод ёритилганлиги туфайли, унда *бетончи, вагонча, пайваңчи, такеллажчи* каби қурилиш лексикасига оид сўзлар ишлатилган.

63-§. Арготизм ва жаргонизмлар – бирор арго ёки жаргонга хос лексемалар. Арго ва жаргонлар бирор ижтимоий гуруҳ ёки тоифаларнинг, масалан, спортчилар, ўғрилар, олибсотарлар, порахўрлар ва бошқаларнинг «ясама тили»дир. Шунинг учун арго ва жаргонлар *ижтимоий диалектлар* деб ҳам юритилади.

Арготизмлар яширин маъно ифодалайди. Масалан, отарчилар орасида – *якан* («пул»), ичувчилар орасида – *новча* («арақ»), *қизил* («вино») каби.

Жаргонизмларда яширин маъно билан бирга тингловчини ёки ўзга бир шахсни камситиш ёхуд унинг хислатларини бурттириб баҳолаш оттенкалари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, талабалар жаргониди: *дум* – «топширилмаган имтиҳон», «қарз»; жонли сўзлашувда: *йўрга* – «енгил табиатли», «бузуқ» ва б.лар.

Арготизм ва жаргонизмлар, асосан, жонли сўзлашувда, тор доирада ишлатилади. Улардан бадий асарда образ ва персонажларни типиклаштириш мақсадида фойдаланиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан: *Бу қора ер юткурнинг йўрга чиқаришини етти ухлаб тушида ким кўрибди.* (Ҳамза. Паранжи сирлари.) *Гашни*

айлангирманг. Ёглиқ жой. Якан катта булади! («Муштум», 1960, №2).

Бир мактабда гап миш-миш,
Тургуннинг думи бормиш.
Хуш, бу ажаб, қандай дум,
Ҳеч кимда йўқ-ку бу дум?

Билсам воқеа ўзга,
Илинмас қўлга, кўзга!
«Икки»деган оти бор,
на ўзи, на зоти бор...

(Қ.М.)

64-§. Вульгаризмлар - ҳақорат маъносида қўлланадиган сўзлар: *хунаса, даюс, сўтак, тўнка* кабилар. Бундай лексемалар ёки уларнинг вульгар маънолари адабий тил бирлиги саналмайди, уларни қўллаш нутқ маданиятига хилоф деб қаралади, аммо бадиий асар тилида бундай сўзлардан услубий восита сифатида фойдаланилади. Масалан: *У қизигар машинасини Қорақамишга қараб учирди.* (Т.М.). *Ёлгон гапирасан, хунаса, уйда бўлмагансан. Айвони йўқ унинг* (Т.М.). *Даюс, даюс Вали тоға, Мирвали тоға даюс...*(С.Аҳм.). *Ҳосилбойваччага айтиб қуй: сеникини арткунча, ўзиникини элласин. Келиб-келиб ушандан паноҳ изладингми, э сўтак!* (Т.М.). *Анави тўнкани нима қиламиз? - деди Асадбек, жаҳлдан тушиб...*(Т.М.).

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Ишлатилиш доирасига кўра лексемалар қандай гуруҳланади?
2. Қандай сўзларнинг ишлатилиш доираси чегараланмайди?
3. Қайси сўз туркумларида ишлатилиш доираси чегараланган лексемалар бор? Уларнинг турлари?
4. Диалектизмлар нима? Унинг қандай турлари бор?
5. Диалектизм-сўз ва диалектизм-маъно қандай фарқланади?
6. Фонетик диалектизм ва лексик-фонетик диалектизмнинг фарқларини тушунтиринг.
7. Грамматик диалектизм ҳақида маълумот беринг.
8. Диалектизмлардан услубий восита сифатида фойдаланиладими?
9. Касб-ҳунар лексикаси қандай сўзларни ўз ичига олади?
10. Терминлар қўлланиши чегараланган лексиканинг қайси турига киради?
11. Арготизм ва жаргонизмлар нима? Вульгаризмлар-чи?
12. Диалектизм, профессионализм, арготизм, жаргонизм ва вульгаризмлардан нутқнинг қайси турларида услубий воситалар сифатида фойдаланилади?

Таянч тушунчалар

Умумхалқ лугавий бирликлар – ишлатилиш доираси чегараланмаган сўз ва иборалар.

Диалектизмлар – қўлланиши территорияга кўра чегараланган тил бирликлари.

Диалектизм-сўз – шевага хос сўз.

Диалектизм-маъно – сўзнинг шевадаги маъноси.

Фонетик диалектизмлар – диалект ёки шевага хос фонетик бирликлар тизими.

Лексик-фонетик диалектизм – адабий тилда бор булган сўзнинг бирор шевадаги фонетик таркиби.

Грамматик диалектизмлар – бирор шеванинг узигагина хос (адабий тилдагидан ўзгача) грамматик шакллари.

Касб-ҳунар лексикаси – ижтимоий меҳнатнинг, илм-фан ёки санъатнинг, ишлаб чиқаришнинг у ёки бу турига мансуб махсус тушунчаларнинг номлари.

Профессионализмлар – касб-ҳунар лексикасининг узи.

Терминлар – профессионал лексиканинг илм-фанга, техникага, адабиёт ёки санъатга оид бир тури.

Арготизмлар – яширин маъноли сўзлар.

Жаргонизмлар – яширин маъно билан бирга тингловчини ёки ўзга бир шахсни камситиш ёхуд унинг хислатини бўрттириб баҳолаш хусусиятига эга сўзлар.

Вульгаризмлар – ҳақорат маъносида қўлланадиган сўзлар.

Ўзбек тили лексикасида эскириш ва янгилиниш жараёнлари

Адабиётлар: 4[55-60], 12[151-164], 14[106-114].

Тил тизим сифатида узлуксиз ҳаракатда, ривожланишда бўлиб туради, бу унинг ижтимоий моҳиятидан келиб чиқади: тил ва жамият, тил ва онг, тил ва тафаккур ўртасидаги икки томонлама алоқадорлик уларнинг бир-бирига таъсирини белгилайди – жамиятда бўлиб турадиган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, илмий-техникавий тараққиёт, иқтисодий ва маърифий соҳалардаги ислохотлар тилнинг лугат бойлигида янги-янги сўз ва атамаларнинг юзага келишини, айни пайтда маълум сўз-лексемаларнинг эскириб, тарихий категорияга айланишини тақозо қилади. Бу жараён тилнинг лугат бойлигида историзм, архаизм ва неологизм каби лексик бирликларни юзага келтиради.

65-§. **Лексик историзмлар** ўтмиш воқелиги бўлган нарсаларнинг номларидир. Масалан: *ботмон* - «Ўзбекистоннинг турли ерларида турли салмоққа эга бўлган (икки пуддан ўн бир пудгача) оғирлик ўлчови»; *чақирим* - «1,06 километрга тенг узунлик ўлчови»; *чўри* - «қул хотин», «тутқунликдаги аёл»; *мингбоши* - «даҳа ёки қишлоқ оқсоқоли, ҳокими»; *омоч* - «уловга қўшиб ер ҳайдайдиган металл тишли примитив ёғоч асбоб» ва б.лар.

Историзмлар, одатда, узоқ тарихий жараёнлар давомида юз берадиган эскиришнинг маҳсули бўлади, аммо улар, баъзан, қисқа вақтда пайдо бўлишлари ҳам мумкин: яқин ўтмишда (1991 йилгача) ўзбек тилининг фаол сўзлари бўлган айрим лексемаларнинг (*партком*, *райком*, *горком*, *обком*, *колхоз*, *совхоз* кабиларнинг) ҳозирги кунда эскириб, историзмлар қаторига қўшилгани бунинг далилидир.

Историзмнинг муҳим белгиларидан бири шуки, унинг ифода плани (номемаси) ва мазмун плани (семемаси) бирга эскиради, бинобарин, лексема яхлит ҳолда ҳозирги тил бирлиги бўлмай қолади.

66-§. **Лексик архаизмлар** - ҳозирги пайтда мавжуд бўлган воқеликнинг эскирган номи ёки, аксинча, ҳозирги тилда мавжуд бўлган лексеманинг эскирган маъноси (семемаси). Демак, эскириш жараёни лексемага яхлит ҳолда ёки унинг бир қисмига (маъноларидан бирига) алоқадор бўлади, шунга кўра лексик архаизм икки турга бўлинади.

1. **Архаизм-лексема** - ҳозирги пайтда мавжуд бўлган воқеликнинг эскирган номи: *лаб* (одам организмдаги аъзолардан бирининг ҳозирги номи) - *дудоқ* (шу аъзонинг эскирган номи, архаизм-лексема: «*Ўулчининг кучли, эркак нафасини, дудоқларида унинг бусасининг жонли оловини бир лаҳза сезди*». О.); *қассоб* («мол сўювчи»-ҳозирги маъно) - *саллох* («мол сўювчи»маъносидаги эскирган сўз, архаизм-лексема: «*Тикка олдида бориб, девкор саллохлардай шохидан ушлаб «бисмиллоҳу оллоҳу акбар», деб...бўзига пичоқ тортиб юбордим, - деди Шум бола*».Ғ.Ғ.); *эличона* («бир давлатнинг бошқа давлатдаги дипломатик ваколатхонаси») - *сафорат* («...дипломатик ваколатхона»нинг эскирган номи, архаизм-лексема); *қушин* («аскар», «армия») - *черик* («аскар», «армия» тушунчаларининг эскирган номи, архаизм-лексема: «*Андоқ қалин черикка не иш қила олмай эди. Сўнгича қовғунчи борди, ўзини дарёга солди, гарқ бўлди*». «Бобурнома»дан); *пароль* («махфий шартли сўз») - *урон* («пароль», «махфий шартли сўз» маъносидаги архаизм-лексема: «Ул юрушта маъҳуд ўрон алфази «Тошканд» била «Сайрам» эди. Тошканд деса, Сайрам дейилгай, Сайрам деса Тошканд». - «Бобурнома»дан) каби.

2. **Архаизм-семема** - ҳозирги тилда мавжуд бўлган лексеманинг эскирган маъноси. Масалан: *ғам* сўзи ҳозирги ўзбек тилида «қайғу», «хасрат», «алам», «ташвиш», «кулфат» маъноларида

қулланади, утмишда (эски ўзбек тилида) эса бу сўз «ишқ», «муҳаббат», «севги» маъноларини ҳам ифодалаган: *«Бир юзи гулгун гамидин юз тугон кунгумдадур, Хор-хоримнинг иложи бодан гулгун денгиз»*. — «Хазойинул-маоний»дан. Ҳозир *ғам* сўзининг «ишқ», «муҳаббат» маънолари эскирган бўлиб, архаизм-семема саналади. Бундай ҳоли *ҳарф* сўзи маъноларида ҳам кўрамиз. Бу сўз ҳозирги ўзбек тилида «алифбодаги график белги» маъносини англатади, эски ўзбек тилида эса *ҳарф* сўзининг «сўз», «нутқ» маънолари ҳам бўлган: *«Ҳар ҳарфи онинг танимда жон будди яна, Ҳар лафзи ҳаёти жовидон будди яна»* — «Хазойинул-маоний»дан. «...Ул масал борким, *«Он гузарро бурд»*. Анинг давлатининг ва навкарининг интиқомида бу ҳарфни анинг тилига тенгри солди». — «Бобурнома»дан. *Ҳарф* сўзининг ана шу икки гапдаги маъноси ҳозирги ўзбек тилига нисбатан архаизм-семема ҳисобланади.

Баъзан сўзнинг ўзи ёки унинг маъноларидан бири эмас, балки талаффузи эскиради, натижада шу сўзнинг эскирган талаффуз варианты, демак, лексик-фонетик (ёки фонетик-лексик) архаизм юзага келади. Қиёс қилинг: *қубиз* (ғижжакка ўхшаш чолғу асбоби) — *қубуз* (шу асбоб номининг эскирган талаффуз варианты, лексик-фонетик архаизм: *«яна бири Сайид Юсуф утлоқчи эди... Мардоналиги ҳам бор эди. Қубузни яхши чолур эди»*. — «Бобурнома»дан; *бутун* (пайт равиши) — *букун* (шу сўзнинг эскирган талаффуз варианты, лексик-фонетик архаизм: *Букун сендин хабар топа олмадуқ*. — «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер»дан; *илон* («судралувчи жониворнинг бир тури») — *йилон* (шу жонивор номининг эскирган талаффуз варианты, лексик-фонетик архаизм: *«Мулоим такалум ваҳшийларни улфат сари бошқарур, фусунгар афсун била йилонни тўшқудин чиқарур»* — «Маҳбубул-қулуб»дан.

Талаффуздаги архаиклашиш лексемалардагина эмас, балки лексик маънога эга бўлмаган сўзларда (олмошларда, кўмакчиларда) ҳам учрайди. Масалан: *у*, *бу*, *шу*, *уша* (кишилик ва кўрсатиш олмошларининг ҳозирги фонетик-орфоэпик шакллари) — *ул*, *бул*, *шул*, *ушал*, *ўшул* (шу олмошларнинг эскирган талаффуз вариантлари). М и с о л л а р: *Аҳли ирфон солики атвори ул*, *Маърифат бозорининг Атори ул* («Лисонут-тайр»дан); *Бул Рустамдурким, амирул-муъминин Умар ... Мадойинга Саъд Ваққосни араб черикин бошлатиб йибарганда...* («Тарихи мулки аҷам»дан); *Жаноби ушал Ҳодихўжа эшон, Олур узларин агниён замон.* (Муқ.); *Фатҳ толибга етишмас, агар эрмас мухлис, Ким ушул фотиҳанинг лозимасидур ихлос* («Хазойинул-маоний»дан). Бундай архаиклашиш билан кўмакчисида ҳам кузатилади: *Хоҳ танобингни дучақдон қилай, Хоҳ карам бирла бошингни силай.* (Муқ.). Бу гапдаги бирла ҳозирги билан сўзнинг архаиклашган талаффуз вариантдир.

67-§. Архаиклашиш ҳодисасининг грамматик бирликларда учраши. Архаиклашиш ҳодисаси тилнинг грамматик бирликларида,

хусусан, аффиксал морфемаларда ва шу морфемалар иштирокида шакланган грамматик формаларда ҳам учрайди. Масалан: феъlining сифатдош шакллари қадимги туркий тилда «-миш» ва «-мыш» (*Тэрида болмыш турк билгэ қаган*. – «Тангридан булган турк билга хоқон»), «-дуқ» ва «-дўк», «-туқ» ва «-тўк» (*бардуқ йэрдэ* – «борган ерда», *болтуқда* – «булганда») морфемалари воситасида ясалган, ҳозир эса бу функцияда, асосан, «-ган» аффикси қўланади: (*булган, борган каби*), «-дуқ» ва «-дўк», «-туқ» ва «-тўк» морфемалари эса грамматик (аффиксал) архаизмга айланган. Баъзи морфемалар ҳозирги тилда бор булса-да, уларнинг талаффузи эскирган бўлади: «*Яна бир Маҳмуд барлос эди. Навандоқлиқ барлослардиндур. Султон Абусаий Мирзо қошида ҳам бек эди. Султон Абусаид Мирзога Ироқ вилояти мусаххар булгонда Кирмонни Маҳмуд барлосга бериб эди...*» («Бобурнома»дан). Бу гапта қўлланган «-дин», «-дур», «-га», «-гон» морфемалари ҳозирги «-дан», «-дир», «-га», «-ган» морфемаларининг эскирган талаффуз вариантларидир, бундай вариантлар тишуносликда фонетик-грамматик архаизмлар деб ҳам юритилади.

68-§. Лексик архаизмларнинг лексик историзмлардан фарқлари.

1. Лексик архаизм ҳозирги пайтда мавжуд булган нарса-ҳодисанинг эскирган номидир. Историзм эса утмиш воқелигининг номи.

2. Воқеликнинг ҳозир мавжудлиги унинг эски номи (лексик архаизми) ўрнида янги номи бўлишини тақозо қилади: *юз* (ҳозирги ном) – *ёноқ* (архаизм), *лаб* (ҳозирги ном) – *дудоқ* (архаизм), *душман* (ҳозирги сўз) – *ёғий* (архаизм), *қушин* (ҳозирги сўз) – *черик* (архаизм) каби. Бу ҳол тилнинг лугат бойлигида синонимик қаторларни шакллантиради.

Историзмлар томонидан номланган утмиш воқелиги ҳозир йўқ, бинобарин, уларнинг (историзмларнинг) ҳозирги тилда синонимлари ҳам бўлмайди.

3. Лексик архаизмларнинг юзага келишида синоним сўзлар орасидаги услубий муносабатлар муҳим роль ўйнайди: бирининг фаоллашуви иккинчисининг пассивлашувига, архаиклашувига олиб келади. Историзмларда эса бундай муносабат бўлмайди: воқеликнинг йўқолиши шу воқелик номи булган сўзнинг (лексеманинг) лугатдан бутунлай тушиб қолишига сабаб бўлади.

69-§. Лексик неологизмлар тилда янги пайдо булган ва янгилик бўёгини йўқотмаган сўзлар: *интернет, маркетинг, лицензия* ва б.

Ҳар қандай неологизм дастлаб айрим шахс нутқида воқе бўлади, бундай пайтда у индивидуал нутқ неологизми саналади. Масалан; «*Бек аканг кўринмай қолди-ку? деди қесакполвон лабига*

¹ Бу ҳақда қаранг: Туйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. Т.: «Ўқитувчи», 1996, 126-б

сигарет қистириб. Хумкалла чунтагидан чаққонлик билан ёққич олиб унга олов тутди...» (Т.М.) Бу гапда ёққич сўзи русча *зажигалка* сўзининг калькаси тарзида қўлланган, уни асар муаллифи (Тоҳир Малик) ўзи ясаган ва уни индивидуал нутқ неологизми сифатида биринчи бўлиб ишлатган. Демак, бу сўз ҳозирча умумтил неологизми даражасига кўтарилмаган, чунки у нутқ ихтиёридан тил ихтиёрига ўтмаган. Баъзан анча илгари яратилган индивидуал нутқ неологизмлари ҳам умумнутқ неологизмига айланмай қолиб кетади. Буни атоқли ёзувчи Абдулҳамид Чулпон томонидан ўз вақтида ясалган *озитқи* сўзи мисолида яққол кўрсатилди: «...*Ҳар бир она сути оғзидан кетмаган тентак гимназистни бир «озитқи» деб биларди*».¹ Абдулҳамид Чулпон бу гапдаги *озитқи* сўзини *ачитқи, қичитқи* типигадаги ясалмалар моделига (қолипига) суяниб ясаган ва уни «йўлдан оздирувчи» (русча «соблазнитель») маъносига қўллаган. Бу нутқий парчада *озитқи* сўзининг янги лисоний-бадий топилдиқ сифатида алоҳида эстетик қиммат касб этганлиги шубҳасиз, аммо у шу матндан ташқарига, умумтил доирасига чиққан эмас, демак, умумтил неологизми ҳолатига ўтмаган. Бундай ҳолат Ойбекнинг «Нур қидириб» повестидан келтирилган қуйидаги гапда ҳам кузатилади: «... чорраҳада, баландликда қизил саллали, қисқа иштонли қоп-қора регуляровшчик-йўлбон қўларини оҳангдор ўйнатиб, куча ҳаракатини бошқаради». (22-бет) (индивидуал неологизм - *йўлбон*).

Умумтил неологизми тил ҳодисаси, индивидуал неологизм эса услубий ҳодиса саналади. Лексикологияда, асосан, умумтил неологизми урганилади.

Умумтил неологизми ҳам нисбий ҳодисадир: тил тараққиётининг маълум бир босқичида неологизм булган сўз кейинроқ неологизмлик «бўёғи»ни йўқотиб, замонавий лексик қатлам бирлигига айланиши мумкин. Масалан, *телефон, телевизор, троллейбус, радио* сузлари дастлабки пайтларда неологизм булган, ҳозир эса уларнинг бирортасида янгилик бўёғи сақланмаган, демак, бу сузлар алақачон неологизмлик ҳолатидан чиқиб, қўлланиши одат тусига кирган лексемаларга айланган. Бундай ҳолат баъзан қисқа давр ичида ҳам юз бериши мумкин: кейинги 5-10 йил ичида ўзбек тили лексикасида пайдо бўлган *тест, лицей, балл, грант, контракт* каби янги сузларда, шунингдек, *ҳоким, тадбиркор, ишбилармон* сузларининг янги маъноларида «янгилик бўёғини йўқотиш», «одат тусидаги сузга ёки маънога айланиш» суръати шу даража тезлашганки, натижада уларни купчилик қийнамай англайдиган ва қўллайдиган бўлиб қолган. Демак, бу сузлар неологизмлик ҳолатидан замонавий қатлам бирлиги ҳолатига ўтиб булган ёки ўтиш жараёнини бошидан кечирмоқда.

¹ Бу ҳақда қаранг: Йўлдошев Маъруф Муҳаммаджонвич. Чулпоннинг баъдий тил маҳорати («Кеча ва кундуз» романи мисолида). НАА. Тошкент, 2006, 12 - 13-б.

70-§. Лексик неологизм турлари. Сузнинг неологизмлик белгиси лексемага яхлит ҳолда ёки унинг бир қисмига (мас., маъноларидан бирига) алоқадор бўлади, шунга кўра лексик неологизм қуйидаги икки турга бўлинади:

Неологизм-лексема. Бунда лексема яхлитлигича неологизм бўлади: *девидент, интернет, факс, интерфакс* каби.

Неологизм-семема. Бунда лексеманинг ўзи эмас, унинг маъноларидан бири неологизм саналади. Бунга *куж* сузининг ҳозирги тилда пайдо бўлган «доллар» маъносини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Неологизмнинг юзага келиши қуйидаги омилларга таянади:

1. Жамиятда янги воқелик пайдо бўлади, бу воқеликни номлаш зарурати эса тилда янги суз ёки атаманинг юзага келишини тақозо қилади. Бунда: а) воқеликнинг номи бошқа тилдан узлаштирилади: *компьютер, мониторинг, слайд* каби; б) воқеликнинг номи ўзбек тилининг ўзида ясалади: *МДХ* (муस्ताқил давлатлар ҳамдўстлиги) каби.

2. Жамиятда ёки табиатда мавжуд бўлган воқеликнинг номига синоним тарзида янги суз ясалади: *эскиртма* (*архаизм* атамасининг янги ясалган синоними), *янгиртма* (*неологизм* атамасининг янги ясалган синоними) каби.

Неологизм ҳодисаси фраземалар ва грамматик birlikлар доирасида ҳам учрайди. (Бу ҳақда тегишли бўлимларга қаралсин).

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Тилнинг лугат бойлигидаги эскириш ва янгиланиш жараёнлари қандай омиллар таъсирида юз беради?

2. Эскириш жараёнининг натижалари нималарда намоён бўлади?

3. Лексик историзмлар нима?

4. Лексик архаизмлар нима? Унинг қандай турлари бор?

5. Лексик историзм ва лексик архаизмлар қандай фарқланади?

6. Лексик неологизм нима? Унинг қандай турлари бор?

7. Индивидуал нутқ неологизми ва умумтил неологизми ҳақида маълумот беринг.

Таянч тушунчалар

Лексик историзмлар - ўтмиш воқелигининг номлари.

Лексик архаизмлар - ҳозирги пайтда бор бўлган воқеликнинг эскирган номи ёки ҳозирги тилда мавжуд бўлган лексеманинг эскирган маъноси.

Архаизм-лексема – лексик архаизмнинг бир тури. Унда лексема яхлит ҳолда эскирган бўлади.

Архаизм-семема – лексик архаизмнинг иккинчи тури. Бунда лексема яхлит ҳолда эмас, қисман (семантик таркибидаги маъноларидан бири) эскиради.

Лексик-фонетик архаизм – талаффуз архаизми. Бунда лексеманинг товуш таркибида қисман эскириш юз беради.

Лексик неологизм – янгилик буюғи бор бўлган лексемалар.

Индивидуал нутқ неологизми – айрим шахс нутқда воқе бўлган неологизм.

Умумтил неологизми – нутқий ҳодисадан тил ҳодисасига айланган неологизм.

Неолгизм-лексема – янгилик буюғига эга бўлган лексема.

Неологизм-семема – тилда азалдан мавжуд бўлган лексеманинг семантик таркибида янги пайдо бўлган маъно (семема).

Ўзбек тили лексикасининг эмоционал-экспрессив жиҳатдан қатламланиши

Адабиётлар: 4[61-64],12[67-71],14[119-121].

71-§. Сўзнинг услубий буюғи. Ўзбек тили лексикасида сўзлар эмоционал-экспрессив жиҳатдан икки қатламга ажратилади:

1.Эмоционал-экспрессив жиҳатдан бетараф сўзлар. Бундай сўзларнинг семантик таркибида фақат денотатив маъно (аташ, номлаш семалари) мавжуд бўлади: *юз, ориқ, озгин, жилмаймоқ* каби.

2.Эмоционал-экспрессив жиҳатдан буюқдор сўзлар. Бундай сўзларнинг семантик таркибида денотатив маъно (аташ, номлаш семалари) билан бирга услубий буюқлар (ифода семалари, коннотатив семалар) ҳам мавжуд бўлади: *турқ* (денотатив маъно + услубий буюқ), *дирдов* (денотатив маъно + услубий буюқ), *қилтириқ, ипилтириқ* (денотатив маъно + услубий буюқ), *иршаймоқ* (денотатив маъно + услубий буюқ) каби.

И з о ҳ: *яхши* ва *ёмон*, *газаб* ва *нафрат* каби сўзларда услубий буюқ бордек туюлади, аслида эса уларда услубий буюқ йуқ, бу сўзлар белги ёки воқеликни аташ (номлаш) билан чекланади, шунга кўра эмоционал-экспрессив жиҳатдан буюқдор сўзлар саналмайди.¹

72-§. Эмоционал-экспрессив буюқдор сўзларнинг нутқда қўлланиши. Услубий буюғи бор бўлган сўзлардан нутқда ҳис-туйғуларни, сўзловчининг воқеликка нисбатан салбий ёки ижобий

¹ Бу ҳақда қаранг: Ўзбек тили лексикологияси. Жамоа.-Тошкент: "Фан", 1981,160-161-б.

Яна қаранг: Розенталь Д.Э., Голуб И.Б., Теленкова М.А. Современный русский язык. –М.: "Айрис Пресс Рольф", 2001, с.100-102.

муносабатини ифодалаш мақсадида фойдаланилади. Масалан: *Мамлакат бизларга ишонсин! Биз шалвираб ишни хуржун қилайлик!..* (Уйғ.). *Турсанг-чи, мунча шалпаясан!* (Ҳ.Ш.). Бу мисолларда *бушашмоқ* лексемаси ўрнида *шалвирамоқ* ва *шалпаймоқ* сўзлари қўлланган ва шу сўзларнинг мазмун планидаги услубий бўёқлар ("киноя", "мазах", "кесатиқ" семалари) ҳисобига нутқда экспрессивлик таъминланган.

Нутқда экспрессивликнинг ифодаланиши қуйидаги усулларга таянади:

1. **Л е к с и к у с у л.** Бунда услубий бўёги бор булган сўз нутққа киритилади (юқоридаги мисоллар).

2. **К о н т е к с т у а л у с у л.** Бунда услубий бўёги йўқ булган сўз маълум контекст ёки нутқий муҳит таъсирида услубий бўёқдор сўзга айлантиради. (бу ҳақда "Ифода семалари" баҳсига қаранг).

3. **А ф ф и к с а ц и я у с у л и.** Бунда бетараф маъноли сўзларга субъектив баҳо ифодаловчи аффиксал морфемалар қўшилади. (Бу ҳақда ҳам "Ифода семалари" баҳсига қаранг).

4. **Ф о н е т и к у с у л.** Бунда сўз таркибидаги ундошлардан бири қаватлантирилади (геминация), унлилар чўзилади, ургунинг ўрни ўзгартирилади, шулар ҳисобига экспрессивлик таъминланади. **М и с о л л а р:** *Ишқилиб, Замира бечора уятга чидаёлмай кетиб қолган. Яшшамагурлар..* (П.Қ.). Акам бечора гўшангада қуриб, **хайро-о-о-он** бўлиб қолганлар. (Мирм.).

5. **С ў з н и м е т а ф о р и к қ ў л л а ш у с у л и.** Бунда кўп маъноли сўзнинг метафорага асосланган мажозий (ҳосила) маъносидан услубий фигура сифатида фойдаланилади: *Муҳтарам қайин отамизга! Сиз билан мени қоронги зиңдонларга тушириб, дор остларигача тортган... Ҳомид исмли бир тўнғизни, ниҳоят икки йиллик саргардонлик сўнгида, ёрдамчилари билан тупроққа қориштиришга муваффақ бўлдим.* (А.Қод.). Бу гапда *тўнғиз* сўзи кўчма маънода Ҳомидга нисбатан қўлланган, шу билан Отабекнинг бу шахсга нисбатан салбий ҳис-туйғуси, нафрати ифодалаган. Яна: *Мамажон лочин йигит, Серҳаракат, бетиним.* (Қ.М.). Бу гапда *лочин* сўзи ўз маъносидан эмас, кўчма маънода- йигитнинг эпчиллигини, чаққон ва жасурлигини баҳолаш мақсадида қўлланган.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Услубий бўёқдорлик жиҳатдан сўзлар қандай қатламларга ажратилади?

2. Эмоционал-экспрессив жиҳатдан бетараф сўзлар ва бетараф булмаган (бўёқдор) сўзлар қандай фарқланади?

3. Эмоционал-экспрессив жиҳатдан бўёқдор сўзлардан нутқда қандай мақсадларда фойдаланилади?

4. Нутқда экспрессивликнинг ифодаланиши қандай усулларга асосланади?

5. Экспрессивликни ифодалашнинг қуйидаги усуллари ҳақида маълумот беринг:

- а) лексик усул;
- б) контекстуал усул;
- в) аффиксация усули;
- г) фонетик усул;
- д) сўзни метафорик қўллаш усули.

Таянч тушунчалар

Услубий буюқ - сўзнинг лексик маъносига қўшимча тарзда орттирилган услубий оттенка, ифода семаси.

Эмоционал-экспрессивлик - экспрессияга (таъсирчанликка) эгалик.

Эмоционал-экспрессивликни ифодалашнинг лексик усули- нутқда услубий буюғи бор булган сўзнинг қўлланиши ҳисобига таъсирчанликнинг ифодаланиши.

Эмоционал-экспрессивликни ифодалашнинг аффиксация усули- бетараф маъноли сўзларга субъектив баҳо ифодаловчи аффиксларни қўшиш орқали нутқда таъсирчанликка эришиш.

Эмоционал-экспрессивликни ифодалашнинг контекстуал усули - услубий буюғи булмаган сўзнинг маълум контекст таъсирида услубий буюқдор сўзга айлантирилиши орқали нутқий таъсирчанликнинг таъминланиши.

Эмоционал-экспрессивликни ифодалашнинг фонетик усули- турли фонетик ҳодисалар (геминация, унларни чузиш, ургунинг урнини ўзгартириш) ҳисобига нутқий таъсирчанликнинг таъминланиши.

Сўзни метафорик қўллаш - сўзнинг метафора усулида кучирилган маъноси ҳисобига нутқий таъсирчанликнинг таъминланиши.

Лексемаларнинг нутқ кўринишларига хосланиши

Адабиётлар: 4[64-66], 12[165-173]

73-§. Нутқ, унинг кўринишлари. Нутқ сўзловчининг тил бирликлари воситасида фикрни шакллантириши (ички нутқ) ва ифодаланиши (ташқи нутқ) жараёнидир. У адабий нутқ ва сўзлашув нутқи кўринишларида намоён булади:

Адабий нутқ адабий тил меъёрларига бўйсундирилган, демак, ишлов берилган бўлади.

Сўзлашув нутқи нутқнинг маълум меъёрларга киритилмаган, ишлов берилмаган кўринишидир. У кўпроқ эркин мулоқот пайтида ишлатилади.

74-§. Нутқ кўринишларига хосланган лексик қатламлар. Нутқнинг юқоридаги икки кўринишига муносабат жиҳатидан лугат бойлигидаги сўзлар икки хил қатламга бирлашади:

I. У м у м н у т қ қ а т л а м с ў з л а р и. Бундай сўзлар адабий нутқда ҳам, сўзлашув нутқида ҳам бир хил даражада ишлатилади. Лугат бойлигидаги сўзларнинг купчилиги шу қатламга мансубдир: замонавий қатлам сўзлари, ишлатилиши чегараланмаган лексиканинг аксарияти, шунингдек синонимик қатордаги доминанталар, услубий бўёги бўлмаган бетараф маъноли сўзлар умумнутқ қатлам бирликлари саналади.

II. Н у т қ н и н г м а њ л у м к у р и н и ш и г а х о с л а н - г а н с ў з л а р. Бундай сўзлар нутқнинг фақат бир кўринишига (мас., адабий нутққа) хосланган бўлиб, бошқа кўринишида (мас., сўзлашув нутқида) ишлатилмайди ёки, аксинча, сўзлашув нутқида қўлланиб, адабий нутқда ишлатилмайди.

1. А д а б и й н у т қ н и н г у з и ҳам икки хилдир: расмий нутқ ва бадий нутқ.

- *расмий нутқда* фикрнинг ифодаланиши исботларга, фактлар таъкидланишига таянади, шунинг учун унда тасвирий воситалар, услубий бўёқдор сўзлар ишлатилмайди: тўғри маънодаги сўзларнинг ва соҳа терминларининг қўлланиши кўпроқ адабий нутқнинг шу кўринишига хосдир;

- *бадий нутқда* кучма маъноли сўзлар, ижобий баҳо семалари бўлган лексемалар (*табассум, мардонавор, чеҳра* кабилар) фаол қатнашади.

2. С ў з л а ш у в н у т қ и д а фикр ифодаси анча эркин бўлади, унда адабий нутққа хос бўлмаган оддий сўзлар (*қитгай, кетворган...*), диалектизмлар (*опоқи, опогойи, каллапўш...*), жаргонизмлар (*лой, якан, сатил...*), салбий эмоция ифодаловчи сўзлар (*башара, тиржаймоқ...*), вульгаризмлар (*гўрсўхта, тўнка, сутақ, қизигар...*), лақаблар (*Бутқа, Бурун, Қилич...*), баъзан, ҳатто ўзбек тилига ўзлашмаган, демак, ўзбек тили бирлиги даражасига етмаган бошқа тил сўзлари (*алкаш, братан, молодец* каби варваризмлар) ҳам кенг қўлланади.

75-§. Нутқ кўринишларига хосланган лексемаларнинг бадий асар тилида қўлланиши. Лексемаларнинг нутқ кўринишларига хосланиши ҳақида гап кетганда, уларнинг бадий асар тилида қўлланишини алоҳида баҳолаш керак, чунки бадий нутқ билан бадий асар тили бир ҳодиса эмас: бадий нутқ адабий нутқнинг бир кўриниши, у албатта адабий тил меъёрларига бўйсундирилади; адабий асар тилида эса адабий тил меъёрларидан четта чиқиш

ҳолатлари ҳам кузатилади: бадий асардаги образ ва персонажлар тилининг типиклаштирилиши шуни тақозо қилади, демак, бадий нутқ бадий асар тилининг етакчи компоненти, аммо ягона компонент эмас. Унда бадий нутқ билан параллель равишда, асардаги мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, сўзлашув нутқи қолиплари ва элементларидан, умумнутқ қатлам сўзларидан ҳам фойдаланилади: муаллиф нутқи, муаллиф тили шаклида берилаётган баён ва изоҳлар, асосан, адабий нутқ меъёрларига таянади (сўзларнинг танланиши ҳам шунга асосланади), образ ва персонажлар тилида эса функционал услубнинг барча турларидан фойдаланилади.

76-§. Сўзларнинг фонетик таркибида, грамматик шаклларида нутқ кўринишларига хосланиш:

1. Сўзлашув нутқида, айниқса, оддий (жонли) сўзлашувда:

а) сўз, сўз формалари ва сўз бирикмалари таркибидаги айрим товушлар (баъзан бир неча товуш) тушиб қолади: *обор* (<Олиб бор), *айтвор* (<айтиб юбор), *пасқам* (пастқам), *болла* (болалар), *машу* (<мана шу) каби;

б) баъзи товушларнинг сўз таркибидаги ўрни алмашади (сўзнинг метатезага учраган шакли қўланади): *турпоқ* (<тупроқ), *терват* (тебрат), *тургамоқ* (<туграмоқ) каби;

в) бир товуш ўрнида бошқа товуш (фонеманинг факультатив варианты) қўланади: *кегин* (<кейин), *шойи* (<шоҳи), *куйнак* (<кўйлак), *қалмоқ* (<қармоқ) каби;

г) сўз бошида, ўртасида ёки охирида товуш орттирилади: *ўрис* (<рус), *ишқоп* (<шқоф), *танка* (<танк), *банка* (<банк) каби;

д) сўз таркибидаги айрим унлилар услубий мақсадда чўзилади: *ҳо-о-зир*, *ка-а-атта*, *айта ҳо-о-л*, *жо-о-оним* каби;

е) сўз таркибида бир хил ундошлар қаватлантирилади, бунда сўз ургусининг ўрни ҳам кўпинча ўзгартирилади, шу тариқа лексеманинг маъносида таъкидлаш, эркалатиш, ялиниш, маънони кўчайтириш каби оттенкалар ифодаланади: *маза-маъза*, *яшá-яшша* каби;

ж) сўзлашув нутқида киши номларининг, сўз ёки сўз бирикмаларининг қисқартириб талаффуз қилиниши ҳам учраб туради: *Дилор* (<Дилором), *Муқад* (<Муқаддас), *Гули* (<Гулнора), *Дилфуз* (<Дилфуза), *кило* (килограмм), *маршрутка* (<маршрутги такси), *метро* (<метрополитен) каби;

з) сўзлашув нутқида интонациянинг ҳам ўзига хос ўрни бор: нутқий вазиятга қараб у тез-тез ўзгариб туриши, бунда хабар-дарак, сўроқ, буйруқ мазмуни, таажжуб, гумон, қатъийлик каби маънолар ифодаланиши мумкин;

и) феълнинг *-б(-иб)* аффикси билан ясалган равишдош шакли ҳамда *"-ган"* аффикси билан ясалган сифатдош шакли эди тўлиқсиз феъли билан бирга келганда *"-увди"*, *"-овди"*, *"-ганди"* шаклларида қўланади: *айтувди* (<айтиб эди), *борувди* (<бориб эди), *ёзувди*

(<ёзиб эди), *айтганди* (<айтган эди), *борганди* (<борган эди), *ёзганди* (<ёзган эди) каби;

й) сўзларнинг субъектив баҳо шакллариغا кенг урин берилади: *акажон, Лолахон, дадамлар, йигитча, қизалоқ* каби.

2. *Расмий нутқда* қонун, қарор, ариза, билдирги, буйруқ, низом, йуриқнома (инструкция), эълон, ҳисобот, акт, шартнома, тилхат каби турли ҳужжатлар ва иш қоғозлари ёзилади. Бундай ҳужжат матнларида аввалдан шаклланиб, маълум қолипга тушган конструкция, формулировка ва сўз бирикмаларидан кенг фойдаланилади: *...ни қарор қилади; ...лар таъминланади; ...га эгадир; ...лар эътиборга олинсин; ...га чора кўрилсин; ...қониқарли деб топилсин; биз, қуйида қўл кўювчилар...; ...ни ҳисобга олиб буюраман; ...маълум қиламан; ...маълум қиламиз, ...ни сўрайман, ...ни бажаришини ўз зиммамизга оламиз* каби.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Нутқ нима? Унинг қандай турлари бор?
2. Адабий ва сўзлашув нутқлари қандай фарқланади?
3. Қандай сўзлар умумнутқ қатлам бириклари саналади?
4. Қандай сўзлар нутқнинг маълум турига хосланган ҳисобланади?
5. Расмий ва бадий нутқларда қўлланишга хосланган сўзлар қандай фарқланади?
6. Сўзлашув нутқда қўлланишга хосланган сўзлар, уларнинг маъно хусусиятлари ҳақида маълумот беринг.
7. Бадий нутқ ва бадий асар тили қандай фарқланади?
8. Нутқнинг у ёки бу турига хос булган фонетик ва грамматик белги-хусусиятлар ҳақида гапиринг.

Фразеология

Фразеология ҳақида умумий маълумот

Адабиётлар: 4[67-69], 12[55-61, 74-79], 14[82-88], 49[3-5]

77-§. Фразеология тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, у тилнинг лугат таркибидаги фраземалар ҳақида маълумот беради.

Фразема кўча маъноли тургун конструкциядир. Масалан, *зураймоқ* (лексема)-*авж олмоқ* (фразема), *қийналмоқ* (лексема)-*азоб чекмоқ* (фразема) каби. Демак, фразема ҳам лексема каби

лугавий бирик саналади, аммо ўзининг ифода ва мазмун планларидаги қатор белгилари билан лексемадан фарқланади.

78-§. Фраземанинг ифода плани деганда унинг товуш томони, лексик таркиби, бирикмага ёки гапга тенг конструкцияси назарда тутилади. Масалан: *кунглини олмоқ* (бирикмага тенг), *кузлари қинидан чиқиб кетди* (гапга тенг), *боши қотди* (гапга тенг), *энсаси қотди* (гапга тенг) каби. Фраземалар орасида қўшма гапга тенг қурилишли тургун конструкциялар ҳам учрайди: *"Қор ёғиб, излар босиди"* каби.

Фраземалар таркибидаги сўзларнинг боғланиши эркин бирикма ёки гап таркибидаги сўзларнинг боғланишидан фарқ қилмайди: уларнинг барчасида сўлар тобеланиш асосида боғланади, бироқ: а) эркин бирикмадаги ёки гапдаги боғланиш нутқ жараёнида, нутқ билан бир пайтда содир бўлади; фраземадаги боғланиш эса нутқ пайтидан анча аввал юзага келиб, тургунилашиб қолади, инсон хотирасида ва тилда яхлитлигича сақланади; б) эркин бирикмадаги ёки гапдаги сўзларни сўзловчи ўз ихтиёри билан алмаштира олади: *"кенг куча"* бирикмаси ўрнида *"тор куча"* бирикмасини, *"мен ўқийман"* гапи ўрнида *"мен ишлайман"* гапини қўлаши мумкин, аммо *"юлдузни бенарвон урмоқ"* бирикмаси ўрнида *"юлдузни нарвонсиз урмоқ"*, *"юлдузни шотисиз урмоқ"*, *"юлдузни бешоти урмоқ"* бирикмалари қўлланмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳар қандай тургун бирикма фразема бўлавермайди. Масалан, *Бирлашган Миллатлар Ташкилоти* бирикмаси тургун конструкциядир, аммо тўғри маъноли тургун конструкция бўлганлигидан фразема ҳисобланмайди. Фразема яхлит ҳолда кўчма маъно ифодаланиш шарт.

Фраземаларнинг ифода планида лексемалардан ташқари, ёрдამчи сўзлар (кўмакчилар) ва турли форма ясовчи морфемалар қатнашиши мумкин. Масалан, *очиқ юз билан* (бу фраземанинг ифода планида *"билан"* кўмакчиси қатнашган), *дам олмоқ* (бу фраземанинг ифода планида *"-моқ"* морфемаси иштирок этган). Келтирилган мисолларда кўмакчи ва аффиксал морфема фраземаларнинг доимий белгилари ҳисобланади, чунки улар шу фраземаларнинг ички грамматик қурилишига мансубдир, аммо *дам олдим*, *дам олгин*, *дам олсин* каби боғланишларда қўлланган *"-ди+м"*, *"-гин"*, *"-син"* морфемалари (замон, шахс-сон, майл кўрсаткичлари) шу фраземаларнинг ифода планига кирмайди, чунки бу морфемалар нутқ талабига кўра қўшилади.

79-§. Фраземанинг мазмун плани унинг ниманидир номлаши, ифодаланиши, англатишидир. Масалан, *огзи-қулоғида* фраземасининг мазмун планида *"хурсанд"* маъноси ифодаланган.

Фраземанинг мазмун плани албатта кўчма маънога асосланади, акс ҳолда унинг тўғри маъноли тургун бирикмалардан (*электрон*

ҳисоблаш машинаси, квадрат уялаб экиш каби составли терминлардан) фарқи қолмайди.

Фраземанинг мазмун планидаги маъно *фразеологик маъно* ҳисобланади. Қиёс қилинг: лексеманинг мазмун планида- "лексик маъно"; фраземанинг мазмун планида- "фразеологик маъно". Фразеологик маъно лексик маънодан мураккаброқдир, чунки у фразема таркибидаги сўзлар боғланишидан келиб чиқади ва умумлашган бўлади.

Фраземанинг семантик таркибида фразеологик маънодан ташқари, услубий бўёқ ҳам мавжуд бўлади. Масалан, *тунини тескари киймоқ* фраземасининг семантик таркибида "учакишмоқ" (фразеологик маъно) билан бирга "қайсарлик" семаси (услубий бўёқ) ҳам бор. *Турт томони қибла* фраземасида "қаёққа хоҳласа кетаверсин" маъноси билан бирга салбий баҳо (услубий бўёқ) ҳам ифодаланган. *Чехраси очиқ* фраземасининг семантик таркибида эса "хуштабиат" маъноси ижобий баҳо (услубий бўёқ) семаси билан қопланган.

Салбий ёки ижобий баҳо семалари, одатда, фраземаларнинг мазмун планида бўртиб туради, бу омил фраземалардан нутқий таъсирчанликни таъминловчи услубий восита сифатида фойдаланиш имконини беради, айниқса, бадий асар тилида бундай бирликларнинг роли катта. М и с о л л а р: *Бир умр қулингиз бўлмасам, каломулло урсин, кузим очидди, ака!* (Т.М.) *Ранги қув учиб, юшқа лаблари титраб, кузларининг пахтаси чиқиб кетди.* (Ҳ.Н)

Баъзи фраземаларда қонун ҳужжатлари тилига ихтисослашиш, терминлашиш ҳам учрайди. Бундай пайтларда фразема маъносида нейтраллашиш юз беради, услубий бўёқ сушлашиб, охири тушиб қолади. Буни жиноят-процессуал кодексида қўлланадиган *айбини буйнига қуймоқ, айбига иқдор бўлмоқ* каби термин "фраземалар"да куриш мумкин.

80-§. Фраземаларнинг семантик таркибидаги туркум семалари. Бу семалар фразеологик маънога таянади. Масалан: *аравани қуруқ олиб қочмоқ* (фезл фразема), *арпасини хом урмоқ* (фезл фразема), *амманнинг бузоғидай* (сифат фразема), *бағри қаттиқ* (сифат фразема), *бир огиз* (равиш фразема), *бир огиздан* (равиш фразема), *турт куз билан* (равиш фразема), *томдан тараша тушгандай* (равиш фразема) каби.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Фразема нима?
2. Нима учун фразема кўчма маъноли тургун конструкция саналади?
3. Фраземанинг ифода планини қандай тушунасиз?

4. Фраземалар эркин бирикмалардан ва тўғри маъноли тургун бирикмалардан қандай фарқланади?

5. Фраземанинг мазмун плани ҳақида маълумот беринг.

6. Фразеологик маъно нима? У лексик маънодан нимаси билан фарқланади?

7. Фраземанинг семантик таркибидаги услубий баҳо (стилистик бўёқ) ҳақида гапиринг.

8. Фраземалардан нутқда қандай мақсадларда фойдаланилади?

9. Фраземаларнинг семантик таркибида туркумлиқ семалари бўладими?

Таянч тушунчалар

Фразеология – тилшуносликнинг фраземалар билан шугулланувчи бўлими.

Фразема – кўчма маъноли тургун конструкция.

Фраземанинг ифода плани – фраземанинг моддий-материал томони: шакли, тузилиши, лексик ва фонетик таркиби.

Фраземанинг мазмун плани – фраземанинг фразеологик маъно ва услубий бўёқдан иборат семантик таркиби.

Фразеологик моносемия ва полисемия

Фраземаларнинг семантик турлари

Адабиётлар: 4[69-71], 12[101-107], 14[86-88], 49[5-6]

81-§. **Фразеологик моносемия** – фраземанинг семантик таркибида битта фразеологик маънонинг бўлишидир. Чунончи, *кўнглига қўл солмоқ* фраземасининг семантик таркибида "яширин фикр-уйини билишга ҳаракат қилмоқ" маъносидан бошқа фразеологик маъно йўқ: *"Ризанинг юрагига қўл солиб курган Муҳиддин унинг жавобидан хурсанд бўлди."* (Р.Ф.). *"Кечаги ишдан мақсадим у ердаги хотинларнинг кўнглига қўл солиб кўриш, ундан кейин узимга баъзи бир ишончлироқларини танлаб олиш эди."* (С.З.). Келтирилган гапларнинг биринчисида *кўнглига қўл солмоқ* фраземасининг вариацияси – *"юрагига қўл солиб кўрмоқ"* ишлатилган, ҳар икки ҳолда ҳам битта фразеологик маъно – "яширин фикр-уйини билишга ҳаракат қилмоқ" назарда тутилган.

82-§. **Фразеологик полисемия** – фраземанинг семантик таркибида икки ёки ундан ортиқ фразеологик маънонинг бўлиши. Масалан: *боши(м) айланди* фраземасининг семантик таркибида иккита фразеологик маъно бор: 1) "Беҳуд бўлмоқ" маъноси: *"стол ёнига келгунча унинг боши айланиб кетди."* "Мунча дармонсиз

бўмасам",- уйлади у". (С.З.); 2) "Эсанкирамоқ" маъноси: "...мулойим қараб қўйишларини, ...жиммайиб гапиришларини сезардим, бунинг ҳаммасидан бошим айланарди". (О.Ё.)

Лексемаларда бўлганидек, фраземаларда ҳам полисемия ҳодисаси маъно кўчиш қонуниятларига асосланади.

83-§. Фраземаларнинг семантик турлари. Фразема маъноси билан унинг таркибида қўлланган лексемалар маъноси ўртасидаги муносабат асосида фраземанинг икки семантик тури фарқланади:

1. **Фразеологик бутунлик.** Бундай фраземанинг умумлашган кўчма маъноси фразема таркибидаги лексемалар маъноси билан изоҳланади. Масалан, *тепа сочи тикка бўлмоқ* фраземаси яхлит ҳолда "газабланмоқ" маъносини –умумлашган кўчма маънони англатади. Бундай кўчма маънога эса киши даргазаб бўлганида унинг баданидаги тукларнинг сезилар-сезилмас ҳаракатга келиши (психо-физиологик ҳолат) асос бўлган, демак, фраземанинг кўчма маъносини фразема таркибидаги сўзларнинг ўз маънолари билан изоҳлаш мумкин. Я н а: *Она сути огзида* фраземаси яхлит ҳолда "ҳали ёш", "тажрибасиз" маъносини англатади, бундай кўчма маънони эса фразема таркибидаги сўзлар маъноси билан изоҳлаш мумкин: *"Маҳмадона, шумсан-да. Она сутинг огзингда-ю, соқолимнинг оқига қарамай ақл ўргатаман дейсан"*. (О.)

2. **Фразеологик чатишма.** Бундай фразема ифодалаган кўчма маъно фразема таркибидаги сўзлар англатган лексик маънолар билан изоҳланмайди. Масалан, *икки қўлини бурнига тиқиб* фраземаси "қуруқдан қуруқ, эвазига ҳеч нарса олмай" маъносини ифодалайди, бу маънони фразема таркибидаги сўзларнинг маънолари билан изоҳлаб бўлмайди: *"Келмагандан кейин, домлага "озодлик" олиб келиш керак-да. Бу булса шумшайиб, икки қўлини бурнига тиқиб келди"*. (П.Т.) *"...Сенга иш йўқ!"-деб, бизни қувиб юборди. Катта ўғлим билан икки қўлимизни бурнимизга суқиб ўз уйимизга бордик"*. (С.А.)

Фразеологик бутунлик билан фразеологик чатишма орасида маълум умумийлик ва тафовутлар бор. Уларни қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Умумийлик: 1) иккаласи ҳам тургун конструкция саналади; 2) иккаласида ҳам умумлашган яхлит бир маъно (кўчма маъно) ифодаланади; 3) иккаласида ҳам услубий бўёқ (услубий сема) бўлади, чунки фраземаларнинг барчаси воқеликни номлаш билан чекланмайди, уни баҳолаш хусусиятига ҳам эга; 4) иккаласи ҳам нутқда яхлит ҳолда битта синтактик вазифада қўлланади.

Фарқлари: 1) Фразеологик бутунлик таркибидаги сўзларнинг маънолари фраземанинг кўчма маъносини изоҳлайди. Фразеологик чатишмада эса сўзлар маъноси билан фразема маъноси (фразеологик маъно) ўртасида бундай алоқа йўқ; 2) фразеологик

бутунликнинг маъносида ички образ сақланади: таркибидаги сўзларга хос маънолар сезилиб турганлигидан фраземанинг маъноси кўп қиррали, бой бўлади. Фразеологик чатишма маъносининг гавдаланишида эса фразема таркибидаги сўзларнинг маънолари иштирок этмайди, шунинг учун унда ички образ сунган бўлади.

Текшириш саволлари

1. Фраземанинг семантик таркибига нималар киради?
2. Фразеологик моносемия ва полисемия ҳодисалари қандай фарқланади?
3. Фраземанинг қандай семантик турлари бор?
4. Фразеологик бутунлик билан фразеологик чатишма қандай фарқланади?
5. Полисемантик фраземаларнинг услубий хусусиятларини қандай тушунасиз?

Таянч тушунчалар

Фразеологик моносемия – фраземаларда бир маънолилик ҳодисаси.

Фразеологик полисемия – фраземаларда кўп маънолилик ҳодисаси.

Фразеологик бутунлик – фраземанинг умумлашган кўчма маъносини шу фразема таркибидаги сўзлар маънолари билан изоҳлаш мумкин бўлган ибора.

Фразеологик чатишма – фраземанинг умумлашган кўчма маъноси шу фразема таркибидаги сўзлар маънолари билан изоҳланмайдиган ибора.

Фраземаларнинг шакл ва маъно муносабатларига кўра турлари

Адабиётлар: 41[71-74], 12[113-115, 123-125, 127-128, 137-141, 142-143], 14[88], 49[6-9].

84-§. Фраземаларнинг шакл муносабати асосида фразеологик омонимия ва фразеологик паронимия юзага келади:

1. Фразеологик омонимия фраземаларнинг ифода планидаги (шаклдаги, тузилишдаги) тенглик ҳодисасидир.

Қ и ё с қ и л и н г: 1. *Жон бермоқ* - «барҳаёт қилмоқ»: ... *Одамзодга жон берган ҳам жонини оладиган ҳам яраттанинг узи* (П.Т.) 2. *Жон бермоқ* - «ўлмоқ», «сўнгги марта нафас чиқармоқ»: *Семиз ва ҳамиша юрак касалидан қийналиб юрган хотин арава устидан юлдуз тула осмонга термилиб жон берди.* (Ш.Р.) Яна: 1. *Устидан чиқмоқ* - «Бирор нарса қилинаётганда тепасига бориб қолмоқ»: *Қайнанагиз роса севар экан, раис, - деди Рузи полвон ҳазил аралаш, - овқатнинг устидан чиқдингиз* (Ш.Р.). 2. *Устидан чиқмоқ* - «Бажармоқ»: *Демак, Ҳакимов телефонда берган сўзининг устидан чиқибди* (П.Қ.).

Шаклан тенг бўлган фраземалар тилшуносликда омофраземалар деб номланади.¹

Эркин бирикма билан фразема (тургун бирикма) ўртасидаги шаклий тенглик ҳодисаси фразеологик омонимия эмас, *фразеологик омонимлик* саналади. Демак, бундай ҳолатларда «*Омонимия*» ва «*омонимлик*» атамалари ўзаро фарқланади. Чунончи: 1. *Куз юммоқ* (эркин бирикма) - «Кўзини юмиб олмоқ» маъносида; 2) *Куз юммоқ* (тургун бирикма, фразема) - «кура-била туриб эътиборсиз қолдирмоқ» маъносида; 3) *куз юммоқ* (тургун бирикма, фразема) - «вафот этмоқ» маъносида. Келтирилган мисолларнинг биринчи ва иккинчисида эркин ва тургун бирикмалар, иккинчи ва учинчисида эса тургун бирикмалар (фраземалар) ўртасида шаклий тенглик борлигини кўрамыз. Биринчи ва иккинчи мисоллардаги шаклий тенглик омонимлик сирасига, иккинчи ва учинчи мисоллардаги шаклий тенглик эса омонимия сирасига киради.

П.Фразеологик паронимия - таркибидаги бирор лексик компонент билангина фарқ қилувчи фраземалар. Бундай лексик компонентлар бир-бирига ўхшаш бўлиши керак: 1. *Етти ухлаб тушига кирмаслик* - «муглақо уйламаслик, кутмаслик» - 2. *Етти ухлаб тушида ҳам кўрмаслик* - «ҳеч қачон кўрмаслик» каби. Бу икки фраземанинг таркибидаги «кирмаслик» ва «кўрмаслик» сўзлари талаффузида (маъносида эмас, албатта) ўхшашлик бор, бундай фраземалар тилшуносликда парафраземалар деб номланади. (12, 142 - 6).

85-§. Фраземаларнинг маъно муносабатига кўра турлари. Бундай муносабат асосида фразеологик синонимия ва фразеологик антонимия ҳодисалари юзага келади.

1.Фразеологик синонимия бир неча фраземанинг битта фразеологик маъно атрофида бирлашишидир. Масалан: 1) *пихини ёрган* - «айёр», 2) *илоннинг ёгини ялаган* - «айёр» каби. Яна: 1) *ер*

¹ Қаранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Кўрсатилган асар, 138-6.

билан осмонча – «Жуда катта фарқ», 2) *от билан туяча* – «Жуда катта фарқ» каби.

Лексик синонимияда бўлганидек, фразеологик синонимияда ҳам синонимик қаторлар юзага келади: биринчи мисолдаги *пихини ёрган* ва *илоннинг ёғини ялаган* фраземалари «айёр» маъноси билан битта синонимик қаторни; иккинчи мисолдаги *ер билан осмонча* ва *от билан туяча* фраземалари эса «жуда катта фарқ» маъноси билан бир синонимик қаторни ҳосил қилмоқда. Фразеологик синонимларда услубий бўёқ, одатда, буртиб туради. Аслида, фразеологик бирликлар (фраземалар) худди шу мақсадда – воқеликни номлашда уни ўтқир баҳолаб бериш учун, шу воқеликка ижобий ёки салбий муносабат ифодалаш учун яратилади, шунинг учун улар нутқнинг таъсирчан, образли бўлишини таъминловчи муҳим услубий восита саналади. Мисоллар: 1) *Бунга Ботирнинг аччиги келди, буни Бўстон сизди* (С.Н.). 2) *Кейинги насиҳатомуз гаги қонини қайнатиб юборди.* (С. Ан.).

Фразеологик синонимия ҳодисаси кўпроқ ҳар бир тилнинг ўз фраземалари доирасида учрайди: *Қилидан қуйругигача*. – *Ипидан игнасиғача*; *Қувончи оламга сигмайди*. – *Севинчи ичига сигмайди* каби. Бошқа тилдан фразема ўзлаштириш жуда пассив бўлганлигидан, ўзлашма ибораларнинг фразеологик синонимия доирасига тортилиши жуда кам учрайди.

Фразеологик синонимия ҳодисасини *фразеологик вариациядан* фарқлаш керак: фразеологик синонимияда бир неча фразема бир маъно атрофида бирлашади, демак, битта синонимик қаторни ҳосил қилади; фразеологик вариацияда эса битта фраземанинг ички кўринишлари назарда тутилади, бундай кўринишлар синонимик қатор ҳосил қилмайди. Масалан: 1) *кўзини юммоқ*; 2) *бандаликни бажо келтирмоқ*; 3) *жон бермоқ*. Бу уч фразема битта маънони – «вафот этмоқ» ни билдиради, шунга кўра битта синонимик қаторга бирлашади. *Қўлини бигиз қилмоқ* ва *бармоғини бигиз қилмоқ* қўшилмалари эса икката фразема эмас: улар битта фраземанинг иккита кўриниши, холос. Бу фразема таркибидаги «қўл» ва «бармоқ» сўзлари ўртасида синекдоха йўли билан маъно кўчиши (бутун ва қисм муносабати) бор, бу ҳол «қўл» сўзи ўрнида «бармоқ» сўзининг қўлланишига йўл очган, аммо бир фразема ўрнида бутунлай бошқа фразема юзага келмаган, шунга кўра улар битта фраземанинг ички кўринишлари – вариациялари саналади. Демак, вариациялар бир образга асосланади. Яна мисоллар: *Киприк қоқмаслик*. – *Мижжа қоқмаслик* (бир фраземанинг икки варианты, чунки «киприк» ва «мижжа» сўзларидан битта образ мужассам).

Баъзан лексема билан фразема бир синонимик қаторга бирлашади: *қарамоқ* (лексема) – *кўз қирини ташламоқ* (фразема), *хурсанд* (лексема) – *боши осмонда* (фразема) каби. Булар лексик-фразеологик синонимлардир. Лексик-фразеологик синонимлар

қаторида лексема доминанта саналади. Демак, лугавий синонимлар уч хил бўлади: 1) лексик синонимлар (синонимик қаторда фақат сўзлар бирлашади); 2) фразеологик синонимлар (синонимик қаторда фақат фраземалар бирлашади); 3) лексик-фразеологик синонимлар (синонимик қаторда сўз ва фраземалар бирлашади).

II. Фразеологик антонимия икки фраземанинг ўзаро зид маъно ифодалашидир: *ошиги олчи ва иши ўнгидан келмаслик; боши кўкка етмоқ ва фитони фалакка чиқмоқ* каби.

Антонимия ҳодисаси икки фразема ўртасидагина эмас, лексема билан фразема ўртасида ҳам юзага келиши мумкин: *хурсанд (лексема)-дили сиёҳ (фразема), лаңдавур (лексема)-юлдузни бенарвон урадиган (фразема)* каби. Булар лугавий антонимларнинг лексик-фразеологик тури саналади. Демак, лугавий бирликлар ўзаро зид маъно аңглатишига кўра лексик антонимлар (сўз билан сўз ўртасида), фразеологик антонимлар (фразема билан фразема ўртасида) ва лексик-фразеологик антонимлар (сўз билан фразема ўртасида) каби микросистемаларни ҳосил қилишлари мумкин.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Фраземаларнинг шакл муносабатини қандай тушунасиз? Маъно муносабатини-чи?
2. Фразеологик омонимия ва фразеологик паронимия қандай фарқланади?
3. Фразеологик синонимия ва фразеологик вариациянинг фарқларини тушунтиринг.
4. Фразеологик антонимлар ҳақида маълумот беринг.

Таянч тушунчалар

Фразеологик омонимия – омонимлар доирасидаги шаклий тенглик ҳодисаси.

Фразеологик паронимия – таркибидаги бирорта лексема билангина фарқланувчи фраземалар.

Омофраземалар – шаклан тенг бўлган фраземалар.

Парафраземалар – паронимик муносабатда бўлган фраземалар.

Фразеологик синонимлар – бир маъно асосида бирлашган синонимлар.

Услубий бўёқ – фраземаларнинг ижобий ёки салбий баҳо ифодаловчи семалари.

Фразеологик вариация – битта фраземанинг икки хил кўриниши.

Лексик-фразеологик синонимлар - сўз ва фраземалар ўртасидаги маъно бирлигига асосланган синонимлар.

Лексик-фразеологик антонимлар - сўз ва фразема орасидаги маъно зиддиятига асосланган антонимлар.

Ўз ва ўзлашган қатлам фраземалари

Адабиётлар: 12[180-183]

86-§. Ўзбек тили фраземалари тарихан икки қатламга ажратилиши мумкин: уз қатлам фраземалари ва ўзлашган қатлам фраземалари.

1. Уз қатлам фраземалари ўзбек тилининг ўзиники бўлган ёки умумтуркий манбага мансуб фраземалардир. Бундай фраземалар асосида бевосита ўзбек халқи (ёки туркий халқлар) ҳаётига хос воқелик ва шунга суянган образ ётади: *икки кузи тўрт бўлмоқ* (варианти: *кузи тўрт бўлмоқ*)-маъноси: "интизор бўлмоқ"; *бел боғламоқ* (варианти: *бел(и)ни боғламоқ*)-маъноси: "шайланмоқ", "отланмоқ";

2. Ўзлашган қатлам фраземалари - ўзбек тилига бошқа тиллардан ўтиб, ўзлашиб қолган фраземалар. Бундай фраземаларнинг аксарияти калька усулида ўзлаштирилгандир: *пашшага озор бермаслик* (русча *мухи не обидеть* фраземасининг калькаси)-маъноси: "беозор"; *пашшадан фил ясамоқ* (русча *из мухи делать слона* фраземасининг ижодий калькаси)-маъноси: "бўрттириб юбормоқ", "ошириб юбормоқ", "муболага қилмоқ".

Бошқа тиллардан фраземаларнинг узича (узгаришсиз) ўзлаштирилиши ўзбек тилида жуда кам учрайди: *дарди бедаво* (тожик тилидан); *сукут-аломати ризо* (тожик тилидан) каби.

Фраземаларнинг ишлатилиш доираси ва замонийлиги

Адабиётлар: 12[143-151]

87-§. Фраземаларнинг ишлатилиш доирасига кўра тавсифи. Ўзбек тили фраземаларининг ишлатилиш доираси чегараланмаган ва чегараланган бўлиши мумкин.

1. Ишлатилиш доираси чегараланмаган фраземалар миллат вакилларининг барчаси учун умумийдир, улар барчанинг нутқида бир хил даражада қўлланади, барчага тушунарли бўлади: *икки*

гашнинг бирида, кунглига қил сигмайди, тер тўкмоқ, газаби келмоқ кабилар шулар жумласидандир.

2. Ишлатилиш доираси чегараланган фраземалар, асосан, муайян диалект ёки шева бирлиги булиб, умумтил ва адабий тил доираларида қўлланмайди. Масалан, қипчоқ лаҳжаси шеваларида қўлини мойлаб келмоқ (маъноси: "хоҳламай, лоқайд ишламоқ"), айрони ачимас (маъноси: "лоқайд", "бепарво"), жийданинг остидан ўтмоқ (маъноси: "эсини йўқотмоқ", "мияси айнимоқ"), қулоғи остида қолмоқ (маъноси: "улмоқ", "вафот этмоқ") фраземалари учрайди.

Баъзан, умумтил фраземаларининг у ёки бу шевадаги варианты (кўриниши) ҳам учрайди: Қўйнига қўл солиб кўрмоқ (умумтил фраземаси)-ичига қўл солиб кўрмоқ (диалектал вариант), чиллаки чиллакини кўриб чумак уради (умумтил фразема)-чилги чилгини кўриб чумак уради (диалектал вариант) каби.

88-§. Ишлатилиши касб-ҳунарга кўра чегараланиш фраземаларга хос эмас, аммо фраземаларнинг келиб чиқиши ва шаклланишида ижтимоий меҳнатнинг у ёки бу тури нолисоний омил сифатида иштирок этганлиги шубҳасиз: кўпчилик фраземалар ижтимоий меҳнат билан боғлиқ воқеликларга таянган ҳолда юзага келган. Масалан: арпасини хом урмоқ (деҳқончиликка таянилган), астар-аврасини ағдармоқ (тикувчиликка таянилган), бўзчининг моқсидай (тўқувчиликка таянилган), темирни қизигида босмоқ (темирчиликка таянилган), миси чиқмоқ (заргарликка таянилган) каби.

89-§. Замонийлик белгисига кўра фраземаларнинг турлари.

1. Историзм-фраземалар ўтмиш воқелигига хос иборалардир: қуш қилич бир қинга сигмас (ДЛТ, I, 340), тақдирга тан бермоқ каби. Историзм-фраземалар тилда жуда камдир.

2. Архаизм-фраземалар - ҳозирги тилда лексик ёки фразеологик синоними бор бўлган эскирган фраземалар. Масалан: тенгри раҳматига бормоқ (архаизм-фразема) - дунёдан ўтмоқ, вафот этмоқ, куз юммоқ, улмоқ (юқоридаги архаизм-фраземанинг ҳозирги тилда қўлланаётган синонимлари); дақёнусдан қолган, варианты: доқиюнусдан қолган (архаизм-фразема)- алмисоқдан қолган, эски, қадимги (юқоридаги архаизм-фраземанинг ҳозирги тилда қўлланаётган синонимлари) каби.

3. Неологизм-фраземалар - янгилик буюғини йўқотмаган иборалар. Масалан: томи кетган (маъноси: "ақлдан озган", "эси паст"), янги ўзбеклар (маъноси: "ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган янги ишбилармонлар") каби.

¹ Бу ҳақда қаранг: Данияров Х. Опыт изучения диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. -Ташкент: "ФАН", 1975, стр. 214-215.

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. Ҳзбек тили фраземалари тарихан қандай қатламларга ажратилади?
2. Ҳз ва Ҳзлашган фраземалар ҳақида маълумот беринг.
3. Бошқа тиллардан фразема Ҳзлаштиришнинг қандай усуллари бор?
4. Қандай фраземаларнинг ишлатилиш доираси чегараланмаган?
5. Қандай фраземаларнинг ишлатилиш доираси чегараланган?
6. Диалектизм-фразема ҳақида маълумот беринг.
7. Фраземаларнинг юзага келишида касб-ҳунар билан боғлиқ омиллар таъсири бўладими?
8. Замонийлик белгисига кўра фраземаларнинг қандай турлари Ҳзaro фарқланади?
9. Историцизм-фразема, архаицизм-фразема, неологизм-фразема ҳақида маълумот беринг.

Таянч тушунчалар

Ҳз қатлам фраземалари - Ҳзбек тилининг Ҳзиники бўлган фраземалар.

Ҳзлашган қатлам фраземалари - бошқа тиллардан калька усулида ёки Ҳзича (Ҳзгаришсиз) Ҳзлаштирилган фраземалар.

Диалектицизм-фразема - бирор диалект ёки шевага мансуб фразема.

Историцизм-фразема - Ҳтмиш воқелигига асосланган фразема.

Архаицизм-фразема - ҳозирги Ҳзбек тилида синоними бор бўлган эскирган фразема.

Неологизм-фразема - янги пайдо бўлган ва янгилик бўёгини йқотмаган неологизм.

ЛЕКСИКОГРАФИЯ

Лексикография ҳақида маълумот

Адабиётлар: 2[82-89],4[74-78],12[183-186]

90-§. Лексикография тилшуносликнинг лугатчилик билан шуғулланувчи соҳасидир.

Лугатлар тилдаги сўзларни, иборалар, мақол-маталлар ва турли номларни маълум тартибда ўз ичига олган китоблардир. Бундай лугатлар утмишда қўл ёзма шаклида ҳам бўлган.

Лексикографиянинг вазифа доирасига қуйидагилар киради:

- а) лугат тузиш принциплари ва методикасини ишлаб чиқиш;
- б) лугат типлари ва турларини аниқлаш;
- в) лугатшуносларнинг ишини ташкил қилиш;
- г) лугат тузиш учун асос бўладиган картотека фондини яратиш;

д) лугатчилик тарихини урганиш;

е) лугат тузиш билан шуғулланиш.

91-§. Лугатлар кўзланган мақсадга кўра дастлаб икки типга бўлинади: 1.Энциклопедик (қомусий) лугатлар; 2.Лисоний (лингвистик) лугатлар.

1.Энциклопедик лугатларда табиат ва жамиятдаги нарса-ҳодисалар, тарихий воқеа-жараёнлар, буюк шахслар, илм-фандаги кашфиётлар, давлатлар, шаҳарлар ҳақида маълумот берилади. Демак, бу типдаги лугатларда асосий эътибор тилдаги сўзларга эмас, балки шу сўзлар ёки сўз бирикмалари воситасида номланган ҳодисаларга қаратилади.

Энциклопедик лугатлар ўз навбатида икки турга бўлинади.

У н и в е р с а л э н ц и к л о п е д и я л а р . Бундай лугатларда ишлаб чиқаришнинг, фан, адабиёт, табиат, жамият ва ҳоказоларнинг барчасига оид муҳим тушунчалар, предметлар, ҳодисалар ва шу соҳаларда танилган буюк шахслар (олимлар, ихтирочилар, ёзувчилар, шоирлар, давлат арбоблари, қаҳрамонлар, санъаткорлар) ҳақида маълумот берилади. "Ўзбек... энциклопедияси" (14-жилдлик, 1971-1980), шу кунларда яратилаётган "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" (унинг олти жилди нашрдан чиқди) бунга мисол бўлади.

С о ҳ а э н ц и к л о п е д и я л а р и . Бундай энциклопедияларда фақат бир соҳага оид материаллар берилади: "Зоология энциклопедияси" (3-жилдлик. Теша Зоҳидов, 1960-1969), Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик лугат (Қ.З.Зокиров, Ҳ.А.Жамолхонов, 1973) шулар жумласидандир.

2.Лисоний лугатларда сўз маънолари, имлоси, талаффузи, иборалар (фраземалар), халқ мақоллари, хуллас, тил бирликлари ва

филологик тушунчаларга оид маълумотлар берилади. Демак, лисоний лугатларда тил ва нутқ бирликлари, тил категориялари ҳақида маълумот бериш, мақол ва матал каби жанр бойликларини тўплаш мақсад қилинади.

Лисоний лугатлар ҳам дастлаб икки турга – умумий ва хусусий (махсус) лугатларга бўлинади.

Умумий лугатларда умумтил бирликлари, уларнинг маънолари ва қўлланиш хусусиятлари изоҳланади. Бундай лугатлар бир тилли, икки тилли, куп тилли, изоҳли, изоҳсиз бўлиши мумкин. "Ўзбек тилининг изоҳли лугати" (икки томли, 1981 й.), "Ўзбекча-русча лугат" (1959), "Русча-ўзбекча лугат" (беш томли, 1950-1955) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Хусусий (махсус) лугатларда тилнинг лугат бойлигидаги бирликлар маълум соҳалар бўйича ёки шу тилдаги маълум микросистемалар, гуруҳлар бўйича танлаб изоҳланади. "Русча-ўзбекча физик терминлар лугати" (М.Д.Ягудев, Р.Х.Маллин, 1952), "Русча-ўзбекча математик терминлар лугати" (М.Собиров, 1952), "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати" (А.Ҳожиёв, 1974), "Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати" (А.Ҳожиёв, 1985), "Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати" (Ш.Раҳматуллаев, 1978), "Имло лугати" (Олим Усмон, 1949), "Ўзбек тилининг имло лугати" (С.Иброҳимов, Э.Бегматов, А.А.Аҳмедов, 1976), "Ўзбек исмлари" (Э.Бегматов, 1991), "Ўзбек тили омонимларининг изоҳли лугати" (Ш.Раҳматуллаев, 1984), "Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати" (Ш.Раҳматуллаев, Н.Маматов, Р.Шукуров, 1980), "Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли лугати" (Қ.Зокиров, М.М.Набиев, Ў.Пратов, Ҳ.Жамолхонов, 1963) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда ўзбек тилида яна бир қатор янги лугатлар юзага келди: "Ёзув тарихидан қисқача лугат-маълумотнома" (Н.Маҳмудов, 1990), "Ўзбек исмлари" (Э.Бегматов, 1991), "Ўзбек тилининг этимологик лугати" (Ш.Раҳматуллаев, 2000й.), "O'zbek tilining imlo lug'ati" (Sh.Rahmatullayev, A. Hojiyev, 1995), "Ўзбек тили тасвирий ифодаларининг изоҳли лугати" (Р.Расулов, И.Умиров, 1997), Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati (A.Hojiyev, A.Nurmonov, S.Zaynobiddinov, K.Kokren, M.Saidxonov, A.Sobirov, D.Qirg'onov, 2001), "Туркча-ўзбекча, ўзбекча-туркча лугат" (Низомиддин Маҳмуд, Эргутул Йаман, 1993) шулар жумласидандир.

92-§. Танланган тиллар миқдорига кўра лугатлар бир тилли, икки тилли ва куп тилли бўлади: "Адабиётшунослик терминлари лугати" (Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимова, 1967) бир тилли; "Русча-ўзбекча ва ўзбекча-русча география терминлари лугати" (Ҳ.Ҳ.Хасанов, 1964), "Адабиётшуносликдан қисқача русча-ўзбекча терминологик лугат" (Н.Т.Ҳотамов, 1969), "Русча-ўзбекча ботаника терминларининг қисқача изоҳли лугати" (Қ.З.Зокиров, М.Н.Набиев, Ў.Пратов, Ҳ.А.Жамолхонов, 1963), "Русча-ўзбекча лугат"

(В.В.Решетовнинг умумий раҳбарлигида, 1972) кабилар икки тилли; "Лотинча-ўзбекча-русча нормал анатомия лугати" (А.А.Асқаров, Ҳ.З.Соҳидов, 1964). "Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик лугат"га (Қ.З.Зокиров, Ҳ.А.Жамолхонов) илова қилинган "Ботаник ном ва терминларнинг ўзбекча-русча-лотинча сўзлиги" (201-254-бетлар) ҳамда "Ботаник ном ва терминларнинг лотинча-русча-ўзбекча сўзлиги" (255-294-бетлар), "Зоология энциклопедияси"га (Т.З.Соҳидов) илова қилинган "Сут эмизувчиларнинг ўзбекча-лотинча-русча номлари" (1960, 210-228 бетлар) ҳамда "Сувда ва қуруқликда яшовчилар ва судралиб юривчиларнинг ўзбекча-лотинча-русча номлари" (1969, 195-226 бетлар) эса куп тилли лугатлардир.

Икки тилли ва куп тилли лугатлардан асосан таржимачиликда фойдаланилади. Шу сабабли улар таржима лугатлари деб ҳам юритилади.

93-§. Сўз ёки атама маъноларининг ёритилишига кўра лугатлар изоҳли ва изоҳсиз турларга бўлинади: сўз ёки терминларнинг имлосини, тушунчаларнинг русча-ўзбекча ёки ўзбекча-русча номларини бериш билан чекланган лугатлар *изоҳсиз лугатлар* деб, шундай сўз ёки терминларнинг маъноларига изоҳ берадиган лугатлар *изоҳли лугатлар* деб аталади. Чунончи: "Ўзбек тилининг қисқача имло лугати" (Ф.Камолов ва З.Маъруфов таҳрири остида, 1962), "Ўзбек тилининг чаша лугати" (Р.Қунгиров, А.Тихонов, 1968) кабилар изоҳсиз лугатлар, "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати" (Азим Ҳожиев, 1974), "Ўзбекча-русча лугат" (Бош муҳаррир-проф.А.К.Боровков, 1959), "Ўзбек тилининг изоҳли лугати", икки томли (1981 й.) кабилар изоҳли лугатлардир.

94-§.Объекти (материалларнинг қайси соҳага ёки нимага оидлиги) жиҳатидан ҳам лугатлар хилма-хил бўлади. Чунончи:

а) терминологик лугатлар: "Русча-ўзбекча физик терминлар лугати" (М.Д.Ягудаев, Р.Х.Маллин, 1952). "Русча-ўзбекча математик терминлар лугати" (М.Собиров, 1952), "Педагогикадан қисқача русча-ўзбекча терминология лугати" (Ш.Бойбурова, Н.Таканаев, 1963), "Қисқача русча-ўзбекча иқтисодий терминлар лугати" (О.Аминов, Ж.Дустмухамедов, А.Усмонов, 1971), "Туркий тилларда қавм-қариндошлик терминлари" (И.Исмоилов, 1966) ва ҳ.к;

б) фразеологик лугатлар: "Ўзбек тилининг қисқача фразеологик лугати" (Ш.Раҳматуллаев, 1964); "Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати" (Ш.Раҳматуллаев, 1978); "Русча-ўзбекча фразеологик лугат" (М.Содиқова, 1972); "Фразеологический словарь "Ҳазойин-ул Маоний" Алишера Навои" (Э.А.Умаров, 1971)

в) орфографик лугатлар: "Ўзбек адабий тилининг орфографик лугати" (С.Иброҳимов, М.Раҳмонов, 1940), "Имло лугати" (Олим Усмон, 1941, 1949); "Ўзбек адабий тилининг имло лугати" (С.Иброҳимов, М.Раҳмонов, 1956), "Ўзбек тилининг қисқача имло лугати" (Ф.Камолов, З.Маъруфов таҳрири остида, 1962), "Имло

лугати" (Й.Абдуллаев, М.Омилхонова, С.Зуфарова, 1970-1976), "Ўзбек тилининг имло лугати" (С.И.Иброҳимов, Э.А.Бегматов, А.А.Аҳмедов, 1976); "Ўзбек тилининг имло лугати" (Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, 1995);

г)орфоэпик лугатлар: "Талаффуз маданияти" (Ў.Усмонова, 1976). Ушбу рисоланинг 29-58-бетларида айрим сўзлар талаффузи (лугати) берилган:

д)антропонимик лугатлар: "Ўзбек исмлари имлоси" (Э.А.Бегматов, 1972); "Ўзбек исмлари" (Э.А.Бегматов, 1991);

е)топонимик лугатлар: "Географик номлар маъносини биласизми?" (С.Қораев, 1970);

ё)синонимлар лугати: "Ўзбек тили синонимларининг қисқача лугати" (А.Ҳожиев, 1963), "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати" (А.Ҳожиев, 1974);

ж)частота лугати: "Словарь наиболее употребительных слов современного узбекского литературного языка" (И.А.Киссен, 1972). Бу типдаги лугатларда узбек тилидаги сўзларнинг фаоллик даражаси кўрсатилади;

з)диалектологик лугатлар: "Хоразм шевалари", 1-китоб, (Ф.Абдуллаев, 1961 йил), "Ўзбек шевалари лексикаси" (коллектив, 1966). Бу китобларда диалектологик тадқиқотлар натижаси билан бирга, шева сўзларининг лугатлари ҳам берилган;

и)тарихий лугатлар: "Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача лугат" (П.Шамсиев, С.Иброҳимов, 1953), "Навоий асарлари лугати" (П.Шамсиев, С.Иброҳимов, 1972), "Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати", 4 томлик. Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси (ҳозир-академик) Э.И.Фозилов таҳрири остида. -Тошкент, 1983 (I-II томлар), 1984 (III том), 1985 (IV том); "Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача лугат" (Х.Назарова, 1972), "Древнетюркский словарь" (коллектив, 1969);

й)интернационал сўзлар лугати "Интернационал сўзлар лугати" (О.Усмон, 1959). "Русча-интернационал сўзлар изоҳли лугати" (Олим Усмон, Ренат Дониёров, 1965);

к)эскари лугат: "Ўзбек тилининг чаппа лугати" (Р.Қунгиров, А.Тихонов, 1968). Бу типдаги лугатларда сўзлар тартиби сўз бошидаги биринчи ҳарф асосида эмас, балки сўз охиридаги ҳарфларнинг алфавитдаги тартиби асосида жойлаштирилади. "Чаппа лугат" бир хил товуш ёки бир хил бўгин билан тутаган қўфиядош сўзларни топишда жуда қулай практик қўлланма ҳисобланади;

л)этимологик лугатлар: "Этимологический словарь тюркских языков" (Э.В.Севортян, 1974). Бу типдаги лугатларда сўзларнинг келиб чиқиши илмий асосда ёритилади; "Ўзбек тилининг қисқа этимологик лугати" (Ш.Раҳматуллаев, М.Миртожиев, М.Қодиров, 1997); "Ўзбек тилининг этимологик лугати" (Ш.Раҳматуллаев, 2000);

м)мақол ва маталлар лугати: "Ўзбек халқ мақоллари" (Тушловчи ва тузувчилар: Мансур Афзалов, Саидаҳмад Худойберганов, Малик Раҳмонов, Собиржон Иброҳимов, Ҳусайн Шамс ва Рустам Комиловлар, 1958, 1965); "Кенг уйнинг келинчаги" (Ш.Шомақсудов, С.Долимов, 1961).

Текшириш саволлари

- 1.Лексикография нима?
- 2.Лексикографиянинг вазифа доирасига нималар киради?
- 3.Лугатлар кўзланган мақсадга қура қандай типларга бўлинади?
- 4.Энциклопедик ва лисоний лугатлар қандай фарқланади?
- 5.Умумий ва хусусий (махсус) лугатлар қандай фарқланади?
- 6.Лугатларнинг яна қандай турларини биласиз?

Таянч тушунчалар

Лексикография – тилшуносликнинг лугатчилик билан шугулланувчи соҳаси.

Энциклопедик лугатлар – табиат ва жамиятдаги муҳим ҳодисалар, тарихий-илмий воқеликлар, буюк шахслар ҳақида маълумот берувчи лугат тиллари.

Лисоний лугатлар – тил бирликлари, тил тизимига хос категориялар ҳақида маълумот берувчи лугатлар.

Универсал энциклопедиялар – табиат ва жамиятнинг барча соҳаларига оид муҳим воқелик-ҳодисалар ҳақида маълумот берувчи қомусий лугатлар.

Соҳа энциклопедиялари – фақат бир соҳага оид маълумотлар бериладиган қомусий лугатлар.

Бир тилли лугатлар – бир тил материалига асосланган лугатлар.

Кўп тилли лугатлар – бир неча тил материалларига асосланган лугатлар.

Изоҳли лугатлар – сўз маънолари изоҳланган, шарҳланган лугатлар.

Изоҳсиз лугатлар – сўз ёки термин маънолари изоҳланмаган лугатлар.

Терминологик лугатлар – у ёки бу соҳага оид терминлар ҳақида маълумот берувчи лугатлар.

Лугат мақолаларининг жойлаштирилиш тартиби ва мақола схемалари

Адабиётлар: 4[78-83]

95-§. Лугатларда сўзлар (мақола номлари)ни жойлаштириш тартиби қуйидаги уч принципга таянади:

- 1) ташқи тартиб;
- 2) ички тартиб;
- 3) маъно тартиби (семантик принцип).

1. Ташқи тартиб сўзнинг (ёки мақола номининг) биринчи ҳарфига – шу ҳарфнинг алфавитдаги ўрнига қараб белгиланади

Арпа

Банорас

Вазир

Гавда

2. Ички тартиб сўзнинг (ёки мақола номининг) биринчи ҳарфидан кейинги (иккинчи, учинчи ва ҳ.к.) ҳарфларига – шу ҳарфларнинг алфавитдаги ўрнига қараб белгиланади. Бу тартибга биринчи ҳарфи бир хил бўлган сўзларни жойлаштиришда амал қилинади:

Арпа

Арра

Асал

Астар

Банорас

Барабан

3. Маъно тартиби омоним ёки полисемантик сўзларни (ёхуд омоним бирикмаларни) жойлаштиришда ишлатилади. Бу тартибга кўпроқ қомусий (энциклопедик) лугатларда ва шунга яқин турган лугатлар-справочникларда дуч келинади. Чунончи:

а) *Оҳангарон* – дарё...

Оҳангарон-шаҳар...

Чирчиқ-дарё...

Чирчиқ-шаҳар...

И з о ҳ: *Оҳангарон* ва *Чирчиқ* сўзлари дастлаб дарё номи бўлган, кейинчалик шу дарёлар ёқасида юзага келган шаҳарларни атай бошлаган. Бу ҳол дарё номини олдин, шаҳар номини эса кейин қўйишга асос бўлган;

б) баъзан бир ном билан аталган бир неча объект ёки предмет ўртасида юқоридаги сингари боғланиш бўлмайти ёки бундай боғланиш аниқланмаган бўлади. Бундай пайтда уларнинг

хўжаликда, илмда, умуман жамиятда тутган ўрни, мавқеи ҳисобга олинади:

Андижон – шаҳар...

Андижон – Андижон вилоятидаги посёлка

И з о ҳ: Шаҳар вилоятнинг маъмурий, илмий ва маданий маркази бўлганлигидан биринчи ўринда берилган:

в) шаҳар номи билан киши номи бир бўлганда, киши номи олдин берилади:

Беруний – хоразмлик буюк олим. (Қ.: Абу Райҳон Беруний).

Беруний – Қорақалпоғистондаги шаҳар...;

г) ихтирочининг номи ўзи ихтиро қилган кашфиёт номидан олдин ёзилади:

Вебер Вильгельм Эдуард (1804–1891)–немис физиги...

Вебер Эрнст Генрих (1795–1878)–немис анатоми ва физиологи...

Вебер – ...улчов бирлиги. В.Э.Вебер номи билан аталган;

д) шаҳар ёки бошқа бирор географик объект номи билан шахс номи уртасида боғланиш бўлмаган тақдирда ҳам, шахс номи олдин ёзилади:

Вольта Алессандро (1745–1827)–итальян физиги...

Вольта –Гарбий Африкадаги дарё...;

е) усимлик номи билан ҳайвон номи бир хил бўлганда, ҳайвон номи олдин қўйилади:

Канна – ҳайвон...

Канна – усимлик...;

ё) жуфт сўзлар бир сўздек алфавит тартибига солинади:

Шоналаш

Шонли

Шон-шавкат

Шон-шараф

Шон-шуҳрат;

ж) изоҳли ва қомусий лугатларда омонимик характердаги сўзлар ёки сўз бирикмалари алоҳида-алоҳида мақола номи сифатида берилади. Аммо кўп маъноли сўзларнинг (ёки шунга яқин бўлган баъзи лугавий бирикларнинг) барча маънолари бир мақола ичида изоҳланади:

Бурун (1) – а) одамнинг бурни (тўғри маънода);

б) чойнакнинг бурни (кўчма маънода).

Бурун (2) – а) пайт равиши ("илгари", "аввал")

б) кўмакчи сўз

з)мақол ва маталларни тематик группаларга бирлаштириб, сўнг ҳар бир грушга оид мақолларнинг узини алоҳида алфавит тартибда жойлаштириш принципи ҳам бор. Масалан:

Ватан ва ватанпарварлик ҳақида

Булбул чаманни севар,
Одам – Ватанни.

Бул Ватанга пахтакор,
Ватан сендан миннатдор.

Меҳнат ва меҳнатсеварлик ҳақида

Барвақт қилинган ҳаракат,
Ҳосилга берар баракат.

Баҳорги бегамлик – кузги пушаймонлик.

Бекор тургунча, бекор ишла!

Белни пешлаган билар,
Ерни ишлаган билар.

96-§. Лугат мақолалари схемалари (тузилиши ва сўз маъноларининг изоҳланиш усуллари) ҳам маълум принципларига таянади. Чунончи, филологик лугатларда дастлаб сўзнинг узи, шундан сўнг унинг бош ва ясама, диалектал ва архаик маънолари (агар шундай маънолари бор бўлса) ёритилади. Ҳар бир маъно изоҳидан сўнг шунга оид мисоллар (купинча бадиий адабиётдан) келтирилади. Энциклопедик лугат мақолалари эса бошқачароқ бўлади: улар давлат, республика, миллат, шахс, усимлик, ҳайвон, бирор тарихий воқеа ва ҳоказоларнинг ҳар бири учун махсус тузилган схема асосида ёзилади. Чунончи, давлатлар ҳақидаги мақола схемаси қуйидагича бўлади:

1. Умумий маълумот.
2. Давлат тузуми.
3. Табиати.
4. Аҳолиси.
5. Тарихий очерк.
6. Республиканинг етакчи партияси.
7. Уюшмалар.
8. Халқ ҳўжалиги.
9. Медицина.
10. Маориф ва маданият.
11. Матбуот, радио, телевидение.
12. Фан ва илмий ташкилотлар.

13. Адабиёт.
14. Архитектура ва тасвирий санъат.
15. Музыка.
16. Театр.
17. Кино.
18. Цирк ва эстрада.
19. Бадий ҳаваскорлик.
20. Библиография.
21. Карта ва иллюстрациялар.

Миллат ёки халқ ҳақидаги мақола схемаси:

1. Номи.
2. Дефиниция (яшайдиган жойи, қайси этник гуруҳга мансублиги, она тили).
3. Шу миллат вакиллари сони.
4. Антропологик типи (зарур бўлганда).
5. Ҳукмрон дин (ёки ўтмишда қайси дин ҳукмрон бўлганлиги).
6. Қисқача тарихий маълумот (этногенез, халқ ёки миллатнинг шаклланиш даври, ижтимоий-иқтисодий аҳволи ва ҳ.к.).
7. Моддий ва маънавий бойликлари.
8. Библиография.
9. Иллюстрация.

Ўсимлик тури ҳақидаги мақола схемаси:

1. Дефиниция (қайси оила ва туркумга мансублиги).
2. Морфологик ва биологик характеристикаси.
3. Ареали (тарқалиш жойлари).
4. Амалий аҳамияти, қўлланиши (фойдаси ва зарари).
5. Шу ўсимликка зиён келтирувчи касалликлар, зараркунандалар, уларга қарши кураш чоралари.
6. Библиография.
7. Иллюстрация.

Тил ҳақидаги мақола схемаси:

1. Дефиниция (қайси халқнинг тили, қайси тил гуруҳаси ёки оиласига мансублиги).
2. Қандай диалектларга эга.
3. Тарқалиши.
4. Шу тилда гаширувчилар сони.
5. Лугат бойлиги, фонетик ва грамматик қурилиши ҳақида қисқача маълумот.
6. Ёзуви.
7. Адабий тилнинг шаклланиш тарихи ҳақида қисқача маълумот.
8. Библиография.

Биографик мақола схемаси:

1. Фамилияси, исми, тахаллуси.
2. Тутилган ва вафот этган вақти, жойи.
3. Дефиниция: қайси давлат фуқароси, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, асосий иш фаолияти, илмий даражаси, унвони (йиллари билан) ва ҳ.к.
4. Қайси партияга мансублиги (қачондан).
5. Илмга, фан ёки техникага қўшган ҳиссаси, асосий ихтиролари ёки кашфиётлари, меҳнат ютуқлари.
6. Давлат идораларида, олий ўқув юртларида, раҳбарлик лавозимларидаги меҳнати ва ижтимоий-сиёсий фаолияти.
7. Давлат органларига, депутатликка сайланиши.
8. Орден ва медаллар, Давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги (қачон ва нима муносабат билан).
9. Библиография.

Текшириш саволлари

1. Лугатда мақолаларнинг ташқи тартиб асосида жойлаштирилишида нималар ҳисобга олинади?
2. Лугатда мақолаларнинг ички тартиб асосида жойлаштирилишида нималар ҳисобга олинади?
3. Маъно тартибини қандай тушунасиз?
4. Мақола схемалари ҳақида нималарни биласиз?

Таянч тушунчалар

Ташқи тартиб – лугатларда сўзнинг (лугат мақоласининг) алифбодаги ҳарфлар тартибида жойлаштирилишида шу сўз (мақола) бошидаги биринчи ҳарфга асосланиш.

Ички тартиб – лугатларда бир хил ҳарф билан бошланган сўзларнинг (мақола номларининг) иккинчи, учинчи ва кейинги ҳарфларига, шу ҳарфларнинг алифбодаги тартиб ўрнига асосланиш.

Маъно тартиби – омоним ёки полисемантик характердаги сўзларнинг (ёки бирикмали номларнинг) жойлаштирилишида уларнинг маъносига ва тематик гуруҳланишига таяниш принциплари.

Лугат мақолаларининг тузилиши – мақола мазмунининг аввалдан белгиланган схемага (композицион-структуравий қолипга) таяниб ёритилиши.

Ўзбек лугатчилиги тарихидан қисқача маълумот

97-§. Ўзбек лугатчилиги тарихи, аслида, эски туркий тил лугатчилиги ва араб тили лугатчилиги тарихи билан узвий боғлиқдир: "Девону луготит турк" (1073-1074й.), "Муқаддиматул адаб" (1137й.), "Китоб ул-идрок ли лисанул атрак" (1312й.), "Аттуҳфатуз закияту фил лугатит туркия" (XIII аср) каби асарлар араб тилида ва араб тилшунослиги анъаналарида ёзилган бўлса-да, уларнинг барчасида қадимги туркий тил ва эски туркий тил лугати уз ифодасини тошган.

"Девону луготит турк" (1073-1074й.)-Маҳмуд Кошгарийнинг туркий тиллар ҳақидаги қомусий асари. Унда Марказий Осиёдан Қора денгиз бўйларигача чўзилган ҳудудда яшовчи туркий уруғлар, қабилалар, элатлар, уларнинг тиллари ҳақида маълумот берилади. Халқ оғзаки ижодидан намуналар келтирилади.

Лугатнинг бизгача битта қўлёзмаси етиб келган. Бу қўл ёзма, котибнинг таъкидлашича, Маҳмуд Кошгарийнинг уз қўли билан ёзилган нусхадан кўчирилган бўлиб, 1914 йилда Туркиянинг Диёрбакр шаҳридан топилган. У Истанбулда сақланмоқда.

"Девону луготит турк" араб тилидан немис, усмонли турк ва ўзбек тилларига таржима қилинган¹

"Муқаддиматул адаб" (1137й.)-Маҳмуд аз-Замахшарийнинг Хоразмшоҳ Алоуддавла Абулмузаффар Отсизга бағишлаб ёзган асари. Бу асар беш қисмдан иборат бўлиб, уларда отлар, феъллар, боғловчилар, от ўзгартишлари ва феъл ўзгартишлари ҳақида баҳс юритилади. Арабча сўзларнинг остида форсча, баъзиларида туркий, ҳатто мўғулча таржималари берилган. Асар 1706 йилда Хужа Исҳоқ Афанди томонидан усмонли турк тилига, кейинчалик француз ва немис тилларига ҳам таржима қилиниб, Париж, Лейпциг, Вена, Лейден, Қозон шаҳарларида, Норвегия, Миср ва Ҳиндистонда бир неча марта нашр этилган.² Манбаларда таъкидланишича, "Муқаддиматул адаб"нинг чигатой тилидаги таржимаси аз-Замахшарийнинг ўзи томонидан амалга оширилган.

"Аттуҳфатуз закияту фил лугатит туркия" («Туркий тил ҳақида ноёб туҳфа», XIII асрнинг охирида ёзилган).-Муаллифи номаълум. Бизгача бу асарнинг битта нусхаси етиб келган, у Туркиядаги шахсий кутубхоналардан бирида сақланади.

Лугат араб тилида ёзилган, уни туркшунос Бесим Атайлай туркча изоҳлар билан нашр эттирган. Лугатда қилчоқ ўзбеклари тили тавсифланган. У 1968 йилда таниқли тилшунос Солиҳ Муталибов таржимасида ўзбек тилида нашр этирилган.

¹ Бу ҳақда қаранг: Маҳмуд Кошгарий. Девону луготит турк. I-том. Таржимон-С. Муталибов. -Тошкент; Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960, 37-38-б.

² Бу ҳақда қаранг: Маънавийт йодузалари.-Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, 122-б.

«Китоб ул-идрок ли Лисон ил-атрок» («Туркий тилларни билиш китоби», 1312й.)- Абу Ҳаййан Андалусийнинг туркий тилларнинг лексикаси ва грамматикасига оид асари. Унда ўз даврининг туркий лаҳжа ва шевалари ҳақида маълумот берилган.

«Китобу булгатул муштақори лугатит турк вал қифчоқ» («Турк ва қипчоқ тилини билишни истаганлар учун қўлланма», XIVаср)-Жамолиддин Абу Муҳаммад Абдулаҳад Туркий томонидан яратилган лугат. Асарнинг арабча матни қора, турк сўзлари эса қизил сиёҳда ёзилган. Лугатнинг лексикографик материали 4 бўлимга ажратилган: 1) худо ва осмон, унга бўйсунувчи жами мавжудотлар ҳақида; 2) ер, унинг усти ва остида бор бўлган нарсалар ҳақида; 3) равишдошлар; 4) феъллар.

Бу асар туркий тиллар тарихини урганишда катта аҳамиятга эга. Унинг қўлёзмаси Париж миллий кутубхонасида сақланади.

98-§. Ўзбек лугатчилиги тарихининг чигатой (эски ўзбек тили) даври. Ўзбек лугатчилиги тарихида чигатой тили деб номланган эски ўзбек адабий тили даври (XIV-XIX асрлар) алоҳида ўрин тутади.

XV-XVI асрлардан бошлаб Алишер Навоий ижодига қизиқишнинг ортиб бориши қатор лугатларнинг яратилишига олиб келади. Қуйида шулардан айримлари ҳақида қисқача маълумот берилади:

«Бадоеул лугат». Бу лугат XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида Султон Ҳусайннинг тошширигига биноан Ҳиротлик Толе Ҳиравий томонидан тузилган. У «Ўзбекча-форсча лугат» характерида бўлиб, мингга яқин сўз ва иборани ўз ичига олади. Лугатда таъкидланишича, унда Алишер Навоий шеърини тилини изоҳлаш мақсад қилинган.

Лугат қўлёзмаси Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номли кутубхонада сақланмоқда. У 1961 йилда проф.А.К.Боровков томонидан махсус шарҳлар билан рус тилида нашр қилинган.¹

Абушқа (XVI аср)- чигатойча-туркча изоҳли лугат. Муаллифи номаълум. А б у ш қ а сузига изоҳ билан бошланганлиги учун, лугат шу сўз билан номлана бошланган. Бу сўз эски ўзбек тилида кекса, қари, нуроний чол маъноларига эга бўлган. Лугат Алишер Навоий асарлари лексикасини изоҳлашга асосланган, ammo унда Навоий замондошлари асарларидан ҳам мисоллар келтирилган.

Абушқа 1862 йилда венгр шарқшуноси Г.Вамбери томонидан венгр тилида, кейин эса рус шарқшуноси В.В.Вельяминов-Зернов томонидан 1868 йилда нашр эттирилган.

«Лугати турки»-чигатойча-форсча лугат. (Тузувчи - Фазлуллахон). Бу лугат XVII асрнинг иккинчи ярмида тузилган

¹ Қаранг: А.К.Боровков. «Бада'и' ал-луғат». Словарь Тали' Имини Гератского к сочинениям Алишера Навои.-Москва: Изд-во Восточной литературы, 1961

булиб, 1825 йилда Калькуттада нашр этилган. Унда эски ўзбек тилининг лугати ва грамматикасига оид маълумотлар бор.¹

«Келурнома»-чигатойча-форсча лугат. (Тузувчи-Муҳаммад Ёқуб Чингий). У XVII асрнинг охирида ёзилган. Лугат 15 бобдан иборат, шундан 14 бобда ўзбек тили феъллари алифбо тартибда берилган; 15-боби 9 қисмдан таркиб топган, ҳар бир қисм алоҳида мавзуга бағишланган: 1-қисмда космографияга оид сўз ва атамалар, 2-қисмда географияга оид сўзлар, 3-қисмда ҳайвон номлари, 4-қисмда овчи қушлар ва уй паррандалари номлари, 5-қисмда инсоннинг ички ва ташқи аъзолари номлари, 6-қисмда ота-она, қариқдош номлари, 7-қисмда ҳарбий терминлар, 8-қисмда сонлар, 9-қисмда эса грамматик шакллар берилган.

Лугатнинг қўлёзма нусхаларидан бири Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида, иккинчиси Лондон музейида сақланади.²

«Санглаҳ»-Маҳдихон Муҳаммад Низомиддин Муҳаммад Ҳодий ал-Ҳусайнийнинг чигатойча-форсча лугати. У 1760 йилда ёзиб тугатилган. Унинг "Хулосаи Аббосий" деб номланган қисқартирилган варианты ҳам бор. Лугат 6 та мабна (боб)дан таркиб топган. Уларда феъллар, феъл қўшимчалари, унлилар уйғунлашуви, кишилиқ ва кўрсатиш олмошлари, келишиқ қўшимчалари, сўроқ олмошлари, сифатларнинг қиёсий даражалари, сўз ясалиш моделлари, қўшма феъллар, фразеологизмлар, фонетикага оид кузатувлар, имло, туркий ва форс тиллари ўртасидаги алоқалар ҳақида маълумот берилади.

Лугатнинг материали Алишер Навоийнинг 12 та шеърини ва 9та насрий асари тилига асосланган, аммо унда Бобур, Фузулий, Ҳусайн Мирза, Лутфий, Саъдидин Сафойи, Румий, Али Усмон асарлари тилидан фойдаланилган уринлар ҳам бор.

Асарда муаллиф ёшлигидан Алишер Навоий шеърларини ўқишга жуда қизиққанлигини, шу боис буюқ сўз султони Алишер Навоий асарлари тилини тушуниб олишга ёрдам берадиган китоб ёзишни мақсад қилганини айтади.

"Санглаҳ"нинг бир неча қўл ёзмалари бизгача етиб келган, улар Лондондаги Британия музейида, Станбулдаги Сулаймония кутубхонасида ва Калькуттадаги кутубхонада сақланади.³

"Лугати чигатой ва турки усмоний"- Шайх Сулаймон Бухорийнинг 1882 йилда Станбулда нашр этилган икки жилдди лугати (иккинчи жилди топилмаган). Лугатнинг биринчи жилдида

¹ Бу ҳақда қаранг: Г.Абдурахмонов, Ш.Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.-Тошкент: «Ўқитувчи», 1973,8-6.

² Лугат ҳақида қаранг: Зуфаров С. Келурнома. //«Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», 1961, №3; Кариев Ш.О. О труде Мухамеда Якуба Чинги «Келурнаме». //«Общественные науки в Узбекистане», 1966, №9

³ Бу ҳақда қаранг: К.Мухитдинов. "Санглаҳ" Мирзы Мухаммеда Мехдихана (исследование, комментарии, перевод и транскрипция. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук.-Тошкент, 1971.)

8 мингга яқин сўзнинг маънолари ўзбек тили шевалари, Алишер Навоий, Лутфий, Огаҳий каби шоирларнинг асарлари тили, қўшиқ, лапар, мақол, маталлардан олинган намуналар асосида ифодаланган.

99-§. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда лугатчилик. XIX асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиё Россия томонидан босиб олинади, натижада рус маъмурлари ва ҳарбийлари фаолиятида маҳаллий халқларнинг тилини урганиш эҳтиёжи юзага келади, бу ҳол бир қатор "Русча-сартча" ва "Сартча-русча" лугатларнинг яратилишига сабаб бўлади. Қуйидагилар шулар жумласидандир:

В.Наливкин ва М.Наливкина. Русско-сартовский и сартовско-русский словарь общеупотребительных слов с приложением краткой грамматики. По наречиям наманганского уезда.-Казань, в университетской типографии, 1884.

А.В.Старчевский.Переводчик с русского языка на сартовский. (Издано при пособии Военного-ученого Комитета Главного Штаба). -С.-Петербург, Типография и Литография А. Траншеля, Стремянная, №12, 1886.

В.Наливкин.Руководство к практическому изучению сартовского языка. Второе издание.-Ташкент, типография Туркестанского товарищества печатного дела, 1897.

Кияс-Беков. Словарь и элементарная грамматика сартовского языка.-Ташкент, 1907.

Л.Афанасьев. Словарь сартовских слов с главнейшими грамматическими правилами.-Скобелев, 1908.

С.А.Лапин.Карманный русско-сартовский словарь с приложением краткой грамматики узбекского-русского языка, изд.1, -Самарканд, 1914.

М. Преображенский. Карманный русско-сартовский словарь. Издание Книготорговца А.А.Куприянова. Издание 2-е значительно дополненное.-Ташкент. Типо-лит. «Турк Курьер», 1917.

100-§. XX асрнинг 30-йилларида лугатчилик. XX асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда лугатчиликка яна-да кўпроқ эътибор берилди: Ўрта ва Олий ўқув юрглари учун дарслик ва қўлланмаларнинг яратилиши, Ўзбекистон Халқ Комиссарлиги қошида Фанлар Комитетининг иш бошлаганлиги турли фанлар бўйича бир тили ва икки тили терминологик лугатларнинг яратилишини тақозо қилди, натижада Фанлар Комитети ҳузурида Терминология қўмитаси ташкил этилди ва шу қўмита бошчилигида турли фанлар бўйича қатор лугатлар яратилди.: «Русча-ўзбекча математика терминлари сўзлиги», 1933 (Т.Н.Қори-Ниёзий), «Русча-ўзбекча пахтачилик терминлари сўзлиги», 1933 (Н.Сайфулмулуков), «Русча-ўзбекча маъмурий-ҳуқуқий сўзлик», 1933 (Н.Саримсоқов), «Пахтачиликка доир қисқача изоҳли лугат», 1934 (С.Иброҳимов), «Русча-ўзбекча қишлоқ хўжалик терминлари лугати»,

1936 ((Н.Сайфулмулуков), «Русча-ўзбекча ботаника терминлари лугати», 1936, 1939 (Н.Сайфулмулуков), «Зоология терминларининг қисқача изоҳли лугати», 1938 (Т.Зоҳидов), «Қисқача русча-ўзбекча география терминлари лугати», 1940 (М.Х.Бектемиров, С.М.Сайдрасулов), «Русча-ўзбекча физика терминлари лугати», 1940 (К.Абдурашидов), «Русча-ўзбекча тупроқшунослик терминлари лугати», 1940 (Н.В.Кимберг, М.Баҳодиров), «Русча-ўзбекча геология терминлари лугати», 1941 (М.Мирбобоев, А.Содиқов, С.Султонов) ва бошқалар шулар жумласидандир.

101-§. XX асрнинг 40-йилларида лугатчилик. Бу йилларда лотин ўзбек ёзувидан рус графикасига асосланган ўзбек ёзувига ўтилди, шу муносабат билан янги ёзувда тузилган яна бир қатор умумий ва махсус лугатлар яратилди. «Ўзбек адабий тилининг орфографик лугати», 1940 (С.Иброҳимов, М.Раҳмонов), «Ўзбекча-русча лугат», 1941 (Т.Н.Қори-Ниёзий, А.К.Боровков), «Қисқача ўзбекча-русча лугат», 1942 (И.А.Киссен, К.С.Коблов), «Имло лугати», 1941, 1949 (Олим Усмон) ва бошқалар.

102-§. XX асрнинг 50-йилларидан аср охиригача бўлган даврда ўзбек лугатчилиги. Бу йилларда турли соҳаларга оид терминологик лугатлар билан бирга «Русча-ўзбекча», «Ўзбекча-русча» филологик лугатлар, қомусий лугатлар, изоҳли лугатлар, фразеологик лугатлар, частота лугати, чашпа лугат, мақол ва маталлар лугати каби кўплаб лексикографик асарлар яратилди (бу давр лугатларидан намуналар қўлланманинг «Лексикография ҳақида маълумот» бўлимидаги тегишли параграфларда келтирилган).

Текшириш саволлари ва топшириқлар

1. XI-XIII асрларда ёзилган қандай лугатларни биласиз? Бундай лугатларнинг туркий тилларга қандай алоқаси бор?

2. Ўзбек лугатчилиги тарихининг чигатой тили даврида қандай лугатлар яратилган? Бу лугатларнинг тузилиши, лексик ва грамматик материали ҳақида нималарни биласиз?

3. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яратилган лугатлар ҳақида маълумот беринг.

4. XX асрнинг 30-40-йилларида бир тилли ва икки тилли терминологик лугатларнинг яратилишига кўпроқ эътибор берилганлигини қандай изоҳлайсиз?

5. XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган лугатларнинг турлари, объекти ҳақида маълумот беринг.

АДАБИЁТЛАР

Дарслик ва қўлланмалар¹

1. Абдурахмонов Г, Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2002.
2. Азизов О. Тилшуносликка кириш. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1996.
3. Жамолхонов Ҳ.А. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. Маърузалар матни. Тошкент: Низомий номли ТДПУ босмахонаси, 2000.
4. Жамолхонов Ҳ., Юнусов Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили. (Маърузалар матни). 2-қисм. – Тошкент: Низомий номли ТДПУ босмахонаси, 2000
5. Йўлдошев Бекмурод. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд, 1999.
6. Йўлдошев Бекмурод. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. Филол. фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация – Тошкент, 1994.
7. Мухторов А, Санақулов У. Ўзбек адабий тили тарихи. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1995.
8. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1995.
9. Расулов Р. Лексико-семантические группы глаголов состояния и их валентность. – Ташкент, 1991.
10. Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси. 1 – қисм, Тошкент, 1991.
11. Розенталь Д.Э., Голуб И.Б., Теленкова М.А. Современный русский язык. – Москва: "Айрис Пресс Рольф", 2001.
12. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш., Ҳозирги ўзбек адабий тили. Қайта ишланган, тўддирилган 3-нашри. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1992.
13. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тараққиёт босқичлари. – Тошкент: "Ўқитувчи", 1996.
14. Қиличов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Маъруза матнлари. Тўддирилган 2-нашри-Бухоро: "Бухоро университети" нашриёти, 2001.

Мақолалар

15. Абдиназимов Шамсиддин. "Балиқ" сўзининг этимони // "Ўзбек тили ва адабиёти" журнали, 1998, №5, 64-65-б.

¹ Рўйхатга 1991 йилдан кейин нашр этилган дарслик ва қўлланмалар киритилди. (аутатлар, қондалар, қонун, фармон ва қарорлар бундан мустасно).

16. Абузалова Меҳри, Бобокалонов Рамазон. Феъл ва феълли фразеологик қурилма (конструкция)ларнинг лексик маъноси ҳақида // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 2000, №3, 74-77-б.

17. Алиқулов Тешабой. Маъно чегаралаш масаласига доир // "Тил ва адабиёт таълими", 1997, №2, 39-42-б.

18. Бозорбоев Келдибек. Сузлашув нутқи фраземаларининг мавзуий гуруҳлари // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 2000, №1, 30-32-б.

19. Искандарова Шарифа. Ўзбек тилида шахс номларининг поғонали муносабати // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1998, 5-сон, 18-20-б.

20. Искандарова Шарифа. Ономасиология муаммолари ва ўзбек тили лексикасини майдон сифатида ўрганиш // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1998, 3-сон, 28-31-б.

21. Искандарова Шарифа. Олий мактабда мазмуний майдон муаммолари // "Тил ва адабиёт журналі", 1998, 3-сон, 40-43-б.

22. Мамадалиев М. Сузларнинг маъно қирраларини ўрганиш (Бобур лирикаси мисолида) // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 2000, 3-сон, 28-31-б.

23. Маматов А. Антонимия асосида фразеологик шаклланиш масалалари // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1998, 6-сон, 56-58-б.

24. Маҳмудов Низомиддин. Қариндош тилларнинг лугат бойлигини ўрганишда шакл ва маъно муносабатлари // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 1997, 2-сон, 29-35-б.

25. Менглиев Бахтиёр. Тилни систем ахлитликда ўрганиш ҳақида // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 2000, 5-сон, 49-52-б.

26. Нурматов Абдуназар. Илмий-техникавий тушунчаларни ифодалаш масаласи // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 2000, 1-сон, 54-56-б.

27. Нуруллаева Шаҳзода. Тўй маросимига оид номларнинг имлоси ҳақида айрим мулоҳазалар // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 2000, 5-сон, 61-63-б.

28. Орифжонова Шоира. Даражаланиш (градуонимия). Республика ёш филолог олимларининг тантанали илмий анжумани материаллари. - Тошкент, 1991.

29. Рафиддинов Сайфиддин. "Қалаңдар" атамасининг этимологияси ҳақида // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1998, 5-сон, 60-64-б.

30. Сувонова Роҳила. Суз ўзлаштириш ва метонимия // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 2000, 6-сон, 49-51-б.

31. Тошхўжаева Наргис. Ўзбек тили лексик-семантик тизимида авиация атамалари // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 2000, 3-сон, 82-86-б.

32. Тулаганов Ғайрат. Атамаларни ўзлаштириш усуллари // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 1998, 2-сон, 35-36-б.

33. Умурқулов Бекпулат. Куп маънолилик ва насрий нутқ // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 2000, 6-сон, 54-61-б.

34. Усмонова Ш. Фразеологик бирликларда маъно ва қурилиш номуаносиблиги // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1998, 1-сон, 77-78-б.

35. Шамсиддинов Ҳакимжон. Шахс билдирадиган тасвирий ифодалар ва уларнинг маъновий гуруҳлари // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 1997, 3-сон, 71-74-б.

36. Шамсиддинов Ҳакимжон. Сўзларнинг функционал-семантик синонимлари. Контекст ва тагматн. // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1998, 3-сон, 24-28-б.

37. Шодиев Ф. Бир бугинли сўзлар ва уларнинг ҳосилалари талқини // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1998, 3-сон, 70-73-б.

38. Шодиев Фахриддин. Ўзбек тилига ўзлашган бир бугинли сўзлар ва уларнинг ҳосилалари талқини // "Ўзбек тили ва адабиёти" журналі, 1998, 5-сон, 23-36-б.

39. Эргашева Матлуба. Ҳаракат ифодаловчи феълларнинг семантик таснифи // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 2000, 2-сон, 25-27-б.

40. Қобулжонова Гулбаҳор. Метафорик кўчимлар таснифи // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 2000, 2-сон, 29-32-б.

41. Ҳакимов Муҳаммаджон. Контекст ва контекстуал маъно ҳақида баъзи мулоҳазалар // "Тил ва адабиёт таълими" журналі, 1998, 3-сон, 38-40-б.

Лугатлар

42. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. 4 томлик: 1-т. ("ФАН", 1983); 2-т. ("ФАН", 1983); 3-т. ("ФАН", 1984); 4-т. ("ФАН", 1985).

43. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. - Москва, 1966.

44. Бегматов Э. Ўзбек исмлари. - Тошкент: "Қомуслар Бош таҳририяти", 1991.

45. Древнетюркский словарь. - Ленинград: "Наука", 1969.

46. Маҳмуд Кошғарий. Девону луготит турк. Уч томлик. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталибов. - Тошкент: "ФАН", 1-т (1960), 2-т (1961), 3-т (1963), индекс-лугат (1967).

47. Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобир асарлари учун қисқача лугат. - Тошкент: "ФАН", 1972.

48. Раҳматуллаев Шавкат. Ўзбек тилининг фразеологик лугати. - Тошкент: "Қомуслар Бош таҳририяти", 1992.

49. Раҳматуллаев Шавкат. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати - Тошкент: "Ўқитувчи", 1978.

50. Раҳматуллаев Шавкат. Ўзбек тилининг этимологик лугати. -Тошкент: "Университет", 2000.

51. Раҳматуллаев Шавкат. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли лугати. -Тошкент: "Ўқитувчи", 1984.

52. Раҳматуллаев Шавкат, Мамаатов Насим, Шукуров Рашидхон. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати. -Тошкент: "Ўқитувчи", 1980.

53. Розенталь Д.Э., Теленкова М.А. Словарь-справочник лингвистических терминов. -Москва: "Просвещение", 1976.

54. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. (Общетюркские и межтюркские основы на гласные). -Москва: "Наука", 1974.

55. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. (Общетюркские и межтюркские основы на букву "Б"). -Москва: "Наука", 1978.

56. Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. (Общетюркские и межтюркские основы на буквы "В", "Г" и "Д"). -Москва: "Наука", 1980.

57. Севортян Э.В., Левитская Л.С. Этимологический словарь тюркских языков. (Общетюркские и межтюркские основы на буквы "Ж", "З", "Й"). -Москва: "Наука", 1989.

58. Умаров Э. Фразеологический словарь "Хазойин-ул-маоний" Алишера Навои. -Ташкент: "ФАН", 1971.

59. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Икки томли: 1-т (Москва: "Рус тили", 1981), 2-т (Москва: "Рус тили", 1981).

60. Ҳожиёв Азим. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. -Тошкент: "Ўқитувчи", 1974.

61. Ҳожиёв Азим. Тилшунослик терминларининг изоҳли лугати. -Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2002.

62. A.Hojiyev, A.Nurmonov, S.Zaynobiddinov, K.Kokren, M.Saidxonov, A.Sobirov, D.Quronov. Hozirgi o'zbek tili faol so'zlarining izohli lug'ati. -Toshkent: "Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati, 2001.

Тил ва ёзувга оид қонун, фармон, қарорлар

63. 1921 йил январда булгон биринчи Ўлка узбек тил ва имло қурултойи чиқорган қарорлари. -Тошкент: "Туркдовнашр", 1922.

64. 1923 йил 18 октябрь. Туркистон Жумҳурияги Маориф Комиссарлигининг Туркистон ўзбекларининг имлолари тўғрисидаги берган буйруғи (буйруқ №48). - Тошкент, 1923.

65. 1928 йил, 11 август. Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг 123-сонли қарори: "Об объявлении в

узбекской письменности ново-узбекского (на латинской основе) алфавита – государственным и о порядке перехода на ново-узбекский алфавит всех учреждений, школ и издательств” // Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд №4, опись №2, ед.хр.14, с. 9-10.

66.1928 йил, 1 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Марказий Ижроия Қўмитасининг 209-сонли қарори: “О дополнении постановления Центрального Исполнительного Комитета... от 11 августа 1928 года №123... статьей 12-ой” //Центральный Архив АН Республики Узбекистан, фонд №4, опись №2, ед.хр.14, с. 11

67.1929 йил, 15-23 майда Самарқандда бўлиб ўтган Республика тил ва имло конференцияси қарорлари.-Тошкент: “Ўздавнашр”, 1930.

68.1940 йил 8 май. Закон о переводе узбекской письменности с латинизированного на новый узбекский алфавит на основе русской графики // Ведомости Верховного Совета Узбекской Республики, №4, июль, 1940, с.4-5.

69.1956 йил, 4 апрель. Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фармони: “Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари тўғрисида” //Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари.-Тошкент: “ФАН”, 1956 йил, 3-б.

70.1989 йил 21 октябрь. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги қонуни.-Тошкент: “Ўзбекистон”, 1989.

71.1993 йил, 2 сентябрь. Латин ёзувига асосланган узбек алифбосини жорий этиш тўғрисида. Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида қабул қилинган қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., №9, 332-модда.

72.1995 йил, 6 май. “Латин ёзувига асосланган узбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарорига ўзгаришлар киритиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарори. //Халқ сўзи, 1995 й., 6 июнь; “Маърифат”, 1995й., 7 июнь. Яна қаранг: “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1995 й., №3, 4-б.

73.1995 йил, 24 август. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 339-сонли қарори: Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида // Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари.-Тошкент: “Ўқитувчи”, 1995, 1-б.

74.1995 йил, 21 декабрь. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори: Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунининг янги таҳририни амалга киритиш тартиби тўғрисида.-Тошкент, 1995.

МУНДАРИЖА

Лексикология Лексикологиянинг объекти, предмети, вазифалари

1-§.	Лексикологиянинг объекти.	3
	Лексикологиянинг предмети.	3
	Лексикологиянинг вазифалари.	3
2-§.	Лексикологиянинг турлари.	3
1.	Умумий лексикология.	3
2.	Хусусий лексикология.	3
	а) тавсифий лексикология.	4
	б) тарихий лексикология.	4
3-§.	Лексикологиянинг бошқа фанлар билан алоқаси.	4
4-§.	Лексикологияда лугат бойлигининг система сифатида урганилиши.	4

Сузнинг лексик бирлик сифатидаги моҳияти

5-§.	Суз - тилнинг энг муҳим номинатив бирлиги.	6
6-§.	Лексемаларнинг лексик бирлик сифатидаги тавсифи.	7
	1. Лексеманинг икки томони:	
	а) ифода плани.	7
	б) мазмун плани.	8

Лексеманинг семантик таркиби

7-§.	Лексик маъно.	10
8-§.	Қушимча оттенкалар.	12
9-§.	Туркумлик семалари.	12

Лексик маънонинг семантик таркиби

10-§.	Лексик маънонинг семалари.	13
11-§.	Аташ семалари.	14
12-§.	Ифода семалари.	14
13-§.	Вазифа семалари.	15
14-§.	Терминлар.	15

Лексеманинг узуал ва окказионал маънолари

15-§.	Узуал маъно.	17
16-§.	Окказионал маъно.	18

Лексик моносемия ва полисемия

- 17-§. Лексик моносемия.20
18-§. Лексик полисемия.20

Лексик маъно тараққиёти

- 19-§. Лексик маъно тараққиёти ҳақида умумий маълумот. 21
20-§. Маънонинг кучиши.21
1.Метафора йўли билан маъно кучирилиши.22
2.Вазифадаги ухшашлик асосида маъно кучирилиши.22
3.Метонимия йўли билан маънонинг кучирилиши.23
4.Синекдоха йўли билан маънонинг кучирилиши.24
21-§. Маънонинг кенгайиши.24
22-§. Маънонинг тарайиши.24
23-§. Лексик маъно тараққиёти натижалари.25

Лексик маъно типлари

- 24-§. Лексик маъноларнинг гуруҳланиши.26
25-§. Ҳозирги лексик маънолар.26
Бош маънолар.27
Ҳосила маънолар.27
26-§. Аввалги лексик маънолар.28
Эски лексик маъно.28
Этимологик лексик маъно.28
27-§. Этимон.28

Лексик синонимия

- 28-§. Лексик синонимия.31
1. Маъно синонимлари.32
2. Услубий синонимлар.32
3. Нутқий синонимлар.32
29-§. Контекстуал синонимия.32
30-§. Лексемаларнинг синоним бўла олмайдиган ҳолатлари.33
31-§. Синонимиянинг турли лексик қатламларга мансуб бўлиши.33
32-§. Синонимия ва полисемия.34

Лексик антонимия

33-§.	Лексик антонимия.	35
34-§.	Контекстуал антонимия.....	36
35-§.	Антонимик жуфтлик.	36
36-§.	Энантиосемия.	37
37-§.	Антонимия ва полисемия.	37
38-§.	Антонимларни белгилаш мезонлари ҳақида.	37
39-§.	Антонимларнинг услубий восита сифатидаги тавсифи.	40

Лексик омонимия

40-§.	Лексик омонимия.	41
1.	Омонимлар (омоним омолексемалар).	41
2.	Омоформалар (омоформа омолексемалар).	42
41-§.	Омоним омолексемаларнинг турланиш ва тусланиш системаларига муносабати.	42
42-§.	Омонимларнинг юзага келиши.	43
43-§.	Омонимия ва полисемия.	43
44-§.	Лексик омонимияга ёндош ҳодисалар.	44
1.	Омофонлар.	44
2.	Омографлар.	44
45-§.	Омоним ва омоформаларнинг услубий восита сифатидаги тавсифи.	44

Паронимия

46-§.	Паронимия.	45
47-§.	Паронимларнинг нутқда услубий восита сифатида қўлланиши (парономазия).	47

Гипонимия, градуонимия, партонимия

48-§.	Гипонимия.	49
49-§.	Градуонимия.	49
50-§.	Партонимия.	50

Ўзбек тили лексикасининг тарихий тараққиёти

51-§.	Тил тараққиётининг халқ тарихи билан боғлиқлиги.	51
52-§.	Ўз қатлам сўзлари.	52
1.	Умумтуркий сўзлар.	52
2.	Соф ўзбек сўзлар.	53
53-§.	Ўзлашган қатлам сўзлари.	53

1. Араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар.53
2. Форс-тожик тилларидан ўзлаштирилган сўзлар.54
3. Русча-байналмилал сўзлар.56

Сўз ўзлаштириш

- 54-§. Сўз ўзлаштириш.59
- 55-§. Сўз ўзлаштиришнинг икки йули.59
- 56-§. Сўз ўзлаштириш усуллари.60
- 57-§. Сўз ўзлаштиришнинг чет сўзларни қўлашдан фарқлари.60

Лексемаларнинг ишлатилиш доираси

- 58-§. Лексемаларнинг ишлатилиш доираси:61
- I. Ишлатилиш доираси чегараланмаган лексемалар.61
 - II. Ишлатилиш доираси чегараланган лексемалар.62
- 59-§. Диалектларга хос сўзлар.62
- 60-§. Лексик, фонетик, грамматик диалектизмларнинг услубий восита сифатида қўлланиши.63
- 61-§. Касб-ҳунар лексикаси.64
- 62-§. Касб-ҳунар лексикасидан услубий восита сифатида фойдаланиш ҳоллари.65
- 63-§. Арготизм ва жаргонизмлар.65
- 64-§. Вульгаризмлар.66

Ўзбек тили лексикасида эскириш ва янгилаш жарёнлари

- 65-§. Лексик историзмлар.68
- 66-§. Лексик архаизмлар.68
- 67-§. Архаиклашиш ҳодисасининг грамматик бирликларда учраши.69
- 68-§. Лексик архаизмларнинг лексик историзмлардан фарқлари.70
- 69-§. Лексик неологизмлар.70
- 70-§. Лексик неологизм турлари:72
- Неологизм-лексема.72
 - Неологизм-семема.72

**Ўзбек тили лексикасининг эмоционал-экспрессив
жиҳатдан қатламланиши**

71-§. Сузнинг услубий буюғи.	73
72-§. Эмоционал-экспрессив буюқдор сузларнинг нутқда қулланиши.	73

**Лексемаларнинг нутқ кўринишларига
хосланиши**

73-§. Нутқ, унинг кўринишлари.	75
Адабий нутқ.	76
Сузлашув нутқи.	76
74-§. Нутқ кўринишларига хосланган лексик қатламлар:	76
I. Умумнутқ қатлам сузлари.	76
II. Нутқнинг маълум кўринишига хосланган сузлар.	76
75-§. Нутқ кўринишларига хосланган лексемаларнинг бадий асар тилида қулланиши.	76
76-§. Сузларнинг фонетик таркибида, грамматик шакларида нутқ кўринишларига хосланиш:	77
1. Сузлашув нутқида.	77
2. Расмий нутқда.	78

Фразеология

Фразеология ҳақида умумий маълумот

77-§. Фразеология.	78
78-§. Фраземаларнинг ифода плани.	79
79-§. Фраземаларнинг мазмун плани.	79
80-§. Фраземаларнинг семантик таркибидаги туркум семалари.	80

Фразеологик моносемия ва полисемия

81-§. Фразеологик моносемия.	81
82-§. Фразеологик полисемия.	81

Фраземаларнинг семантик турлари

83-§. Фраземаларнинг семантик турлари:	82
1. Фразеологик бутунлик.	82
2. Фразеологик чатишма.	82

Фраземаларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари

84-§. Шакл муносабатига кўра турлари:	83
I. Фразеологик омонимия.	83
II. Фразеологик паронимия.	84
85-§. Фраземаларнинг маъно муносабатига кўра турлари:	84
I. Фразеологик синонимия.	84
II. Фразеологик антонимия.	86

Ўз ва ўзлашган қатлам фраземалари

86-§. Фраземаларнинг тарихан икки қатламга ажратилиши:	87
1. Ўз қатлам фраземалари.	87
2. Ўзлашган қатлам фраземалари.	87

Фраземаларнинг ишлатилиш доираси ва замонийлиги

87-§. Фраземаларнинг ишлатилиш доирасига кўра тавсифи:	87
1. Ишлатилиш доираси чегараланмаган фраземалар.	87
2. Ишлатилиш доираси чегараланган фразема- лар.	88
88-§. Ишлатилиши касб-ҳунарга кўра чегараланиш.	88
89-§. Замонийлик белгисига кўра фраземаларнинг турлари:	88
1. Историзм-фраземалар.	88
2. Архаизм-фраземалар.	88
3. Неологизм-фраземалар.	88

Лексикография

90-§. Лексикография.	90
91-§. Лугатларнинг кўзланган мақсадга кўра турлари.	90
92-§. Танланган тиллар миқдорига кўра лугат турлари	91
93-§. Сўз ёки атама маъноларининг ёритилишига кўра лугат турлари.	92
94-§. Обьекти (материалининг қайси соҳага ёки нимага оидлиги) жиҳатидан фарқланадиган лугатлар.	92

ХМ

Лугат мақолаларининг жойлаштирилиш тартиби ва мақола схемалари

95-§. Лугатларда мақола номларини жойлаштириш тартиби:	95
1. Ташқи тартиб.	95
2. Ички тартиб.	95
3. Маъно тартиби.	95
96-§. Лугат мақолалари схемалари.	97
97-§. Ўзбек лугатчилиги тарихи.	100
98-§. Ўзбек лугатчилиги тарихининг чигатоӣ (эски ўзбек тили) даври.	101
99-§. XIX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда лугатчилик.	103
100-§. XX асрнинг 30-йилларида лугатчилик.	103
101-§. XX асрнинг 40-йилларида лугатчилик.	104
102-§. XX асрнинг 50-йилларидан аср охиригача бўлган даврда ўзбек лугатчилиги.	104

Адабиётлар

Дарслик ва қўлланмалар.	105
Мақолалар.	105
Лугатлар.	107
Тил ва ёзувга оид қонун, фармон, қарорлар.	108

242 - буюртма 550 нусха. Ҳажми 7,2 б.т.
2004 йил 30 апрелда босишга рухсат этилди.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографада
нашр қилинди.